34
С 21
341(07)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

Акмал САИДОВ

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

## ЧИЗМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва махсус-ўрта таълим вазирлиги Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 1999 йил 19 июндаги 9-сонли қарорига биноан тегишли олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тасвия этилган.

Ўқув қўлланма

ЧИТАЛЬНЫЙ ЗАЛ

TEAI KUTUBXONASI
№ 359610

Тошкент
"Адолат"
2001

ББК 67.412 Я 73

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг*
*Таҳририят-ноширлик кенгашида маъқулланган*

С 21

**Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Чизмалар ва таърифлар-да**. Ўқув қўлланма. Т.2. Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор У.Тожихонов:– Тошкент. "Адолат", 2001. – 352 б.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари "Халқаро ҳуқуқ" курси дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган ва унинг мавзуларига мос чизилган бўлиб, мазкур ўқув курсининг қоидалари, тушунчалари ва категориялари ҳақида кўргазмали тушунча беради. Унда яхлит халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузиш билан боғлиқ воқеалар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, ўқув фани нуқтаи назаридан аҳамиятлироқ бўлган бошқа материаллар келтирилган.

Ўқув қўлланмани ўқитишдан асосий мақсад талабаларга, тингловчиларга, аспирантларга ва амалиётчи ходимларга ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг қоидалари, ташкилотлари ва соҳаларини ўрганишда ёрдам кўрсатишдан иборат. Мазкур ўқув қўлланма халқаро ҳуқуқнинг асосий институтлари ва тармоқларига доир маълумотлар бериб, халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормалари ва давлатларнинг халқаро ҳамкорлик тажрибаларига баҳо бериш кабиларни ўзида мужассамлаштирган.

ИИВ Академиясининг, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг, шунингдек, юридик олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, адъюнктлари, аспирантлари ва талабаларига, халқаро муносабатлар ҳамда халқаро ҳуқуқ соҳасига ихтисослашган органлар ва ташкилотларга, Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари, халқаро ҳуқуқ масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Юридик фанлар доктори,
профессор
У. ТОЖИХОНОВ

Тақризчилар: академик Ш.З.Ўразаев;
профессор А.Қосимов;
Тошкент давлат юридик институтининг
халқаро ҳуқуқ ва қиёсий
ҳуқуқ кафедраси

© А. Х. Саидов, 2001 й.,
© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001 й.,
© "Адолат" нашриёти, 2001 й.

# КИРИШ

Давлат мустақиллигига эришиш, БМТга ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш Ўзбекистон Республикасига ўз ташқи сиёсатини мустақил амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятига киришда ўз йўлини ишлаб чиқиш, давлатлараро муносабатлар ўрнатишда устувор йўналишларга эга бўлиш имкониятини белгилаб берди[1].

Мустақил ташқи сиёсат қурилиши Ўзбекистон Республикаси учун фаолиятнинг янги ва амалда бошдан кечирилмаган йўналиш бўлди. Мустабид тузум шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри ва очиқ чиқиш имкониятидан маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига, етарлича дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларига эга эмас эди.

Давлат мустақиллиги эълон қилингандан кейин Ўзбекистонда ҳозирги замон халқаро ҳуқуқини ўқитиш тизимини яратиш учун зарур эҳтиёж пайдо бўлди. Мамлакатимиз минтақавий ва халқаро даражаларда бошқа давлатлар билан ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни тобора фаол ривожлантираётган бир шароитда ҳуқуқшуноснинг юксак малакаси ҳалқаро ва хорижий ҳуқуқни қўллаган ҳолда мамлакат ташқарисидаги ҳуқуқий ҳаётнинг янги қоидаларини тезда идрок қилиш ва тўғри баҳолашни назарда тутади.

Юқори малакали халқаро юристларни тайёрлашнинг мажбурий шартларидан бири сифатида халқаро ҳуқуқни теран ва фаол ўрганиш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида халқаро ҳуқуқ факультети, Миллий университет ва Тошкент Иқтисодиёт университетида, Тошкент Давлат юридик институтида, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида халқаро ҳуқуқ кафедраси ташкил этилди.

Ҳозирги замон халқаро оммавий ҳуқуқи (кейинги

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол,иқтисод, сиёсат, мафкура Т.1-Тошкент, 1996.- 50-б.

ўринларда – Халқаро ҳуқуқ, деб юритилади) –давлатлар ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари томонидан яратиладиган ва тинчликни, халқаро хавфсизлик ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган, зарурият бўлганда унинг субъектлари томонидан якка тартибда ёки умумий тартибда мажбурлов йўли билан амалга ошириладиган юридик принциплар ва нормалар тизимидир.

Халқаро ҳуқуқ бугунги кунда цивилизациянинг энг юқори ютуғи, умуминсоний бойлик ва ҳозирги замон жаҳон тартиботининг ҳуқуқий асоси деб эътироф этилган. Халқаро муносабатларни тартибга солишда халқаро ҳуқуқнинг устунлигини, уни ўрганиш, тарғиб қилиш, ўқитиш ва ёйиш зарурлигини эътироф этиб, БМТ Бош Ассамблеяси 1989 йилда XX асрнинг 90-йилларини Халқаро ҳуқуқнинг ўн йиллиги деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Халқаро ҳуқуқ ҳуқуқнинг махсус тизими сифатида ҳеч бир миллий ҳуқуқий тизимга кирмайди ва ички давлат ҳуқуқий нормаларини ўз ичига олмайди. Шу билан бирга халқаро ҳуқуқ давлатларга ўз миллий қонунчилигини ўзлари қатнашчи ҳисобланган халқаро шартномаларга мувофиқлаштириш мажбуриятини юклаб, давлат ички ҳуқуқий нормаларини шакллантиришга таъсир кўрсатади.

XXI аср бошида умуминсоний қадриятларнинг ҳамма жойда эътироф этилиши ва ҳал этиш керак бўлган даврнинг глобал (кенг миқёсли) муаммолари бутун инсониятнинг умумий саъй-ҳаракатлари билангина очилиши мумкинлиги боис халқаро ҳуқуқнинг аҳамияти ошади. Халқаро ҳуқуқни билиш фақат юристларгагина эмас, балки давлат хизматчилари ва бошқа кенг доирадаги шахсларга ҳам зарурдир, чунки у ижтимоий ҳаётнинг барча асосий соҳаларига ўз таъсирини ўтказади.

Халқаро ҳуқуқ ўқув фани сифатида тилининг мураккаблиги, фактик материалларнинг кўплиги, норматив ҳужжатларнинг тадрижийлиги билан фарқ қилади. Халқаро ҳуқуқ бўйича дарсликлар, барча дастурий қоидалар унинг мазмунини батафсил очишга қодир эмас ва нисбатан тез эскиради. Шу сабабли таклиф этилаётган ўқув материаллари ушбу бўшлиқни бирор даражада тўлдиришга, фактик материалларни асослашга, халқаро ҳуқуқни

мустақил ва теран ўрганишга кўмаклашиш учун тавсия этилган.

Методик нуқтаи назардан ушбу ўқув қўлланма ўрганилаётган материалларни мавзули ўрганишни чигаллаштиради. Унга халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуини кодлаштириш ёки улар қабул қилиниши билан боғлиқ чизмалар, жадваллар, воқеаларнинг мавзули тўпламлари, ўқув нуқтаи назаридан энг аҳамиятли халқаро шартномалардан кўчирмалар, БМТ Бош Ассамблеяси қарорларидан парчалар киритилган.

Мазкур ўқув қўлланма халқаро ҳуқуқ фанини талабалар томонидан ўқув фанида асос бўлувчи масалалар бўйича мустақил илмий иш билан қўшиб олиб бориш, халқаро ҳуқуқ ва давлатлар халқаро амалиётининг амалдаги нормаларига ўзлари баҳо беришлари орқали чуқур ўрганишларига мўлжалланган. Китоб жадваллар, чизмалар ва саволлар кўринишида ИИВ Академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида, мамлакатимиздаги ва бошқа чет эллардаги юридик олий ўқув юртларида ўрганиладиган халқаро ҳуқуқнинг бутун курсини қамраб олади.

Талаба ёки тингловчи тавсия қилинган ва мустақил танланган ўқув ва махсус адабиётлар, жадваллар ва халқаро шартномалар матнларини олдиндан ўрганиш асосида қўйилган саволларга лўнда ва мазмунли жавоб бериши, ўз жавобларини халқаро конвенциялар, шартномалар ва битимларнинг аниқ моддаларига ҳавола қилган ҳолда мисоллар билан тасдиқлаши керак.

Талаба ёки тингловчи умуман фан ва айрим масалалар бўйича ўқитувчи ва мураббийдан маслаҳат олиши мумкин. Халқаро ҳуқуқ фанини ўрганишнинг умумий методик кўрсатмалари лекцияларда берилади. Кейинчалик ҳимоя қилингандан сўнг тугалланган баёнлар талабанинг халқаро ҳуқуқ фани бўйича якка тартибдаги илмий ишини ташкил этади. У бўлажак ҳуқуқшунос – талабага давлатларнинг хилма-хил ташқи сиёсий фаолиятига тўғри юридик баҳо бериш имконини беради.

Ўқув қўлланмадан талабалар таълимнинг турли босқичларида ва ўқув машғулотларининг турли шаклларида фойдаланишлари мумкин.

**Маърузалар.** Маърузаеар олдидан тегишли мавзу материаллари билан танишиш, биринчидан, иш режимига тезроқ киришиш, иккинчидан, талабаларни маърузачи айтаётган гапларнинг ҳаммасини ёзиб ололмасликдан халос қилади. Қўшимча ахборотни ёзишнинг ўзи кифоя. Чизмалар ва таърифлар маърузачининг сўзларини эмас, фикрини ёзиб олиш имконини беради. Талаба (тингловчи) маърузани эшитгандан кейин ушбу қўлланмадан фойдаланиб, олинган барча ахборотларни тезроқ билимларнинг мантиқий изчил тизимига келтиради.

**Семинарлар.** Ўқув қўлланмасидаги материаллардан семинар машғулотида жавоб бериш учун ўзига хос режа сифатида фойдаланиш мумкин.

**Мустақил иш.** Масалаларни схематик ёритишда халқаро ҳуқуқ фанини ўрганувчи талабалар (тингловчилар) мустақил ишлаш жараёнида назарий қоидаларни идрок қилишларини, улардан "шубҳаланишларини", улар билан "баҳслашишларини", халқаро ҳаёт реалликлари билан танишишларини назарда тутади.

**Курс ва диплом ишлари.** Таклиф этилаётган ўқув қўлланма ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг объекти ва мавзусини аниқроқ билиб олишга ёрдам бериши мумкин. Схемаларнинг муайянлаштирилиши ва уларга тўлдиришлар киритилиши диплом ёки курс ишининг бир қисми бўлиши мумкин. Диплом ёки курс ишлари эса талаба (тингловчи)нинг мустақиллигидан ҳамда халқаро-ҳуқуқий материалларни танқидий баҳолай олишидан далолат беради.

Тақдим этилаётган қўлланма курс ва давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўришда сезиларли даражада ёрдам бериши мумкин.

Китоб устида ишлашда халқаро ҳуқуқ бўйича қуйидаги ўқув қўлланмалар ва дарсликлардан фойдаланилди:

*Мирзажонов К., Ҳакимов Р.*, Международное право (учебные схемы).– Ташкент, 1993;

*Тузмуҳамедов Р., Ҳакимов Р.* Халқаро ҳуқуқ асослари. – Тошкент, 1998;.

*Маматқулов.А.* Халқаро ҳуқуқ. – Тошкент, 1997;

*Қосимов.А.* Дипломатия асослари. – Тошкент, 1997;

Международное право. Отв.ред. Г.И. Тункин. – М.,1994;

Умумий қисм

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА ИНСТИТУТЛАРИ

Международное право. Под.ред. Г.В.Игнатенко – М., 1995;

Международное право. Отв.ред. Ю.М.Колосов, В.И.-Кузнецов. – М., 2000;

*Бирюков П.Н.* Международное право. Учебное пособие – М., 1998;

*Лукашук И.И.* Международное право. Общая часть. – М.,1998;

*Лукашук И.И.* Международное право. Особенная часть. – М.,1997;

*Мелков Г.М.* Международное публичное право. – М.,1992;

*Панов В.П.* Международное право (учебные материалы) – М.,1997.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг юридик ўқув юртларида халқаро ҳуқуқ фанини ўқитиш ва ўрганиш учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни яратишга киришилган. Мазкур қўлланма айтиб ўтилган фанни янгича ўқув-методологик таъминлашнинг зарур элементини ифодалайди. У муаллифларнинг “Халқаро ҳуқуқ” дарслиги асосида тайёрланган.

Илгари нашр этилган китобдан фарқли равишда таклиф этилаётган ўқув қўлланма, аввало, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, ўз мазмунига кўра ажралиб туради. Мазмуннинг янгилиги халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш мавзусининг кенгайганлиги билан белгиланади.

Мазкур ўқув қўлланманинг яратилиши халқаро ҳуқуқ фанининг яратилиши билан бевосита боғлиқдир. Юқорида кўрсатилган дарсликлар билан биргаликда у барча юридик олий ўқув юртларида халқаро ҳуқуқ фанини ўрганишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. У зарур ўқув материалларини ўзлаштириш имконини берибгина қолмай, балки бўлажак халқаро ҳуқуқшунос учун зарур бўлган мантиқий тафаккур кўникмаларини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради.

Муаллиф китобхонларнинг ушбу китобга оид таклиф-мулоҳазалари ва истакларини миннатдорчилик билан қабул қилади. Чунки улар китобга киритилган ўқув материалларини такомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

# 1-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

## ХАЛҚАРО ТИЗИМ

**Халкаро тизим** – уч қисмни ўз ичига олади.

Улар:

биринчидан, *халқаро тизим субъектлари* (давлатлар, ўз мустақиллиги учун курашаётган миллатлар; халқаро ноҳукумат ташкилотлари; давлатга хос тузилмалар; юридик ва жисмоний шахслар);

иккинчидан, *улар ўртасидаги* (юридик ва жисмоний шахслар бундан мустасно) *халқаро муносабатлар субъектлари*;

учинчидан, *халқаро ҳуқуқ* (махсус ҳуқуқий тизим)дан иборат.

Бу барча таркибий қисмлар аниқ тарихий давр билан шартланган бўлиб, ҳам бир-бири билан, ҳам умуман тизим билан ўзаро боғлиқдир.

Халқаро тизим тинчлик, халқаро хавфсизлик, барқарорликнинг мустаҳкамланишига ҳамда умуминсоний қадриятларнинг умум эътироф этилишига кўмаклашади.

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ –
# МАХСУС ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ



# ДАВЛАТ ИЧКИ ҲУҚУҚИ БИЛАН ҚИЁСЛАНГАНДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

| **Фарқлаш мезонлари** | **Халқаро ҳуқуқ** | **Миллий ҳуқуқ** |
|---|---|---|
| Тартибга солиш предмети | Халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатлар | Давлат ички ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги муносабатлар |
| Манбалари | Халқаро шартнома; халқаро урф-одат; халқаро конференциялар ва ташкилотларнинг ҳужжатлари | Норматив ҳужжат норматив шартнома; урф-одат |
| Субъектлар | Давлатлар; мустақиллик учун курашаётган миллатлар; халқаро ташкилотлар; давлатга хос тузилмалар; баъзан юридик ва жисмоний шахслар | Жисмоний ва юридик шахслар; давлат; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқалар |
| Халқаро муносабатларда қатнашиш | Ҳуқуқ субъектлари халқаро муносабатларда мустақил равишда қатнашадилар, халқаро ҳуқуқ нормаларини яратадилар, ижро этадилар, жорий этилишини таъминлайдилар | Ҳуқуқ субъектлари давлатнинг юридик мақоми остида бўлади |
| Нормаларни яратиш усули | Субъектлар битими | Бир томонлама давлат ҳокимлик фаолияти |
| Нормаларга риоя қилинишини таъминлаш | Субъектларнинг ўзлари томонидан | Давлат органлари томонидан |

# ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР



# ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ ВА КЛАССИФИКАЦИЯСИ

**Халқаро муносабатлар**

- АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ
  - Тинчликни таъминлаш
  - Халқаро муносабатларнинг кенгайиши
  - Илмий-техник тараққиёт ролининг ўсиши
  - Хўжалик ҳаёти байналминаллашувининг кучайиши
  - Халқаро ташкилотлар ролининг ўсиши
  - Тинчлик, ядро урушининг олдини олиш, қуролсизланиш муаммосининг алоҳида аҳамияти
  - Халқаро ҳуқуқ ролининг ўсиши
  - Давлатлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш
- КЛАССИФИКАЦИЯСИ
  - Давлатлараро муносабатлар
  - Нодавлат тусидаги давлатлараро муносабатлар
  - Мазмунан давлатнинг ички ваколатига кирувчи, бироқ халқаро ҳуқуқий тартибга солиш соҳасига киритилган давлат ички муносабатлари давлатлараро муносабатлар

# ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТУРЛАРИ

**Субъектлар доирасига кўра**

- ХАЛҚАРО ДАВЛАТЛАРАРО ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР
  - Давлатлар ўртасидаги муносабатлар
  - Давлатлар ва мустақиллик учун курашаётган давлатлар, миллатлар ўртасидаги муносабатлар
- ДАВЛАТЛАРАРО ХУСУСИЯТГА ЭГА БЎЛМАГАН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР
  - Давлатлар билан халқаро ташкилотлар, давлатга хос тузилмалар ўртасидаги муносабатлар
  - Халқаро ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар
  - Давлатлар, халқаро ташкилотлар ва жисмоний ҳамда юридик шахслар ўртасидаги муносабатлар
  - Жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатлар

# ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ

**Халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш механизми қисмлари**

- Халқаро-ҳуқуқий нормалар
- Халқаро-ҳуқуқий нормаларни қўллаш ҳужжатлари
- Халқаро-ҳуқуқий муносабатлар

# ДАВЛАТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТИ МАЗМУНИ



# ДАВЛАТЛАР ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ




ЧИТАЛЬНЫЙ ЗАЛ



TEAI KUTUBXONASI
№ 359610

# ХАЛҚАРО НОРМАТИВ ТИЗИМ




# ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ НИСБАТИ НАЗАРИЯСИ



# ХАЛҚАРО ОММАВИЙ ҲУҚУҚ (ХОҲ) ВА ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ (ХХҲ)НИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

**Ўзаро алоқадорлик**

- **Бир хилда йўналганлик**
- Халқаро муносабатларни тартибга солади
- **Умумий асослар**
- Халқаро оммавий ҳуқуқ асосий принципларининг халқаро шахсий ҳуқуқ таъминотида ўзгариши
- **Давлатларнинг тан олиши**
- Халқаро хусусий ҳуқуқ масалалари бўйича халқаро шартномаларнинг халқаро оммавий ҳуқуқ принципларига зид эмаслиги
- Турли соҳаларда халқаро ҳамкорлик учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишнинг умумий мақсадлари

| ХОҲ | Фарқлаш | ХХҲ |
| --- | --- | --- |
| Давлат, давлатга хос тузилмалар ва бошқалар | СУБЪЕКТЛАР | Жисмоний, юридик шахслар, давлатлар |
| Давлатлараро муносабатлар | ОБЪЕКТЛАР | Халқаро хусусий ҳуқуқий (фуқаролик, оила, меҳнат ва бошқа) муносабатлар |
| Халқаро шартнома, халқаро урф-одат ва бошқалар | МАНБАЛАР | Миллий қонунчилик, халқаро шартномалар, савдо урф-одатлари ва бошқалар |
| Давлатларнинг ихтиёрий келишуви | ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛИ | Манфаатлар зидлигининг бартараф этилиши |
| Халқаро ҳуқуқий келишув | ЖАВОБГАРЛИК | Фуқаролик-ҳуқуқий |
| Глобал (барча давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари) | АМАЛ ҚИЛИШ СОҲАСИ | Миллий (ҳар бир давлатнинг ўз ХХҲ) |

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ

**Халқаро ҳуқуқ нормалари** – сифат жиҳатидан ўзига хослиги билан фарқ қилувчи, кўпроқ ёки камроқ алоҳида ажратилган муносабатларни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий нормалар ва институтлар йиғиндиси.

**Халқаро ҳуқуқ нормалари**

- [illegible]
- Халқаро шартномалар ҳуқуқи
- Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи
- Халқаро конференциялар ва кенгашлар ҳуқуқи
- Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи
- Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи
- Дипломатия ва консуллик ҳуқуқи
- Халқаро денгиз ҳуқуқи
- Халқаро ҳаво ҳуқуқи
- Халқаро коинот ҳуқуқи
- Халқаро жиноят ҳуқуқи
- Қуролли можаролар ҳуқуқи
- Халқаро иқтисодиёт ҳуқуқи
- Халқаро экология ҳуқуқи
- Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқи

# ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЖАҲОН СИЁСАТИ



# ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРИ



# ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ



# 2-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТАРИХИ

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТАРИХИ

Қадимги Греция, Миср, Вавилон, Ҳиндистон, Хитой, Қадимги Рим, Оссурия, Хатб подшолиги ва бошқалар

Қадимги дунёнинг халқаро ҳуқуқи

Ўрта асрлар халқаро ҳуқуқи

Янги давр халқаро ҳуқуқи

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг хусусиятлари

# ХОРИЖИЙ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТАЪЛИМОТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



# 3-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ЯРАТИШ ЖАРАЁНИ

Халқаро ҳуқуқ нормалари, одатда, икки босқичда яратилади:




Халқаро ҳуқуқ субъектларининг иродасини ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари хулқ-атвори жиҳатидан келишиш.

Хулқ-атвор қоидалари мажбурийлигига юридик розилик бериш.

Халқаро ҳуқуқнинг императив нормалари (jus cogens) уч босқичда яратилади:




Халқаро ҳуқуқ субъектларининг иродасини ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари хулқ-атвори жиҳатидан келишиш.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари иродасини келишиш шундаки, хатти-ҳаракатларнинг ушбу қоидаси халқаро ҳуқуқнинг бошқа нормаларига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлади.

Хулқ-атвор қоидалари мажбурийлигига юридик розилик бериш.

## ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ НОРМА ТУЗИЛИШИ



# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

**Кўрсатмалар хусусиятига кўра**
- нормалар-принциплар
- нормалар-таърифлар
- нормалар-ваколатлар
- нормалар-мажбуриятлар
- нормалар-тақиқлар

**Халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш механизмидаги роли бўйича**
- Мунтазам
- Муҳофаза қилувчи

**Хулқ-атвор қоидалари мазмуни бўйича**
- Моддий
- Процессуал

**Амал қилиш соҳаси бўйича**
- Универсал
- Минтақавий
- Маҳаллий

**Амал қилиш вақти бўйича**
- Муддатли
- Муддатсиз

3—К-8612

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ ИЕРАРХИЯСИ

***Халқаро соҳада.*** Давлат ички ҳуқуқидан фарқ қилган ҳолда оммавий ҳуқуқ нормалари иерархияси у ёки бу нормани қабул қилган органнинг қоидасига эмас, балки нормаларнинг ўзининг хусусиятига асосланган.




***Давлат ички соҳасида*** халқаро ҳуқуқнинг нормаларини қўллаш устунлиги давлат номидан шартнома тузган органнинг қоидасига боғлиқ бўлади.



## МИЛЛИЙ ҲУҚУҚДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ



# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ




Суд низоларни халқаро ҳуқуқ асосида ҳал этар экан, қуйидагиларни қўллайди:

1) низолашув давлатлар томонидан эътироф этиладиган халқаро конвенциялар;
2) ҳуқуқий норма сифатида эътироф этиладиган умумий амалиётнинг исботи сифатида халқаро урф-одат;
3) цивилизацияли миллатлар ҳуқуқининг умумий принциплари;
4) ҳуқуқий нормаларни аниқлаш учун ёрдамчи восита сифатида мутахассисларнинг суд қарорлари ва таълимотлари (БМТ Халқаро Суди Статутининг 38-моддаси).

# 4-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ

***Халқаро ҳуқуқ субъектлари*** – ҳеч кимнинг юридик мақоми остида бўлмаган, мустақил халқаро ҳаракатларга, халқаро ҳуқуқ нормаларини яратишга, бажаришга ва ижросини таъминлашга, юридик лаёқатга эга бўлган халқаро муносабатлар иштирокчилари.

Халқаро ҳуқуқий мўносабатлар субъектларига, халқаро ҳуқуқ субъектлари, белгиланган ҳолатларда – жисмоний шахслар ва корхоналар киради. Халқаро ҳуқуқ субъектлари – халқаро ҳуқуқ билан белгиланган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлган халқаро муносабатлар иштирокчиларидир.

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ






# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ ТУРЛАРИ



# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ТАН ОЛИШ



# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА
# ТАН ОЛИШ ТУРЛАРИ



# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ТАН ОЛИШ ШАКЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

**Тан олишнинг юридик аҳамияти** – янги субъектнинг асосий ҳуқуқларини амалга оширишга ёрдам бериш.




Тан олишнинг юридик аҳамияти – янги субъектнинг асосий ҳуқуқларини жорий этишга таъсир кўрсатиш

# ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИГИ

**Давлатнинг ҳуқуқий ворислиги** – янги давлатнинг пайдо бўлиши, бир давлатнинг иккинчиси таркибига кириши, давлатларнинг бўлиниши ва ҳоказолар билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир давлатдан иккинчисига ўтиши

## ДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИГИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ АСОСЛАРИ

- Икки ёки бир неча давлатнинг биттага бирлашиши
- Мустамлака ўрнида давлатнинг пайдо бўлиши
- Мураккаб давлатнинг 2-3 янги давлатга парчаланиши
- Мавжуд давлатдан ажралиб чиққан ҳудуд қисмида давлатнинг пайдо бўлиши

## Ҳуқуқий ворисликни кодификациялаш

- 1978 ЙИЛГИ КОНВЕНЦИЯ
- 1983 ЙИЛГИ КОНВЕНЦИЯ

## ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИКНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ СУБЪЕКТЛАРИ

- Ижтимоий инқилоб
- Янги давлатларнинг пайдо бўлиши
- Давлатларнинг бирлашиши ёки бўлиниши
- Бир қисм ҳудуднинг берилиши

## ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИК ОБЪЕКТЛАРИ

- Халқаро шартномаларга нисбатан (шартномаларга нисбатан давлатлар ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги 1978 йилги Вена Конвенцияси)
- Давлат мулки, архивлар ва қарзларга нисбатан (давлат мулки, давлат архивлари ва давлат қарзларига нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисида 1983 йилги Конвенция)
- Халқаро ташкилотлардаги аъзоликка нисбатан

# ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИК ТУРЛАРИ

**Ҳуқуқий ворислик турлари**

**СУБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА**

- Янги мустақил давлатлар
- Бирлашиш ёки бўлиниш натижасида пайдо бўлган давлатлар
- Шартнома бўйича бир давлат ҳудуди қисмини бошқасига беришда
- Ташкилотлар ўртасида

**ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА**

- Ҳудуд
- Аҳоли
- Шартномалар ва бошқа норматив ҳужжатлар
- Давлат мулки, қарзлари ва архивлари
- Халқаро ташкилотлардаги аъзолик
- Бошқалар

**АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ БЎЙИЧА**

- Доимий
- Вақтинча

**ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ ҲАЖМИ БЎЙИЧА**

- Тўла ҳажмда
- Қисман

**ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИККА КИРИШ УСУЛИ БЎЙИЧА**

- Ҳуқуқий ворислик ҳақида хабар бериш
- Ратификация қилиш, қабул қилиш ёки тасдиқлаш шарти билан
- Зўравонлик билан (инқилоб ёки миллий-озодлик кураши натижасида)
- Ихтиёрий (шартнома асосида)

# 5-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ПРИНЦИПЛАРИ



# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

**Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари** – халқаро ҳуқуқ субъектларининг универсал, умум эътироф этган, умуммажбурий, асос бўлувчи хулқ-атвор қоидалари, юқори юридик кучга эга бўлган халқаро ҳуқуқ нормалари

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий принциплари 1945 йили БМТ Уставида, 1970 йили Давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка тегишли халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларациясида, 1975 йили Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Якунловчи ҳужжатида, шунингдек, БМТ, ЕХҲКниг бошқа ҳужжатларида, анжуманлар ва битимларда мустаҳкамланди, эълон қилинди ва кенг талқин этилди.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари инсоният жамияти тараққиётининг муайян босқичларида пайдо бўлди ва ривожланди (масалан, халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш принципи Қадимги дунёданоқ пайдо бўлган эди), ҳар бир даврда янги мазмун билан бойиди, ҳозир эса аниқ ифодаланган умуминсоний йўналишга эга.

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

**Халқаро ҳуқуқ принциплари**

- Куч ишлатмаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик
- Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш
- Ички ишларга аралашмаслик
- Давлатларнинг БМТ Уставига мувофиқ ҳамкорлик қилиш мажбурияти
- Тенг ҳуқуқлилик ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши
- Суверен тинчлик
- Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш
- Чегараларнинг дахлсизлиги
- Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги
- Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш

Дастлабки беш принцип Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида мустаҳкамланган (1945 й.) . Уларнинг мазмуни БМТ Уставига мувофиқ (1970 й.) Давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка тегишли Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда батафсил баён қилинди.

Асосий принциплар ЕХҲКнинг Якунловчи ҳужжатида (Хельсинки, 1975 й.) янада ривожлантирилган.

4—К-8612

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ТИЗИМИ




# ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ



## ИНСОН, ХАЛҚЛАР ВА МИЛЛАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

**Инсон, халқлар ва миллатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий принциплари**

- Халқлар ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши
- Инсон асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш – давлатнинг демократиклиги кўрсаткичи

## ДАВЛАТЛАР ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ



# 6-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ҲУДУД ВА БОШҚА МАКОНЛАР

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида ҳудуд сўзи орқали кенг маънода қуруқлик ва сув юзаси, ер ости ва ҳаво бўшлиғи билан бирга олганда бутун ер юзаси тушунилади.

Халқаро муносабатларда ҳудуднинг аҳамияти жуда катта, чунки у фақат макон бўлиб қолмай, балки алоҳида олганда ҳар бир давлатнинг ва умуман инсониятнинг яшаш муҳити ва мавжуд бўлишининг моддий базаси ҳисобланади.

Цивилизациянинг ривожланиши фақат қуруқликдаги макондан жадал фойдаланишгагина эмас, балки миллий ҳудудлардан ташқаридаги ҳаво бўшлиғининг очиқ денгизи, Арктика ва Антарктидадан, шунингдек космик фазодан, Ойдан ва бошқа осмон жисмларидан фойдаланишга олиб келди.

Буларнинг ўзлаштирилиши барча давлатлар ва халқларнинг умумий фойдаланишидаги ҳудудларнинг халқаро-ҳудудий режимини ҳосил қилувчи нормалар пайдо бўлишига олиб келди.

# ҲУДУД ТУРЛАРИ



# ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ ОСТИДАГИ ҲУДУД



# ДАВЛАТ ҲУДУДИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

**Давлат ҳудуди**

- Қуруқлик
  - Қитъа юзаси
  - Ороллар
  - Архипелаглар
- Сувли ҳудуд (акватория)
  - Дарёлар
  - Кўллар
  - Каналлар ва сув омборлари
  - Ички денгиз сувлари
  - Ҳудудий сувлар
- Ер ости
  - Қуруқлик ҳудуди остидаги бўшлиқ
  - Сув ҳудуди остидаги бўшлиқ
- Ҳаво бўшлиғи
  - Қуруқлик ҳудуди устидаги бўшлиқ
  - Сув ҳудуди устидаги фазо
- Шартли ҳудуд
  - Давлат ҳудуди ташқарисидаги денгиз, ҳаво, космик кемалар
  - Қувурлар, халқаро ҳудуд доирасидаги бошқа иншоотлар ёки асбоб-ускуналар

# ДАВЛАТНИНГ ҲУДУДИЙ УСТУНЛИГИ

**Давлатнинг ҳудудий устунлиги**

**БЕЛГИЛАРИ**

- Мазкур давлат ҳокимияти унинг ҳудудидаги барча жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан юқори ҳисобланади
- Давлат ҳудудида исталган бошқа давлатнинг оммавий ҳокимияти фаолияти истисно қилинади
- Давлатнинг олий ҳокимияти қонунчилик, ижроия , маъмурий ва суд соҳаларида давлат органлари тизими билан амалга оширилади
- Давлат ўз ҳудуди доирасида шахсларга нисбатан, башарти халқаро шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, қонунга мувофиқ барча маъмурий мажбурлов воситаларини қўллайди
- Давлатнинг юридик мақоми унинг ҳудудидан ташқарида фақат очиқ денгиздаги ўз ҳарбий кемаларига, ҳудуддан ташқаридаги ҳаво кемаларига ҳамда коинот объектлари ва уларнинг экипажларига нисбатан амал қилиши мумкин
- Давлатни унга тегишли ҳудуддан, тегишли табиий ресурслардан ҳеч ким зўрлаб маҳрум қилишга ва давлат чегараларини узайтиришга ҳақли эмас
- Ердан ва давлатнинг ер ости бойликларидан бошқа давлатлар ва уларнинг вакиллари ҳудудий суверенинг розилигисиз саноат мақсадларида фойдаланиши мумкин эмас

## ҲУДУДНИ УЗАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ




## ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ, ТАСНИФИ, ТАРТИБИ






# ХАЛҚАРО ҲУДУДЛАР



# АРАЛАШ ТАРТИБЛИ ҲУДУДЛАР



Тегишли давлатлар (Россия Федерацияси, АҚШ, Канада, Дания ва Норвегия) қирғоқларига туташиб кетувчи Арктика ҳудудлари ушбу мамлакатлар учун катта иқтисодий ва стратегик аҳамиятга эга. Жумладан, Шимолий Муз океани соҳил денгизлари (орқали) Шимолий денгиз йўли – Россиянинг ички сув йўлларидан ўтади, у ҳозирги пайтда хорижий кемаларнинг ўтиши учун очиқ (лоцман ўтказиши шарти билан).

Антарктиданинг халқаро-ҳуқуқий тартиби 1959 йилги Антарктида тўғриси-даги шартнома, шунингдек, ушбу қитъанинг жонли ва минерал ресурсларига тегишли бўлган бошқа шартномалар билан тартибга солинади.

Халқаро дарёлар – икки ёки ундан кўп давлат ҳудудидан оқиб ўтадиган ва уларга нисбатан тегишли халқаро шартномалар мавжуд бўлган дарёлардир. Уларнинг халқаро-ҳуқуқий тартиби манфаатдор давлатлар ўртасидаги шартномалар билан белгиланади.

# АРКТИКА СОҲИЛЛАРИ



# 7-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА АҲОЛИ



5—K-8612

# ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИДА АҲОЛИ



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИ

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги**

### ФУҚАРОЛИКНИ ОЛИШ

- Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи собиқ СССРнинг барча фукаролари уни так олишлари натижасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонун кучга кирган кунда («нол вариант»)
- Туғилган жойидан, Ўзбекистон Республикаси худудидаги апатридлардан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, номаълум ота-оналардан туғилганлар ва бошқалар
- Эр ёки хотини ёхуд ота-оналари Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланган собиқ СССРнинг собиқ фуқароларини, Ўзбекистон собик фуқароларининг болаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби
- Собиқ совет фуқаролигидан асоссиз равишда маҳрум этилган шахсларни фуқароликка қабул қилиш ёки фуқароликка тиклаш натижасида ва бошқалар

### ФУҚАРОЛИКНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ

- Рўйхатдан ўтказиш тартибида илтимосномага кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш оқибатида (харбий хизматга чақириш ва жиноий жавобгарликка тортиш холларидан ташқари)
- Қасддан қалбаки маълумотлар ва сохта ҳужжатлар тақдим этган шахсларни фуқароликка қабул қилиш тўғрисидаги қарор бекор қилиниши оқибатида
- Бола Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаганлар томонидан фарзандликка олинганда; агар ота-оналар, васийлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқса, уларнинг болаларининг фуқаролиги ҳам ўзгаради
- Халқаро шартномаларда назарда тутилган асосларга кўра фуқароликни танлаш бўйича (оптация)

## ҚОЧОҚЛАР ҲУҚУҚИ.
## ҚОЧОҚЛАР ВА КЎЧИРИЛГАН ШАХСЛАР

**Қочоқ ҳуқуқи** – бирор-бир шахсга муайян бир давлат томонидан сиёсий сабабларга кўра ўзи фуқаро бўлган мамлакатда таъқибдан яшириниш ёки доимий яшаш учун жойи берилиши, шунингдек ушбу шахсни бермаслик.

**Қочоқлар** – таъқибдан қочиб, миллати, диний эътиқоди, сиёсий эътиқодига кўра, ҳарбий ҳаракатлар ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар туфайли ўзлари яшаган мамлакатни тарк этган фуқаролар.

**Кўчирилган шахслар** – Иккинчи жаҳон уруши даврида гитлерчилар ва уларнинг гумашталари томонидан босиб олинган ҳудудлардан турли ишларда фойдаланиш учун зўрлаб олиб кетилган шахслар.

**Мажбурий кўчирилганлар** – зўрлик ёки хавф-хатар оқибатида давлат чегараси доирасида доимий яшаш жойини тарк этишга мажбур бўлган шахслар.

# 8-мавзу. ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

**Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик** – халқаро ҳуқуқ нормалари ва ўз халқаро мажбуриятларини бузган халқаро ҳуқуқ субъектлари учун бошланадиган юридик оқибатлардир. Айни вақтда у халқаро-ҳуқуқий нормаларга риоя қилишни ва етказилган зарарни қоплашни таъминлашнинг юридик воситаларидан биридир.

Жиноятчиликка қарши кураш ҳар бир давлатнинг ички ваколатига киради, бироқ халқаро тусдаги жиноятларнинг кўпига нисбатан бошқа давлат ҳудудида бекиниб юрган жиноятчиларни ушлаш, ўғирланган мол-мулкни қайтариш ва бутун халқаро ҳамжамият миқёсида уюшган жиноятчиликка қарши курашда умумий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун барча давлатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш талаб қилинади. Давлатларнинг бир-бирига ҳуқуқий ёрдами ва Интерпол фаолияти бу соҳада муҳим роль ўйнайди.

# ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ АСОСЛАРИ

**Жавобгарлик** – халқаро ҳуқуқ субъектининг ўзи томонидан бошқа халқаро ҳуқуқ субъектига ҳуқуқбузарлик натижасида етказган зарарини тугатиш мажбурияти ёки фаолият натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш мажбурияти (агар бу халқаро шартномада махсус назарда тутилган бўлса)

**Жавобгарлик асослари**

- ЮРИДИК (НИМА АСОСДА?)
  - Давлатлар учун юридик мажбурий хатти-ҳаракат қоидаларини мужассамлаштирган ҳужжатлар йиғиндиси
  - Халқаро шартномалар
  - Халқаро урф-одатлар
  - Халқаро судлар ва ҳакамликларнинг қарорлари
  - Халқаро (ҳукуматлараро) ташкилотларнинг мажбурий қарорлари
  - Давлатларнинг бошқа давлатларга қаратилган бир томонлама халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари, уларнинг қоидалари бу ҳужжатларни чиқарган давлатлар учун юридик мажбурий хатти-ҳаракат қоидаларини белгилайди
- ҲАҚИҚАТДА (НИМА УЧУН?)
  - Халқаро ҳуқуқбузарликнинг таркиби
  - Ҳуқуқбузарлик объекти
  - Ҳуқуқбузарлик субъекти
  - Объектив томон
- ПРОЦЕССУАЛ (ҚАЙСИ ТАРТИБДА?)
  - Жавобгарликка тортиш жараёнини тартибга солувчи қоидалар ва нормалар

# ДАВЛАТЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ АСОСЛАРИ



## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚБУЗАРЛИК




## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ЭЛЕМЕНТЛАРИ



# ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ






## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ЖАВОБГАРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ



# ХАЛҚАРО ТУСДАГИ ЖИНОЯТЛАР



# ХАЛҚАРО ЖИНОЯТЛАР



## ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИЯТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ (1991 ЙИЛ)



# ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ САНКЦИЯЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

**Санкциялар** – халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан ҳуқуқбузарликка жавоб сифатида унинг олдини олиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва айбдорнинг жавобгарлигини таъминлаш учун қўлланиладиган мажбурий чора-тадбирлардир

***Санкциянинг жавобгарликдан фарқи:***

1) санкциялар – жабрланувчининг ҳаракатидир;
2) санкциялар жабрланувчининг ҳуқуқи ҳисобланади;
3) санкциялар жабрланувчининг хоҳишига кўра қўлланилади;
4) бош мақсад – ҳуқуқбузарни жавоб беришга мажбур қилишдир;
5) санкциялар куч, зўравонлик элементларини ўз ичига олади



Махсус қисм

# ҲАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИ

# 9-мавзу. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ҲУҚУҚИ




6—К-8612

**Халқаро шартномалар ҳуқуқи** – халқаро ҳуқуқнинг қадимий тармоғи. Халқаро шартномалар ҳуқуқини расмий кодификация қилишга биринчи уриниш Миллатлар Лигаси доирасида амалга оширилди ва бу уриниш 1928 йилда Халқаро шартномалар тўғрисидаги Америкалараро конвенция имзоланиши билан якунланди. 1969 йилда халқаро шартномалар тўғрисидаги Вена конвенцияси имзоланди, унинг базасида 1986 йили давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасида халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинди.

1978 йилдаги шартномаларга нисбатан давлатнинг ҳуқуқий ворисийлиги тўғрисидаги Вена конвенцияси ва 1983 йилда давлат мулкига, давлат архивларига ва давлат қарзларига (ҳали кучга киргани йўқ) нисбатан давлатнинг ҳуқуқий ворисийлиги тўғрисидаги Вена конвенцияси халқаро шартномалар ҳуқуқини келгусида кодификациялашнинг муҳим босқичи бўлди.

**Халқаро шартномалар ҳуқуқи** – давлатлар ва халқаро ҳуқуқ бошқа субъектларининг халқаро шартномаларини тузиш, уларнинг амал қилиши ва ҳаракатдан тўхташи бўйича муносабатларини тартибга солиб турувчи халқаро ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат ҳуқуқ тармоғи.

## ХАЛҚАРО ШАРТНОМАНИНГ ТУЗИЛИШИ




## ХАЛҚАРО ШАРТНОМАНИНГ ТУРЛАРИ



# ШАРТНОМАЛАР ВА БИТИМЛАРНИНГ МАЗМУНИ БЎЙИЧА КЛАССИФИКАЦИЯСИ

**Шартномалар ва халқаро битимлар**

## СИЁСИЙ ШАРТНОМА

- ***Иттифоқ шартномалари*** – уларни тузган давлатлар маълум манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олган битим
- ***Бетарафлик тўғрисидаги шартномалар*** – давлатлар ўртасидаги шартнома бўлиб, уларга ҳар қандай ҳарбий ҳаракатларда қатнашмаслик ва маълум ҳудудни ҳарбий базага айлантирмаслик мажбуриятини юклайди
- ***Тинчлик шартномалари*** – уруш ҳолатини юридик жиҳатдан тўхтатади ҳамда сиёсий ва бошқа муносабатларни ўрнатади
- ***Ўзаро ёрдам тўғрисида шартномалар*** – иттифоқ шартномаларининг бир кўриниши бўлиб, уларнинг иштирокчилари бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатишга мажбурдир
- ***Ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномалар*** бўйича томонлар бир-бирларига ҳам алоҳида, ҳам бошқа давлатлар билан ҳамкорликда ва бошқача тарзда ҳужум қилмаслик мажбуриятини зиммага олади

## ИҚТИСОДИЙ ШАРТНОМА

- Савдо шартномалари
- Товар етказиб бериш ва товар айирбошлаш тўғрисидаги битим
- Техник ёрдам кўрсатиш ёки илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги битим
- Халқаро ҳисоб-китоблар тўғрисидаги битим
- Божхона масалалари бўйича битим
- Икки ҳисса солиқ ундиришнинг олдини олиш бўйича битим
- Инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисида битим ва бошқалар

## МАХСУС МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ШАРТНОМА

- Транспорт соҳасида
- Алоқа соҳасида
- Қишлоқ хўжалиги соҳасида
- Илмий ҳамкорлик масалалари бўйича
- Ҳуқуқий масалалар бўйича
- Маданият соҳасида
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида
- Ҳарбий масалалар бўйича ва бошқалар

# ХАЛҚАРО ШАРТНОМА ТУЗИШ ТАРТИБИ

**Халқаро шартнома** – мазкур битим битта ҳужжатда ёки бир-бири билан ўзаро боғланган бир нечта ҳужжатларда бўлишидан, шунингдек, номланишидан қатъи назар, хорижий давлат (давлатлар) ва (ёки) халқаро ташкилот (ташкилотлар) билан ёзма ёки оғзаки усулда тузилган халқаро битим

- 1. МАТННИ ТАЙЁРЛАШ (КЕЛИШИШ)
  - Музокараларда
  - Анжуманларда
  - Халқаро ташкилот доирасида
- 2. МАТННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ (АЛОҲИДА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ)
  - Бир овоздан
  - Қатнашчиларнинг 2/3 қисми кўплиги билан
  - Консенсус
  - Шартномани маъқуллаш тўғрисидаги резолюция учун овоз бериш (БМТ Бош Ассамблеяси)
  - Халқаро ташкилот анжумани қатнашчиларининг 2/3 қисми кўплиги билан
- 3. МАТННИНГ АСЛ НУСХАГА МОСЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ
  - Розилик билдириш
  - Имзолаш
  - Ad referendum имзолаш
  - Матнни анжуманнинг якунловчи ҳужжатига киритиш
  - Халқаро ташкилотнинг шартномани маъқуллаш тўғрисидаги резолюцияси
- 4. ШАРТНОМАНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИГА РОЗИЛИКНИ ИФОДАЛАШ
  - Имзолаш
  - Ҳужжатлар (ноталар) алмашиш
  - Ратификация қилиш
  - Тасдиқлаш
  - Қабул қилиш
  - Қўшилиш
  - Томонлар келишган бошқа усуллар

# ХАЛҚАРО ШАРТНОМА ТУЗИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ



## ХАЛҚАРО ШАРТНОМАНИНГ ТУЗИЛИШИ



# ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИНГ КУЧГА КИРИШИ

**ШАРТНОМАЛАР КУЧГА КИРАДИ**

- Имзоланган вақтдан бошлаб
- Қабул қилинган, тасдиқланган, шартномага қўшилган, шартномаларни ташкил қилган ҳужжатлар алмашилган вақтдан бошлаб
- Ратификация қилинган вақтдан бошлаб
- Ратификация ёрлиқлари алмашилган вақтдан бошлаб
- Ратификация қилингандан, ратификация ёрлиқлари алмашилгандан сўнг маълум муддат ўтгандан сўнг
- Маълум миқдордаги ратификация ёрлиқлари, қўшилганлик тўғрисидаги ҳужжатлар сақлаш учун топширилган вақтдан бошлаб
- Шартномада белгиланган муддатдан
- Шартномада кўрсатилган шароит вужудга келган вақтдан бошлаб

# ШАРТНОМАЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛМАСЛИГИ АСОСЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

*(1969 йилдаги халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси бўйича)*

Шартномалар амал қилишининг презумпцияси халқаро ҳуқуқдаги асосий презумпциялардан биридир.

Амал қилмаслиги асоси – шартнома ўз кучини йўқотишга (юридик кучга эга бўлмайдиган) олиб келган вазият.

Амал қилмаслиги оқибати – шартнома амал қилмайдиган ҳолда келиб чиқадиган натижалар.



# ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ВА АМАЛ ҚИЛМАСЛИГИ ШАРТЛАРИ



# ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ АСОСЛАРИ



## ШАРТНОМАЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ ШАРТЛАРИ

### ШАРТНОМАЛАРНИНГ КУЧГА КИРИШИ

- Имзо чекилган вақтдан бошлаб
- Белгиланган муддат(сана)дан бошлаб
- Ратификация ёрлиғининг белгиланган куни етиб келиши билан
- Ратификация қилинган вақтдан бошлаб
- Ноталар алмашилган вақтдан бошлаб

### ШАРТНОМАЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

- Шошилинч
- Унчалик шошилинч бўлмаган
- Муайян-шошилинч

### ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ ШАРТЛАРИ

- Амал қилиш муддатининг ўтиши
- Шартноманинг ижро этилиши
- Денонсация
- Бекор қилиш
- Бекор қилиш шартларининг келиб чиқиши
- Субъектнинг ўз фаолиятини тўхтатиши
- Қатнашувчилар сонининг керагидан кам бўлиши
- Янги императив нормаларнинг пайдо бўлиши
- Ҳолатнинг тубдан ўзгариши
- Амал қилишининг тўхтатилиши

Халқаро ҳуқуқда унда қатнашиши ёки қатнашмаслигидан қатъи назар, барча давлатларнинг бажариши шарт бўлган шартномалар мавжуд (масалан, БМТ Устави, кемаларнинг ифлосланишини бартараф этишга оид 1978 йилги Конвенция)

# РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ КЕРАК БЎЛГАН ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларни Олий Мажлис ратификация қилади. Халқаро шартномаларнинг ратификация (ва денонсация) қилинганлиги тўғрисидаги Қонунлар Президент томонидан имзоланади ва эълон қилинади

**РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНИШИ ШАРТ БЎЛГАН ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР**

- «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўғрисида»ги Қонуни бўйича
  - Ижро этилиши амалдагисини ўзгартиришни ёки янги қонун қабул қилишни талаб қиладиган ҳамда қонунда назарда тутилганидан ташқари бошқачарок қоидаларини ўрнатувчи
  - Предмети инсонинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳисобланадиган
  - Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан ҳуқуқий чегара орқали ажратилганлиги тўғрисида
  - Давлатлараро муносабат асослари тўғрисида
  - Ўзбекистоннинг мудофаа қудратига тааллуқли масалалар бўйича, қуролсизланиш ёки қурол-яроғлар устидан халқаро назоратни, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар масаласи бўйича
  - Ўзбекистоннинг халқаро иттифоқларда, халқаро ташкилотларда, агар бундай шартномалар Ўзбекистоннинг суверен ҳуқуқини қисман беришни ёки амалга оширишни кўзда тутганда ёки улар органларининг қарорлари Ўзбекистон учун юридик томондан мажбурийлигини белгилаганда иштироки
  - Томонларнинг кейинчалик ратификация қилиш тўғрисида келишиб олишлари якуни жараёнида
- Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида 1969 йилги Вена конвенцияси бўйича
  - Агар бу шартноманинг ўзида назарда тутилган бўлса
  - Агар бу давлат вакилининг ваколатидан келиб чиқадиган бўлса
  - Агар бу тўғрисида давлатлар музокара вақтида келишиб олмаган бўлсалар
  - Агар шартнома ратификация қилиш шароитида имзоланган бўлса

# 10-мавзу. ДИПЛОМАТИК ВА КОНСУЛЛИК ҲУҚУҚИ

**Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи** – дипломатик вакиллар фаолиятини ташкил этиш, дипломатлар ва консулларни тайинлаш ва чақириб олиш, уларнинг вазифаларини ва имтиёзларини белгилаш қоидаларини тартибга солишга оид ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат халқаро ҳуқуқнинг энг қадимий тармоқларидан бири.

Ҳуқуқнинг бу тармоғи ҳозирги замон дипломатик ва консуллик ҳуқуқларининг асосий нормалари кодификация қилинган 1961 йилги дипломатик алоқалар ва 1963 йилги консуллик алоқалари тўғрисидаги муҳим Вена конвенцияларига асосланади.

Бу конвенциялардан ташқари бошқалари ҳам бор.

Улар:

Давлатнинг халқаро ташкилотлар билан универсал характердаги муносабатларида ваколатхоналар тўғрисида 1975 йилги Вена конвенцияси.

Имтиёзлар ва дахлсизлик (иммунитет) тўғрисидаги 1946 йилги БМТ конвенцияси.

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг имтиёзлари ва дахлсизликлари тўғрисидаги 1947 йилги БМТ конвенцияси.

Давлатлараро иқтисодий ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми, имтиёзлари ва дахлсизликлари тўғрисидаги 1980 йилги конвенция.

Халқаро муносабатлар тажрибасига кўра халқаро ҳимоядан фойдаланувчи, жумладан, дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги 1973 йилги конвенция ва бошқалардир.

Халқаро алоқалар амалиётида халқаро урф-одатлар катта роль ўйнайди.

# ТАШҚИ АЛОҚАЛАР ҲУҚУҚИ



## ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАЛАРНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ




## ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНА БОШЛИҒИНИНГ ТАЙИНЛАНИШИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ



# ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНА ТУЗИЛИШИ

**Дипломатик ваколатхона бошлиғи**

Дипломатик ваколатхона ходимлари

- Дипломатик
- Маъмурий-техник
- Хизмат кўрсатувчи

# ДИПЛОМАТИК ВАКИЛЛАРНИНГ КЛАССИ ВА ДАРАЖАСИ

**ДИПЛОМАТИК ВАКИЛЛАР РАҲБАРЛАРИ КЛАССИ**

- Давлат раҳбарлари ҳузурида аккредитация қилинган элчилар ва нунцийлар класслари
- Давлат раҳбарлари ҳузурида аккредитация қилинган вакиллар ва интернунцийлар класслари
- Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган ишончли вакиллар класслари

**ДИПЛОМАТИК ДАРАЖАЛАР**

- Элчи
- Вакил
- Маслаҳатчи
- Котиб (биринчи, иккинчи, учинчи)
- Дипломатик атташе

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДИПЛОМАТЛАР ДАРАЖАЛАРИ**

- Фавқулодда ва мухтор элчи
- 1-классдаги фавқулодда ва мухтор элчи
- 2-классдаги фавқулодда ва мухтор вакил
- 1-класс маслаҳатчи
- 2-класс маслаҳатчи
- 1-класс биринчи котиб
- 2-класс иккинчи котиб
- 1-класс иккинчи котиб
- 2-класс иккинчи котиб
- Учинчи котиб
- Дипломатик атташе

# ДИПЛОМАТИК ВАКИЛ МИССИЯСИ ТУГАЙДИГАН ҲОЛАТЛАР



# ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАШҚИ АЛОҚАЛАР ОРГАНЛАРИ



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ХОРИЖДАГИ ВА МАМЛАКАТ ИЧИДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ



# КОНСУЛЛИК ВАКОЛАТХОНАСИ




Консуллик алоқалари тўғрисидаги 1963 йилги Конвенция давлатларнинг консуллик алоқаларига оид барча масалаларни тартибга солади.

# КОНСУЛЛИК ФУНКЦИЯЛАРИ

- **Консуллик функциялари**
  - Ўз давлати, унинг юридик шахслари ва фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш
  - Ўз давлати ва яшаб турган давлати ўртасида савдо, иқтисодий, маданий, илмий ва бошқа алоқаларни ривожлантиришга ёрдам бериш
  - Қонуний асосда консуллик доирасининг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва илмий ҳаёти тўғрисида ахборот тўплаш
  - Консуллик округида яшовчи ўз давлати фуқароларини ҳисобга олиш ва уларга нисбатан маъмурий ва нотариал функцияларни бажариш
  - Консуллик округи ҳудудидаги денгиз ва ҳаво кемалари, транспортнинг бошқа турлари ҳамда уларнинг экипажларига нисбатан муайян мажбуриятларни бажариш
  - Ўз фуқаролари ва чет элликларга фуқаролик билан боғлиқ виза ва ҳужжатларни бериш, ҳужжатларни легализация қилиш ва бошқалар

# ДИПЛОМАТИК ИМТИЁЗЛАР ВА ИММУНИТЕТЛАР ОБЪЕКТЛАРИ



# ДИПЛОМАТИК ДАХЛСИЗЛИК ВА ИМТИЁЗЛАР



# САВДО ВАКОЛАТХОНАСИ

**Савдо ваколатхонаси**

**Савдо ваколатхонаси** давлатнинг чет элда мазкур давлат ташқи савдо функцияларини бажарувчи ваколатли органи ҳисобланади.
Савдо ваколатхоналари ташқи алоқалар органи сифатида халқаро амалиётда давлат томонидан ташқи савдо монополиясини амалга ошириш учун ташкил этилади.

**Савдо ваколатхонаси** тегишли давлатда дипломатик ваколатхонанинг таркибий қисми ҳисобланади.
Ўз фаолиятини элчи (вакил)нинг умумий раҳбарлиги остида олиб борадиган савдо ваколатхонаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига бўйсунади.
Савдо ваколатхонаси вакили ҳукумат томонидан тайинланади

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЧЕТ ЭЛДАГИ САВДО ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ФУНКЦИЯЛАРИ



# РАСМИЙ ХАТ ТУЗИЛИШИНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ




1. Жўнатувчининг исми.
2. Хат ёзилган сана.
3. Уни олувчининг манзили.
4. Хат бошида қилинадиган мурожаат.
5. Хатнинг асосий матни.
6. Хушмуомалаликнинг якуний формуласи.
7. Имзо.

## ЧЕТ ЭЛ ДЕЛЕГАЦИЯСИ РАҲБАРИНИ КУТИБ ОЛИШ (КУЗАТИШ) ВАҚТИДА АВТОМОБИЛГА ЎТҚАЗИШ




Шунингдек айрим расмий (дастурда кўзда тутилган) маросимларда; гулчамбар қўйиш ва ҳоказоларда фойдаланилади

# ДЕЛЕГАЦИЯНИНГ МУЗОКАРА СТОЛИ АТРОФИДА ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ

**1-вариант:** делегация бошлиқлари – столнинг бошида.




**2-вариант:** делегация бошлиқлари – столнинг бошида.




1 – делегация бошлиғи

2 – таржимон

## МАХСУС МЕБЕЛЛИ ХОНАДА (ХИЗМАТ ХОНАСИНИНГ БИР ҚИСМИДА) ТАШРИФ ПАЙТИДА МЕЗБОН ВА МЕҲМОНЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШИ

**1-вариант:** мезбон ва меҳмон диванга жойлашади.






– Мезбон

– Асосий (бош) меҳмон

– Таржимонлар ва суҳбатда қатнашиш эҳтимоли бўлган бошқа кишилар

## МАХСУС МЕБЕЛЛИ ХОНАДА (ХИЗМАТ ХОНАСИНИНГ БИР ҚИСМИДА) ТАШРИФ ПАЙТИДА МЕЗБОН ВА МЕҲМОНЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШИ

**2-вариант:** мезбон креслога, асосий меҳмон диванга жойлашади.






– Мезбон

– Асосий (бош) меҳмон

– Таржимонлар ва суҳбатда қатнашиш эҳтимоли бўлган бошқа кишилар

## МЕҲМОНЛАРНИ ЎТҚАЗИШНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА БИР НЕЧА СТОЛЛАРИ БЎЛГАН ЗАЛГА КИРИШ ВАҚТИДА ТУШКИ ОВҚАТ (НОНУШТА, КЕЧКИ ОВҚАТ)НИ ЎТКАЗИШ УЧУН БЕРИЛАДИГАН МАХСУС КАРТОЧКА




Кўриб ўтилаётган ҳолатда бериладиган махсус карточкада стол атрофидаги жой одатда "қўшув" аломати ёки "таёқча" билан белгилаб кўрсатилади.

## МЕҲМОНЛАРНИ ЎТҚАЗИШНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА БИР НЕЧА СТОЛЛАРИ БЎЛГАН ЗАЛГА КИРИШ ВАҚТИДА ТУШКИ ОВҚАТ (НОНУШТА, КЕЧКИ ОВҚАТ)НИ ЎТКАЗИШ УЧУН БЕРИЛАДИГАН МАХСУС КАРТОЧКА




Кўпинча столлар рақамланган бўлиши мумкин: бу ҳолатда карточкада "Сизнинг столингиз №..." деб кўрсатилади (куверт карточкада тегишли равишда меҳмоннинг исми ва фамилияси бўлади).

Бериладиган махсус карточканинг пастроғида стол атрофидаги жой "қўшув" аломати ёки "таёқча" билан белгиланган.

## П-СИМОН СТОЛ АТРОФИДА ҚАБУЛ ВАҚТИДА (ЭРКАКЛАР ҲАМ, АЁЛЛАР ҲАМ ИШТИРОК ЭТАДИЛАР) ЎТҚАЗИШ

**1-вариант:** эркак мезбон ва аёл мезбон ёнма-ён ўтиради.




## П-СИМОН СТОЛ АТРОФИДА ҚАБУЛ ВАҚТИДА (ЭРКАКЛАР ҲАМ, АЁЛЛАР ҲАМ ИШТИРОК ЭТАДИЛАР) ЎТҚАЗИШ

**2-вариант:** эркак мезбон ва аёл мезбон бир-бирига қарама-қарши томонда ўтиради.



## ФАҚАТ ЭРКАКЛАР ИШТИРОК ЭТГАН ҚАБУЛДА ЎТҚАЗИШ ВАРИАНТЛАРИ




Мезбон асосий меҳмонга столнинг ўзига қарама-қарши томондаги жойни таклиф этади.

## АЁЛЛАР ИШТИРОК ЭТГАН ҚАБУЛДА ЎТҚАЗИШ ВАРИАНТЛАРИ




Кўриб ўтилаётган вариантда аёл мезбон ва эркак мезбон меҳмонларни ўтқазишни бирмунча енгиллаштиришни кўзда тутиб, "унча фахрли бўлмаган" четдаги жойни эгаллайдилар.

## МАХСУС МЕБЕЛЛИ ХОНАДА (ХИЗМАТ ХОНАСИНИНГ БИР ҚИСМИДА) ТАШРИФ ПАЙТИДА ЭРКАК МЕЗБОН ВА АЁЛ МЕЗБОННИНГ ЖОЙЛАШИШИ

Дипломатик амалиётда кенг фойдаланилади.



# 11-мавзу. ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲУҚУҚИ

# ҲУКУМАТЛАРАРО ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ



# ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

**Ноҳукумат халқаро ташкилотлар (НХТ)**

- Сиёсий, мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий, касаба уюшмалари ташкилотлари
- Хотин-қизлар ташкилотлари, шунингдек оила ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича ташкилотлар
- Ёшлар, спорт, илмий, маданий-оқартув ташкилотлари
- Матбуот, кино, радио, телевидение соҳасидаги ташкилотлар ва бошқалар

**Ҳукуматлараро халқаро ташкилотлар (ҲХТ)**

- **Фаолият предмети бўйича** – сиёсий иқтисодий, молия-кредит, савдо, соғлиқни сақлаш, маданият масалалари бўйича ва бошқалар
- **Иштирокчилар доираси бўйича** – универсал, субминтақавий, минтақалараро
- **Янги аъзолар қабул қилиш тартиби бўйича** – очиқ, ёпиқ
- **Фаолият соҳаси бўйича** – умумий ваколатига кўра, махсус ваколатига кўра
- **Фаолият мақсадлари ва принциплари бўйича** - қонуний, қонунга зид
- **Аъзолар сони бўйича** – жаҳон миқёсидаги, гуруҳий ҳолда

## ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ



## БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

*"Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – бу барча давлатларнинг минтақалар, дунё ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир. БМТ – бу халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир".* *

Янги Халқаро ташкилот тузиш масаласи (Миллатлар Лигаси ўрнига) ҳам Иккинчи жаҳон уруши давом этаётган пайтда кўтарилган эди, 1943 йил 30 декабрда СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Хитой делегациялари томонидан умумий хавфсизлик тўғрисидаги масала бўйича Декларация имзоланди, унда биринчи марта халқаро ташкилот тузиш тўғрисидаги қарор ўз ифодасини топди. Думбартон-Окс (1944 йил 21 августдан 29 сентябргача), Қрим (1945 йил февраль) ва Сан-Франциско (1945 йил апрель-июнь) конференцияларида БМТ Устави ишлаб чиқилди ва келишиб олинди ҳамда 1945 йил 26 июнда имзоланди. 1945 йил 24 октябрда БМТ Устави кучга кирди, бу кун Бирлашган Миллатлар куни деб эълон қилинди ва бутун дунёда нишонланади. Ҳозирги вақтда 190 давлат БМТ аъзолари ҳисобланади.

* ***Каримов И.А.*** БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, 1994. – 139-бет.

## БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШ ТАРИХИ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

**Иттифоқдошлар Декларацияси**

Лондонда 1941 йил 12 июнда имзоланган, иттифоқчилар "бошқа эркин халқлар билан урушда ҳам, тинчлик пайтида ҳам биргаликда ишлаймиз" деб мажбурият олган декларация Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузиш учун биринчи қадам бўлди.

**Атлантика хартияси**

1941 йил 14 августда Америка Қўшма Штатлари Президенти Франклин Делано Рузвельт ва Қўшма Қироллик Бош вазири Уинстон Черчиль тинчлик ва хавфсизликни сақлашда халқаро ҳамкорлик принциплари мажлисини таклиф этдилар. Учрашув пайтида "Аллақайси денгизда" имзоланган ҳужжат Атлантика хартияси номи билан машҳур бўлди.

**Бирлашган Миллатлар Декларацияси**

1942 йил 1 январда "арийлар" қароргоҳига қарши жанг қилган 26 та иттифоқдош давлатлар вакиллари " Бирлашган Миллатлар Декларацияси"ни имзолаб, Атлантика хартиясини қўллаб-қувватлашларини маълум қилдилар. Президент Рузвельт томонидан таклиф қилинган " Бирлашган Миллатлар" номи расмий равишда биринчи марта шу ҳужжатда ишлатилди.

**Москва ва Теҳрон конференциялари**

1943 йил 30 октябрда Москвада имзоланган декларацияда Совет Иттифоқи, Қўшма Қироллик, Қўшма Штатлар ва Хитой ҳукуматлари тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун халқаро ташкилотни тезроқ тузишга чақирдилар. Бу мақсад СССР, АҚШ ва Қўшма Қироллик Раҳбарларининг 1943 йил 1 декабрдаги Теҳрон учрашувида яна тасдиқланди.

**Думбартон-Окс Конференцияси**

БМТнинг дастлабки чизгилари Вашингтондаги "Думбартон-Окс" номи билан машҳур ҳашаматли бинода ўтказилган конференцияда чизилди. 1944 йилнинг 21 сентябридан 7 октябригача бўлиб ўтган кенгашларнинг иккита қисмида Қўшма Штатлар,

Қўшма Қироллик, СССР ва Хитой бу ташкилотнинг мақсадлари, тузилиши ва функциялари тўғрисида келишиб олдилар.

**Ялта конференцияси**

1945 йилнинг 11 февралида Ялтадаги учрашувдан сўнг Рузвельт, Черчиль ва Сталин "тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун умумий халқаро ташкилот"ни тузиш тўғрисидаги ўзларининг қарорларини маълум қилдилар.

**Сан-Францискодаги конференция**

1945 йил 25 апрелда 50та мамлакат делегатлари Сан-Францискода Бирлашган Миллатларнинг халқаро ташкилотлар масалалари бўйича Кенгашига йиғилдилар. Делегатлар 1945 йил 25 июнда бир овоздан қабул қилинган 19 боб, 111 моддадан иборат Устав тайёрладилар. Кейинги куни делегатлар уни уруш фахрийлари Мемориал биносида имзоладилар.

**1945 йил 24 октябрь**

БМТ Устави Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзоси билан ратификация қилинди.

**1946 йил 10 январь**

Лондондаги Вестминстер саройи марказий залида 51 мамлакат вакиллари иштирокида биринчи Бош Ассамблея очилди.

**1946 йил 17 январь**

Вестминстер саройида биринчи марта Хавфсизлик Кенгаши йиғилди ва ўз маросим қоидаларини қабул қилди.

**1946 йил 24 январь**

Бош Ассамблея биринчи резолюцияни қабул қилди. Унинг бош мавзуси: атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва атом ҳамда бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш эди.

**1946 йил 1 февраль**

Трюгве Ли (Норвегия) БМТнинг биринчи Бош котиби бўлди.

**1946 йил 24 декабрь**

Нью-Йоркдаги БМТнинг ҳозирги марказий муассасаси биносига дасталабки ғишт қўйилди.

**1948 йил 10 декабрь**

Бош Ассамблея Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилди.

# БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ УСТАВИГА

## МУҚАДДИМА

**Биз, жасоратга тўлиб-тошган Бирлашган Миллатлар халқлари**

- келажак авлодни бизнинг ҳаётимизда икки марта инсониятга мислсиз кулфат келтирган уруш асоратларидан халос этиш, ва
- инсоннинг асосий ҳуқуқларига ишончи, инсон шахсининг шаъни ва қадр-қимматини, эркаклар ва хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилигини ва катта ва кичик миллатларнинг ҳуқуклари тенглигини янада тасдиқлаш, ва
- шартномалар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган адолатлилик ва мажбуриятларга ҳурмат билан риоя қилиниши мумкин бўлган шароит яратиш, ва
- ижтимоий тараққиёт ва бутунлай эркинликда ҳаёт шароитини яхшилашга ёрдам бериш, ва

**шу мақсадда**

- тинчликда бир-биримиз билан худди аҳил қўшнилардай биргаликда яшаш ва сабр-тоқатни намоён этиш, ва
- кучларимизни халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун бирлаштириш, ва
- қуролли кучларнинг умумий манфаатлардан бошқа мақсадларга ишлатилмаслиги принципларини қабул қилиш ва методларини ўрнатишни таъминлаш, ва
- халқаро аппаратдан барча халқларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлиги учун фойдаланиш,

**биз кучларимизни шу мақсадларга эришиш учун бирлаштиришга қарор қилдик**

• шунга кўра, бизнинг ҳукуматларимиз Сан-Франциско шаҳрида йиғилган, зарур шаклдаги, ўз ваколатларини тақдим этган вакиллари орқали Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мазкур Уставини қабул қилишга келишиб олдилар ва бу билан халқаро ташкилотни "Бирлашган Миллатлар" деган номда тасдиқлайдилар.

# БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТИЗИМИ



# БМТ ПРИНЦИПЛАРИ

**БМТ принциплари**

- Унинг барча аъзоларининг суверен тенглиги
- БМТ Устави бўйича мажбуриятларнинг виждонан бажарилиши
- Халқаро баҳс-мунозараларнинг келишув, музокара воситалари билан ҳал этилиши
- Халқаро муносабатларда куч ишлатиш билан қўрқитишдан ёки исталган мамлакатнинг ҳудудий бутунлигига, сиёсий мустақиллигига қарши, шунингдек БМТ мақсадларига номувофиқ бошқа бирор тарзда уни қўлланишдан воз кечиш
- БМТга унинг Уставига мувофиқ қўлланиладиган барча хатти-ҳаракатларда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш
- Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун зарур ҳолларда унга аъзо бўлмаган давлатларнинг хатти-ҳаракатлари БМТ принципларига мос бўлишини таъминлаш
- Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик
- Биргаликда тинч-тотув яшаш принципи
- Буюк давлатларнинг ҳамфикрлилик принципи
- Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш принципи
- Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз йўлини ўзи танлаши принципи
- Ҳамкорлик принципи
- Қуролсизланиш принципи

9—K-8612

## БМТГА АЪЗОЛИК



# БМТНИНГ БОШ ОРГАНЛАРИ



# БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ



# БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ЁРДАМЧИ ОРГАНЛАРИ



# БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ СЕССИЯЛАРИ

**БМТ Бош Ассамблеяси сессиялари**

***Навбатдаги сессиялар*** ҳар йили сентябрнинг учинчи сешанбасида ўтказилади

***Махсус сессиялар*** – Хавфсизлик Кенгаши ёки БМТ кўпчилик аъзоларининг талабига кўра ҳар қандай масала БМТ Бош котиби ана шундай талабни олган вақтдан бошлаб 15 кун ичида чақирилади.

***Фавқулодда махсус сессиялар*** тинчликка хавф туғилганда, агрессия акти билан тинчлик бузилган ҳолларда Хавфсизлик Кенгаши ёки БМТ кўпчилик аъзоларининг талабига кўра бу масала бўйича Бош котиб ана шундай талаб олган вақтдан бошлаб 24 соат ичида йиғилади

# БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА ОВОЗ БЕРИШ



## БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ



# БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ТАРКИБИ ВА ВАКОЛАТИ



# БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

**БМТ Хавфсизлик Кенгашининг функциялари**

### УМУМИЙ

- БМТга янги аъзолар қабул қилиш бўйича тавсиялар беради
- Стратегик ҳудудларни бошқаришни назорат қилади
- БМТ Бош Ассамблеясига БМТ Бош котиби номзоди бўйича тавсиялар беради
- БМТ Халқаро Суди Статутида БМТга аъзо бўлмаган давлатлар иштирокининг шартларини аниқлайди
- БМТ Бош Ассамблеяси билан ҳамкорликда БМТ Халқаро Суди судьяларини сайлайди
- БМТга Бош Ассамблеянинг ҳар йилги ва махсус маърузаларини тақдим этади

### ДАВЛАТЛАРАРО БАҲС-МУНОЗАРАЛАР ҲОЛАТИДА

- Баҳс-мунозарани тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилади
- Баҳс-мунозарани тинч йўл билан ҳал этиш тартибини белгилайди

### ТИНЧЛИКНИНГ БУЗИЛИШИ, АГРЕССИЯ ҲОЛАТИДА

- Агрессия ҳаракатлари квалификацияси тўғрисида қарор қабул қилиш
- БМТ аъзолари бўлган давлатлар билан улар томонидан қуролли кучларни тақдим этиш тўғрисида битим имзолаш
- Ажратиш, кузатиш, хавфсизликни таъминлаш учун тузилган қуролли кучларни ишлатиш

### ТИНЧЛИККА ХАВФ СОЛУВЧИ ВАЗИЯТЛАРДА

БМТ Уставининг 40, 41-моддалари бўйича чоралар кўриш тавсия этилади

- Дипломатик муносабатларнинг узилиши
- Иқтисодий алоқаларнинг тўхтатилиши
- Ҳаво алоқаларининг тўхтатилиши
- Темир йўл алоқаларининг тўхтатилиши
- Почта ва телеграф алоқаларининг тўхтатилиши
- Портларни қамал қилиш
- Қуролли кучларни намойиш этиш ва бошқалар

## БМТ ХАЛҚАРО СУДИ

БМТ Халқаро Суди – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош суд органи

БМТ Халқаро Суди 1945 йилда ташкил этилган. Суд Статути БМТ Уставининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади

Суднинг жойлашган ўрни – Гаага (Нидерландия). Суднинг расмий тиллари – инглиз ва француз тили, аммо Суд исталган томонга бошқа тилдан ҳам фойдаланишга рухсат бериши мумкин

## ХАЛҚАРО СУД
## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АСОСИДА УНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН БЕРИЛАДИГАН БАҲС-МУНОЗАРАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚАДИ ВА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ҚЎЛЛАЙДИ:

- Баҳслашаётган давлатлар томонидан аниқ тан олинган ҳам умумий, ҳам махсус халқаро конвенцияларни;

- Умумий амалиёт исботи сифатида ҳуқуқ нормаси деб тан олинган халқаро урф-одатларни;

- Ҳуқуқнинг цивилизациялашган халқлар томонидан тан олинган умумий принципларини;

- Ҳуқуқ нормаларини аниқлаш учун қўшимча шартлар билан Статутнинг 59-моддасида кўрсатилган турли миллатларнинг ошкора ҳуқуқлари бўйича анча малакали мутахассисларнинг ёрдамчи восита сифатидаги суд қарорлари ва доктриналарини;

- Суд агар томонлар рози бўлса – ишни адолатнинг бошланиш нуқтаи назаридан ҳал қилиши мумкин.

***(Халқаро Суд Статутининг 38-моддаси)***

# ХАЛҚАРО СУДНИНГ ТАРКИБИ ВА САЙЛАНИШИ

**Бош Ассамблея ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши қуйидагича сайлайди**

15 нафар Халқаро суд аъзоларини тўққиз йил муддатга

Суд фуқаролигидан қатъи назар, мамлакатлари томонидан олий судьялик лавозимига тайинлаш учун белгиланган талабларга жавоб бера оладиган, ёки халқаро ҳуқуқ соҳасида обрў қозонган ҳуқуқшунос холис судьялар ҳайъатидан иборат бўлади

Суд раиси, раис муовини ва котибини уч йил муддатга сайлайди

# ХАЛҚАРО СУДНИНГ ВАКОЛАТИ

***Халқаро суд – БМТнинг бош суд органи***

Давлатлар ўртасидаги (Халқаро Суд Статути аъзолари бўлган) баҳсларни ва ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича Хавфсизлик Кенгаши аниқлаб берадиган ҳолларда Статут қатнашчилари бўлмаган бошқа давлатлар баҳсларини кўриб чиқади

Ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат-хулосалар беради (Халқаро Суднинг маслаҳат-хулосасини бевосита БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши расмий талаб қилиши мумкин. БМТнинг бошқа органлари, халқаро ташкилотлар ва органлар маслаҳат-хулосани Бош Ассамблея рухсати билан талаб қилади)

## БМТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ КЕНГАШИ (ЭКОСОС)



# БМТ КОТИБИЯТИНИНГ ТУЗИЛИШИ



# БМТ КОТИБИЯТИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ



## БМТ БОШ КОТИБИ
## БМТ БОШ КОТИБЛАРИ РЎЙХАТИ

1946 й.дан – ТРЮГВЕ ЛИ
1953 й.дан – ДАГ ХАММАРШЕЛЬД
1961 й.дан – У ТАН
1972 й.дан – КУРТ ВАЛЬДХАЙМ
1982 й.дан – ПЕРЕС ДЕ КУЭЛЬЯР
1992 й.дан – БУТРОС ГАЛИ
1997 й.дан – КОФИ АННАН

**БОШ КОТИБ ФУНКЦИЯЛАРИ**

**Сиёсий**

- Давлатлар ўртасидаги можароларни бартараф этишга ҳаракат қилади, унинг фикрича, халқаро тинчлик ва хавфсизликка хавф туғдирувчи исталган баҳс-мунозараларга оид маълумотни Хавфсизлик Кенгашига етказиш ҳуқуқига эга

**Маъмурий ижроия**

- Котибиятнинг департаментларига, бошқармаларига ва бошқа ташкилий бўлинмаларига умумий директив кўрсатмалар беради
- БМТ тизимининг бутун фаолиятини мувофиқлаштиради
- Бош Ассамблеяга у томонидан таъсис этиладиган комитетлар, ёрдамчи ва махсус органларда ишлаш учун ходимларни тақдим этади ва уларга раҳбарлик қилади
- Котибиятнинг БМТ Бош органларига хизмат кўрсатиш бўйича барча ходимлари ишига раҳбарлик қилади
- Бош маъмурий-мансабдор шахс сифатида Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, ЭКОСОС, Меҳр-шафқат Кенгаши мажлисларида иштирок этади, шунингдек, унинг зиммасига ушбу органлар томонидан юклатиладиган бошқа функцияларни бажаради
- Бош Ассамблеяга ҳар йили ташкилот иши тўғрисидаги маърузани ва ундан талаб қилиниши мумкин бўлган қўшимча маърузани тақдим этади
- БМТ раҳбарлигида ташкил этиладиган халқаро конференциялар ишида БМТ вакили сифатида иштирок этади

## БМТНИНГ ИХТИСОСЛАШГАН МУАССАСАЛАРИ

**БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари –**
доимий ишловчи халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар бўлиб, уларни тузиш тўғрисидаги таъсис ҳужжатлари (уставлар, шартномалар) доирасида чекланмаган муддатда ишлайди

- Иқтисодий мазмундаги
- Ижтимоий мазмундаги
- Маданий-гуманитар мазмундаги

## БМТНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНДАГИ ИХТИСОСЛАШГАН МУАССАСАЛАРИ

**БМТнинг иқтисодий мазмундаги ихтисослаштирилган муассасалари**

- Халқаро банк
- Халқаро валюта фонди
- Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти
- Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саноат тараққиёти бўйича ташкилоти
- Халқаро денгиз ташкилоти
- Жаҳон почта иттифоқи
- Халқаро электр алоқа иттифоқи
- Жаҳон метеорология ташкилоти
- Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди
- Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки
- Халқаро молия корпорацияси
- Халқаро ривожлантириш уюшмаси

# БМТНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ГУМАНИТАР ТУСДАГИ ИХТИСОСЛАШГАН МУАССАСАЛАРИ



# БЎТУНЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ



# ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ



# ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ



# БУТУНЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИ



## ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА БМТ ТАШКИЛОТИ (ЮНЕСКО)

1945 йилда асос солинган, штаб-квартираси – Парижда



# АТОМ ЭНЕРГИЯСИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО АГЕНТЛИК



## ХАЛҚАРО ДЕНГИЗ ТАШКИЛОТИ



# ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ



# АСОСИЙ МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАР



# ЕВРОПА ИТТИФОҚИ

**ЕВРОПА ИТТИФОҚИ**
1992 йилдаги Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартнома

Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия, Франция, ГФР, Швеция

↓

**КЕНГАШ**
Қатнашчи-мамлакатлардан навбатма-навбат раислик қилувчи қонун чиқарувчи орган. Кенгаш аппарати икки минг кишидан зиёд

**ЕВРОПАРЛАМЕНТ**
Ваколат органи, 518 депутат беш йилга сайланади. Президент бошчилик қилади, 14 вице-президенти, котибияти бор, штаб-квартираси Страсбургда

**ЕВРОПА КЕНГАШИ**
Иттифоқнинг бош сиёсий ва иқтисодий масалаларини ҳал қилиш учун давлатлар (ҳукуматлар) бошлиғи. Бир йилда уч мартадан кам бўлмаган учрашувлар ўтказилади

**УЮШМА СУДИ**
Бош суд органи, ҳукуматларнинг ўзаро келишуви бўйича 13 судья ва 6 бош адвокат тайинлайди

**КОМИССИЯ**
Доимий ижроия органи, таркибида қатнашчи-давлатлардан беш йилга тайинланадиган 17 аъзо. Бошқарув аппарати 15 минг кишидан зиёд

**ҲИСОБ ПАЛАТАСИ**
Асосий молиявий орган, Кенгаш томонидан Кенгаш ва унинг органлари даромад ва харажатларини текшириш учун 12 аъзо тайинланади

**ОМБУДСМАН**
Европарламент томонидан қатнашчи мамлакатлар инсон ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тайинланадиган мансабдор шахс. Шикоятларни кўриб чиқади ва ўз ташаббуси бўйича чоралар кўради.

**ЕВРОПА ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ**
Қатнашчи давлатларга кредитлар беради ва Иттифоқнинг муҳим лойиҳаларини молиялаштиради. Асосий органлари: бошқарувчилар кенгаши, бошқарувчилар комитети, бошқарма ва бошқалар.

**ЕВРОПА МАРКАЗИЙ БАНКЛАРИ ТИЗИМИ**
Европа Марказий Банки ва қатнашчи-мамлакатлар марказий банкларининг валюта иттифоқини шакллантириш ва Европа валюта институти билан ҳамкорлик қилишни ўз ичига олади.

## ЕВРОПА КЕНГАШИ



# ЕВРОПА КЕНГАШИНИНГ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИ (ЕКПА)[1]




[1]Изоҳ: 1995 йилнинг сентябригача бўлган маълумот

## ШИМОЛИЙ АТЛАНТИКА ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (НАТО) 1949 ЙИЛДА ТАШКИЛ ТОПГАН, ШТАБ-КВАРТИРАСИ – БРЮССЕЛДА



# ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ЕХҲТ)



# ЕХҲТНИНГ ЯРАШ ВА ҲАКАМЛИК СУДИ



## ЕХҲТНИНГ 1989 ЙИЛГИ ВЕНА УЧРАШУВИНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ



# АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЛИГАСИ

**Араб давлатлари лигаси**
1945 йилда ташкил топган, штаб-квартираси – Қоҳирада

ДАВЛАТЛАР ВА ҲУКУМАТЛАР БОШЛИҚЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

БОШ КОТИБИЯТ

БОШ КОТИБ

ДОИМИЙ КОМИТЕТЛАР

- Сиёсий
- Молия, транспорт, нефть масалалари бўйича
- Ахборот масалалари бўйича
- Қочоқлар ишлари бўйича
- Исроилни бойкот қилиш бўйича
- Маданият масалалари бўйича
- Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича

ЛИГА КЕНГАШИ (МАЖЛИС)

ЎЗАРО МУДОФАА КЕНГАШИ

ДОИМИЙ ҲАРБИЙ КОМИССИЯ ВА БОШҚАЛАР

| | | |
|---|---|---|
| Жазоир | Қувайт | Уммон |
| Баҳрайн | Ливан | Фаластин Озодлик Ташкилоти |
| Жибути | Ливия | |
| Миср | Мавритания | Саудия Арабистони |
| Иордания | Марокко | |
| Ироқ | | |
| | Бирлашган Араб Амирликлари | Сурия |
| Яман | | Сомали |
| Катар | | Судан |
| | | Тунис |

ИҚТИСОДИЁТ КЕНГАШИ

- Африка мамлакатларига ёрдам араб фонди
- Оккупация қилинган ҳудудларни озод қилиш араб фонди
- Нефть, молия, космос бўйича ихтисослаштирилган идоралар ва бошқалар

# АФРИКА БИРЛИГИ ТАШКИЛОТИ



# АМЕРИКА ДАВЛАТЛАРИ ТАШКИЛОТИ



# МИЛЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ КОТИБИЯТИ



# МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ



## *БМТ ВА УНИНГ ИХТИСОСЛАШГАН МУАССАСАЛАРИ ЭМБЛЕМАЛАРИ*

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) (United Nations Organization – UNO)

Жаҳон метеорология ташкилоти (World Meteorological Organization – WMO)

Халқаро меҳнат ташкилоти (International Labour Organization – ILO)

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (World Health Organization – WHO)

Халқаро денгиз ташкилоти (International Martime Organization – IMO)

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (World Intellectual Property Organization – WHO)

Жаҳон почта иттифоқи (Universal Postal Union)

Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (International Civil Aviation Organization – ICAO)

Халқаро банк (World Bank)

Халқаро телекоммуникация иттифоқи (International Telecommunication Union – INU)

Халқаро валюта фонди (International Monetary Fund – IMF)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (United National Educational, Scientific and Cultural Organization – UNESCO)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саноат тараққиёти бўйича ташкилоти (United Nations Industrial Development Organization – UNIDO)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овкат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (Food and Agricultural Organization of the United Nations – FAO)

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди (International Fund for Agricultural Development – IFAD)

# 12-мавзу. ХАЛҚАРО ГУМАНИТАР ҲУҚУҚ

# ХАЛҚАРО ГУМАНИТАР ҲУҚУҚ

*“Инсонларнинг ҳаёти уни фақат инсон ҳуқуқи равшан қилгандагина мукаммалдир”*

**Халқаро гуманитар ҳуқуқ** – қуролли можаролар пайтида қуролли кураш олиб бориш, қўлланиладиган маълум восита ва усулларни тақиқловчи ёки чекловчи, бу кураш давомида индивид ҳуқуқини таъминловчи ва уларни бузганлик учун халқаро ҳуқуқий жавобгарликни белгиловчи юридик нормалар тизими.

Халқаро ижтимоий ҳуқуқнинг бу тармоғи турли манбаларда турлича номланади: қуролли можаролар даврида қўлланиладиган ҳуқуқ, халқаро гуманитар ҳуқуқ, уруш ҳуқуқи, қуролли можаролар ҳуқуқи, уруш қонунлари ва удумлари ҳамда бошқалар.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш принципи - халқаро ҳуқуқнинг асосий принципидир. Унинг ҳуқуқий базасини 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилги Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар (иккита пакт), 1975 йилги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг якунловчи ҳужжати ва ЕХҲТнинг геноцид, апартеид, ирқий камситиш, қийнаш, шафқатсизлик ва ғайриинсоний муносабатларнинг бошқа турларини тақиқловчи ўзга якунловчи ҳужжатлари, конвенциялари, хотин-қизлар ҳуқуқини муҳофаза қилувчи бошқа конвенциялар, 1989 йилги Бола ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция, халқаро меҳнат ташкилоти ишлаб чиққан 170 дан зиёд конвенция ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга ошириш БМТнинг Бош Ассамблеяси ҳамда БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши (ЭКОСОС) зиммасига юклатилган.

# ХАЛҚАРО ГУМАНИТАР ҲУҚУҚНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ ПРЕДМЕТИ



# ХАЛҚАРО ГУМАНИТАР ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ



# ХАЛҚАРО ГУМАНИТАР ҲУҚУҚНИНГ ТУЗИЛИШИ

**Халқаро гуманитар ҳуқуқнинг тузилиши**

**ГААГА ҲУҚУҚИ**
(уруш ҳуқуқи)
ТАРТИБГА СОЛАДИ:

- Урушаётганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини
- Урушаётганларнинг душманга зарар етказиш восита ва усулларини танлашдаги чекловларини
- Ҳарбий зарурияти шарт бўлмаган зўравонликларни чеклашларни

**ЖЕНЕВА ҲУҚУҚИ**
(шахсий гуманитар ҳуқуқ)
ҚЎРИҚЛАЙДИ:

- Сафдан чиққан ярадор ва беморларни
- Денгизда кемаси ғарқ бўлган шахсларни
- Ҳарбий асирларни, фуқаро аҳолини
- Хорижликларни ва ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаган бошқа шахсларни

## ХАЛҚАРО ГУМАНИТАР ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ

**Халқаро гуманитар ҳуқуқ манбалари**

- Портловчи ва ёнувчи ўқларни ишлатишни бекор қилиш тўғрисида 1868 йилги Петербург декларацияси
- Пиёдалар урушининг қонунлари ва одамлар тўғрисида 1907 йилги Гаага конвенцияси
- Урушда бўғувчи, заҳарли ва шунга ўхшаш бошқа газларни қўллашни тақиқлаш тўғрисида 1925 йилги Женева баённомаси
- Ҳаракатдаги қўшинлардаги ярадорлар ва беморлар қисматини яхшилаш тўғрисида 1949 йилги Женева конвенцияси
- Ярадорлар, беморлар ва денгиздаги қуролли кучлар таркибидан кемаси ғарқ бўлган шахслар қисматини яхшилаш тўғрисида 1949 йилги Женева конвенцияси
- Ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисида 1949 йилги Женева конвенцияси
- Фуқаро аҳолини уруш даврида ҳимоя қилиш тўғрисида 1949 йилги Женева конвенцияси
- 1949 йилдаги Женева конвенцияларига 1977 йилги қўшилган I ва II баённомалар
- Маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш тўғрисида 1954 йилги Гаага конвенцияси, кимёвий қуролларни тақиқлаш тўғрисида 1993 йилги конвенция
- Бактериологик (биологик) ва заҳарли қуролларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва тўплашни тақиқлаш ҳамда уларни йўқ қилиш тўғрисида 1972 йилги конвенция
- Оддий қуролларнинг ҳаддан ташқари шикаст етказувчи ёки ноаниқ таъсирга эга деб ҳисобланиши мумкин бўлган маълум турларини тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисида 1980 йилги конвенция ва унга учта баённома: Топиб бўлмайдиган осколкалар тўғрисида (I Баённома); Миналар, тузоқ-миналар ва бошқа қурилмаларни ишлатишни тақиқлаш ва чеклаш тўғрисида (II Баённома); Ёндирувчи қуролни ишлатишни тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисида (III Баённома) ва бошқалар

12—K-8612

# ХАЛҚАРО ГУМАНИТАР ҲУҚУҚ ПРИНЦИПЛАРИ



# МАРТЕНС ДЕКЛАРАЦИЯСИ

**Мартенс декларацияси**
1899 йили Гаагада эълон қилинган, пиёдалар уруши қонунлари ва удумлари тўғрисидаги IV Гаага конвенцияси муқаддимасига киритилган

«Уруш қонунларининг анча тўлиқ мажмуи эълон қилиниши мумкинлигини кутиб, конференция шуни қайд этишни зарур деб топадики, мазкур битимда кўзда тутилмаган ҳолларда ҳам аҳоли ва урушаётганлар халқаро ҳуқуқнинг тўлиқ ҳимояси ва ҳаракати остида бўладилар, бинобарин, улар халқаро миқёсда ўрнатилган маърифатли одатлардан, инсонийлик қонунларидан ва ижтимоий онг талабларидан келиб чиқади»

Қуролли можаролар ҳуқуқи принциплари асосида ётади ва халқаро ҳуқуқнинг мазкур тармоғини шакллантириш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади

Урушаётган давлатлар ва «қўшинларга қўмондонлик қилаётган»лар уруш қонунлари ва удумларини қўллашда риоя қилишлари керак бўлган асосий ғояларни мустаҳкамлайди

Халқаро ҳуқуқнинг аниқ нормалари ҳуқуқий амрномалар бўлмаган ҳолларда қуролли можаролар ҳуқуқидаги бўшлиқларни тўлдиради

# ИНСОННИНГ УМУМИЙ ҲУҚУҚЛАРИ




Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан қўриқланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

18 ёшдан кичик бўлган фуқаролар томонидан содир қилинган жиноятлар учун ўлим ҳукми чиқарилмайди ва у ҳомиладор аёлларга нисбатан ижро этилмайди.

Ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳар бир киши афв этиш ёки ҳукмни юмшатиш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқига эгадир.

**Инсониинг асосий ҳуқуқлари**

ФУҚАРОВИЙ ВА СИЁСИЙ

Тенг ҳуқуқлилик; камситишни тақиқлаш; давлат ишини юритишда иштирок этиш ҳуқуқи; бирор-бир кишига шафқатсиз, ноинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш ёки жазолаш; қуллик, қул савдоси ва зўрлаб ишлатишни тақиқлаш; озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи; эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи; фикр, виждон ва дин эркинлиги; тинч йиғилишлар, ассоциациялар эркинлиги ва бошқалар

**Инсон ҳуқуқлари тўғрисида 1966 йилги Халқаро пакт**

ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ

Меҳнат ҳуқуқи: ҳар кимнинг адолатли ва қулай меҳнат шароитларига эгалик ҳуқуқи; касаба уюшмаларини ташкил этиш ҳуқуқи; касаба уюшмаларининг эркин фаолият кўрсатиш ҳуқуқи; иш ташлаш ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи; оила, оналар ва болаларни асраш ва ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи; етарли ҳаётий даража ҳуқуқи; юқори даражадаги жисмоний ва руҳий соғлиқ ҳуқуқи; таълим олиш ҳуқуқи; маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи ва бошқалар

**Ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида 1966 йилги Халқаро пакт**

# ФУҚАРОЛИКНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

**Фуқаролик –**
жисмоний шахснинг маълум давлат билан барқарор ҳуқуқий алоқаси ҳисобланиб, у маълум ҳуқуқларга ва давлатга нисбатан мажбуриятларга эга бўлишда ҳамда унинг суверен ҳокимиятига бўйсунишда ифодаланади

ФУҚАРОЛИКНИ ОЛИШ УЧУН АСОСЛАР

- Туғилиш бўйича
- Натурализация
- Реинтеграция
- Хоҳишга кўра
- Халқаро шартнома асосида

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АСОСИЙ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

- Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль
- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1948 йилги ва 1966 йилги пакт
- 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт, 1976 ва 1992 йиллардаги факультатив протоколлар билан
- Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида декларация, 1960 йил
- Геноцид жиноятининг олдини олиш учун жазолаш тўғрисида конвенция, 1948 йил
- Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида халқаро конвенция, 1965 йил
- Апартеид жиноятининг олдини олиш учун жазолаш тўғрисида халқаро конвенция, 1973 йил
- Уруш жабрдийдаларини ҳимоя қилиш тўғрисида 1949 йилдаги Женева конвенцияси ва унга 1977 йилдаги I ва II қўшимча протоколлар
- Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида конвенция, 1952 йил
- Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида конвенция, 1979 йил
- Бола ҳуқуқлари тўғрисида декларация, 1958 йил
- Турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тўғрисида конвенция, 1957 йил
- Фавқулодда ҳолатларда ва қуролли ихтилофлар даврида аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш тўғрисида декларация, 1974 йил
- Фуқаросизликни қисқартириш тўғрисида конвенция, 1961 йил
- Апартеидларнинг мақоми тўғрисида конвенция, 1954 йил
- Қочоқларнинг мақоми тўғрисида 1951 йилги конвенция ва 1966 йилги протокол
- БМТнинг Қочоқлар иши бўйича Олий Комиссари бошқармаси устави, 1950 йил
- Ҳудудий муҳофаза тўғрисида декларация, 1967 йил

## БМТ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

***1945 йил 26 июнь***

Сан-Францискода Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави ва Халқаро Суд Статути имзоланди.

***1946 йил 21 июнь***

Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг 9 (II) қарорига мувофиқ инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия таъсис этилди, у ўзининг 1947 йилдаги биринчи сессиясида ўша қарордан келиб чиқиб озчиликни таҳқирлашнинг олдини олиш ва ҳимоя қилиш бўйича кичик комиссияни ташкил этди.

***1946 йил 21 июнь***

Иқтисодий ва ижтимоий кенгашнинг 11 (II) қарорига мувофиқ аёлларнинг аҳволи бўйича Комиссия таъсис этилди.

***1948 йил 9 декабрь***

Бош Ассамблея Геноцид жиноятчилигининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида Конвенция қабул қилди.

***1948 йил 10 декабрь***

Бош Ассамблея Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилди.

***1949 йил 2 декабрь***

Бош Ассамблея Одамлар савдоси ва фоҳишабозликни учинчи шахслар томонидан эксплуатация қилиш билан кураш тўғрисида конвенция қабул қилди.

***1950 йил 4 ноябрь***

Европа Кенгаши аъзо-давлатлари Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида конвенция (Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Европа конвенцияси)ни қабул қилдилар.

***1950 йил 1 декабрь***

Бош Ассамблеянинг 415 (V) қарорига мувофиқ Жиноятчи-

ликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муносабат бўйича конгресслар тайёрлаш учун жавобгар бўлган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича комитет таъсис этилди.

***1992 йил 6 февраль***

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш уни Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши одил судлов комиссиясига айлантирди.

***1951 йил 28 июль***

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ваколатли вакиллари конференцияси Қочоқларнинг мақоми тўғрисида конвенция қабул қилди.

***1952 йил 20 декабрь***

Бош Ассамблея Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида конвенция қабул қилди.

***1953 йил 23 октябрь***

Бош Ассамблея 1926 йил 25 сентябрда Женевада имзоланган Қуллик тўғрисидаги Конвенцияга ўзгартишлар киритиш тўғрисида Баённома қабул қилди.

***1954 йил 28 сентябрь***

Ваколатли вакиллар конференцияси Апартеидлар мақоми тўғрисида Конвенция қабул қилди.

***1955 йил 30 август***

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала бўйича биринчи Конгрессида Маҳбуслар билан муомала қилишнинг энг кам андозавий қоидалари қабул қилинди.

***1956 йил 7 сентябрь***

Ваколатли вакиллар конференцияси Қуллик, қул савдоси ҳамда қуллик билан боғлиқ институтлар ва қулликни бекор қилиш бўйича Қўшимча конвенция қабул қилди.

*1957 йил 29 январь*

Бош Ассамблея Турмушга чиққан аёлларнинг фуқаролиги тўғрисида Конвенция қабул қилди.

*1957 йил 25 июнь*

Халқаро меҳнат ташқилотининг Бош Конференцияси Зўрлаб ишлатишни бекор қилиш тўғрисида Конвенция қабул қилди.

*1959 йил 30 июль*

Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш 728 F (XXVIII) қарорини қабул қилди, унга кўра инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия зиммасига инсон ҳуқуқларига тааллуқли хабарларни кўриб чиқиш мажбурияти юклатилди.

*1959 йил 20 ноябрь*

Бош Ассамблея Бола ҳуқуқи Декларациясини қабул қилди.

*1960 йил 14 ноябрь*

Бош Ассамблея Мустамлака мамлакатлари ва халқларига мустақиллик бериш тўғрисида Декларация қабул қилди.

*1961 йил 30 август*

Ваколатли вакиллар конференцияси Фуқаросизликни қисқартириш тўғрисида Конвенция қабул қилди.

*1962 йил 7 ноябрь*

Бош Ассамблея Энг кам никоҳ ёшида никоҳдан ўтиш ва никоҳларни рўйхатга олишга розлик бериш тўғрисида Конвенция қабул қилиш.

*1962 йил 14 декабрь*

Бош Ассамблея Табиий ресурслар устидан ажралмас суверенитет тўғрисидаги 1803 (XVII) қарорни қабул қилди.

*1963 йил 20 ноябрь*

Бош Ассамблея Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида Декларация қабул қилди.

*1965 йил 21 декабрь*

Бош Ассамблея Иркий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида Халқаро Конвенция қабул қилди. Конвенция Иркий камситишни тугатиш тўғрисида Комитет ташкил этишни кўзда тутади.

*1966 йил 16 декабрь*

Бош Ассамблея Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Халқаро пакт қабул қилди. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт ва унга Факультатив протокол қабул қилинди. Пакт Инсон ҳуқуқлари бўйича комитет ташкил этишни кўзда тутади.

*1967 йил 6 июнь*

Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш 1235 (XLII) қарорни қабул қилди, унда инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия ва озчиликни камситишнинг олдини олиш ва ҳимоя қилиш бўйича кичик комиссия инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг қўпол бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни ўрганишга вакил қилинган.

*1967 йил 7 ноябрь*

Бош Ассамблея Хотин-қизлар билан муносабатда камситишга барҳам бериш тўғрисида Декларация қабул қилди.

*1968 йил 13 май*

Инсон ҳуқуқлари бўйича Теҳрон конференцияси Даъвати эълон қилинди.

*1968 йил 26 ноябрь*

Бош Ассамблея Ҳарбий жиноятларга ва инсониятга қарши жиноятларга муддатнинг ўтишини қўлланилмаслиги тўғрисида Конвенция қабул қилди.

*1969 йил 22 ноябрь*

Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Америка конвенцияси қабул қилинди.

*1969 йил 11 декабрь*

Бош Ассамблея Ижтимоий тараққиёт ва ривожланиш Декларациясини қабул қилди.

***1970 йил 27 май***

Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш 1503 (XLVIII) қарорини қабул қилди, у Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия ва озчиликни камситишнинг олдини олиш ва ҳимоя қилиш кичик комиссиясига инсон ҳуқуқлари ва асосий ҳуқуқлари бузилишлари тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш учун ёпиқ мажлислар ўтказиш имконини берадиган иш тартиби таъсис этди.

***1971 йил 13 август***

Озчиликни камситишнинг олдини олиш ва ҳимоя қилиш бўйича кичик комиссия Иқтисодий ва ижтимоий Кенгашнинг 1503 (XLVIII) қарорини амалга ошириш тўғрисида 1 (XXIV) қарорини қабул қилди.

***1973 йил 30 ноябрь***

Бош Ассамблея Ирқий айирмачилик жиноятининг олдини олиш ва уни жазолаш тўғрисида Халқаро конвенция қабул қилди. Конвенция унинг амалга оширилишини назорат қилиши керак бўлган Учлик гуруҳини ташкил этишни кўзда тутади.

***1975 йил 1-10 март***

БМТнинг Хотин-қизлар аҳволи бўйича Биринчи Бутунжаҳон конференцияси (Мехико ш.) Ҳаракатлар режаси қабул қилинди, унинг асосида БМТ Бош Ассамблеяси Хотин-қизларнинг халқаро Ўн йиллигини эълон қилди.

***1975 йил 9 декабрь***

Бош Ассамблея Қийнаш ва бошқа шафқатсиз ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан барча шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида Декларация қабул қилди.

***1977 йил 8 июнь***

Ҳарбий можаролар даврида қўлланиладиган халқаро гуманитар ҳуқуқни тасдиқлаш ва ривожлантириш тўғрисидаги масала бўйича Дипломатик конференцияда Ҳарбий можаролар қурбонлари ҳимоясига тааллуқли (I и II Протоколлар) 1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияларига Қўшимга протоколлар қабул қилинди.

***1978 йил 27 декабрь***

ЮНЕСКО Бош конференцияси Иркчилик ва иркчилик муносабатлари тўғрисида Декларация қабул қилди.

***1979 йил 17 декабрь***

Бош Ассамблея Ҳуқуқий тартибни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари Кодексини қабул қилди.

***1979 йил 18 декабрь***

Бош Ассамблея Хотин-қизларга муносабатда камситишларга барҳам бериш бўйича Комитетни ташкил этишни кўзда тутадиган Хотин-қизларга муносабатда камитишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида Конвенция қабул қилди.

***1980 йил 5-15 март***

БМТнинг Хотин-қизлар аҳволи бўйича Иккинчи Бутунжаҳон Конференцияси (Копенгаген ш.) Хотин-қизларнинг ўн йилликнинг иккинчи ярми учун ҳаракат Дастурини қабул қилди, унда таълим, бандлик ва соғлиқни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

***1981 йил июнь***

Африка бирлиги ташкилоти давлат ва ҳукумат бошлиқларининг XVIII Конференциясида Инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка хартиясини қабул қилди.

***1981 йил 25 ноябрь***

Бош Ассамблея Дин ёки эътиқод асосида муросасиз ҳолатлар ва камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида Декларация қабул қилди.

***1984 йил 25 май***

Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш “Ўлим жазосига ҳукм қилинганлар ҳуқуқини ҳимоя қилишни кафолатлаш чоралари” ҳужжатини тасдиқлади.

***1984 йил 12 ноябрь***

Бош Ассамблея Қийнаш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига қар-

ши Конвенция қабул қилди. Конвенция қийнашга қарши Комитетни ташкил этишни кўзда тутади.

***1985 йил 28 май***

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пактни амалга ошириш бўйича назорат учун масъул бўлган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Комитетни таъсис этиш тўғрисида 1985/17 қарорини қабул қилди.

***1985 йил 10 сентябрь***

БМТнинг Хотин-қизлар аҳволи бўйича Учинчи Бутунжаҳон конференцияси очилди (Найроби ш.). Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш соҳасида 2000 йилгача бўлган даврда Найроби истиқбол стратегиялари қабул қилинди.

***1985 йил 29 ноябрь***

Бош Ассамблея Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Балоғатга етмаганларни одил судловга жўнатишнинг энг кам андозавий қоидаларини қабул қилди. Пекин қоидаси.

***1985 йил 29 ноябрь***

Бош Ассамблея Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш жиноятларига доир ва жиноят қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари Декларациясини қабул қилди.

***1985 йил 29 ноябрь***

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича Еттинчи Конгрессида Суд органларининг мустақиллигига тааллуқли Асосий принциплар қабул қилинди.

***1985 йил 10 декабрь***

Бош Ассамблея Спортда апартеидга қарши Халқаро конвенцияни қабул қилди. Конвенция спортда апартеидга қарши Комиссияни ташкил қилишни кўзда тутади.

***1985 йил 13 декабрь***

Бош Ассамблея Хотин-қизларнинг шарт-шароитларини ях-

шилаш соҳасида Найроби истиқболли стратегияларини амалга ошириш тўғрисидаги масала бўйича қарор қабул қилди.

***1986 йил 4 декабрь***

Бош Ассамблея Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисида Декларация қабул қилди.

***1988 йил 9 декабрь***

Бош Ассамблея Исталган шаклда ҳибсга ёки қамоққа олишга буюрилган барча шахсларни ҳимоя қилиш принциплари Мажмуини қабул қилди.

***1989 йил 24 май***

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш Ноқонуний, ўзбошимчалик билан ва ёппасига қатл қилишнинг самарали олдини олиш ва текшириш Принципларини қабул қилди.

***1989 йил 20 ноябрь***

Бош Ассамблея Бола ҳуқуқлари бўйича Комитетни ташкил этишни кўзда тутувчи Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилди.

***1989 йил 15 декабрь***

Бош Ассамблея Ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга иккинчи Факультатив протоколни қабул қилди.

***1990 йил 7 сентябрь***

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала бўйича Саккизинчи Конгрессида (Гавана) Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг зўрлик ишлатиш ва ўқотар қуролларни қўллашга оид Асосий принциплари, Ҳуқуқшунослар ролига доир Асосий принциплар ва суд текширувини амалга оширувчи шахслар ролига тааллуқли Раҳбарлик принциплари қабул қилинди.

***1990 йил 30 сентябрь***

Олий даражадаги Бутунжаҳон учрашувида Болаларни асраб

қолиш, ҳимоялаш ва ўсиб-улғайишини таъминлаш бўйича Бутунжаҳон декларацияси ва Декларацияни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар Дастури қабул қилинди.

***1990 йил 14 декабрь***

Бош Ассамблея Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган чораларига таааллуқли Андозавий энг кам қоидаларини (Токио қоидалари), Маҳбуслар билан муомала қилишнинг Асосий принципларини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун Раҳбарлик принциплари (Арриёдда қабул қилинган Раҳбарлик принциплари) ва Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганлар ҳимоясига доир Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қоидаларини қабул қилди.

***1990 йил 18 декабрь***

Бош Ассамблея 1990 йилда Венада Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

***1990 йил 18 декабрь***

Бош Ассамблея Барча кўчманчи-меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенцияни қабул қилди. Конвенция барча кўчманчи-меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича Комитет тузишни кўзда тутади.

***1991 йил 20 май***

Хавфсизлик Кенгаши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Сальвадордаги Кузатувчилар Миссиясини (МНООНС) таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

***1992 йил 7 апрель***

Хавфсизлик Кенгаши собиқ Югославияда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўриқлаш Кучларини (СООНО) кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

***1992 йил 30 май***

Хавфсизлик Кенгаши Босния ва Герцеговинага можаролаша-

ётган томонлар инсонпарварлик ёрдамини тўсиқсиз етказиб беришга рухсат беришини талаб қилган қарор қабул қилди.

***1992 йил 14 сентябрь***

Хавфсизлик Кенгаши СООНО ваколатини кенгайтиришга ижозат берувчи қарор қабул қилди.

***1992 йил 16 сентябрь***

Хавфсизлик Кенгаши Босния ва Герцеговинада "этник тозалаш"ни қоралайдиган қарор қабул қилди.

***1992 йил 18 декабрь***

Бош Ассамблея барча шахсларни зўрлик йўли билан билан йўқотишдан ҳимоя қилиш тўғрисида Декларация қабул қилди.

***1992 йил 18 декабрь***

Бош Ассамблея Миллий ёки этник, дин ва тил озчилиғига мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида Декларация қабул қилди.

***1993 йил 22 февраль***

Хавфсизлик Кенгаши собиқ Югославия ҳудудида 1991 йилдан бошлаб содир этилган халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг жиддий бузилишида айбдор шахсларни судга тортиш учун Халқаро трибунал таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

***1993 йил 20 апрель***

Бош Ассамблея Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Америка давлатлари Ташкилотлари билан ҳамкорликда Ғаитида Халқаро фуқаролик миссиясида (МГМГ) қатнашишига ижозат этувчи қарор қабул қилди.

***1993 йил 25 май***

Хавфсизлик Кенгаши, собиқ Югославия ҳудудида 1991 йилдан бошлаб қилинган халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг жиддий бузилишига жавобгар шахсларнинг суд текшируви учун Халқаро трибунал Устави тасдиқлангани тўғрисида қарор қабул қилди.

*1993 йил 10 июнь*

Инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасида таълим муаммолари бўйича Халқаро конференция (Монреаль) “Инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасида таълим бўйича халқаро ҳаракатлар режаси”нинг Якуний ҳужжатини қабул қилди.

*1993 йил 25 июнь*

Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференциясининг якунловчи мажлисида Вена декларацияси ва Ҳаракатлар Дастури қабул қилинди.

*1993 йил 20 декабрь*

Бош Ассамблея 48/91 қарорини қабул қилди, унда ирқчилик ва ирқий камситишга қарши кураш бўйича учинчи Ўн йиллик ҳаракатлари эълон қилинди.

*1993 йил 20 декабрь*

Бош Ассамблея 48/163 қарорини қабул қилди, унда дунё туб жой (абориген) халқлари Халқаро Ўн йиллиги эълон қилинди.

*1993 йил 20 декабрь*

Бош Ассамблея 48/141 қарорини қабул қилди, унда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари лавозимини таъсис этишга қарор қилинди.

*1994 йил 23 февраль*

Хавфсизлик Кенгаши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мозамбикдаги Операцияси (ЮНОМОЗ) таркибида фуқаро полиция қисмларини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

*1994 йил 1 июль*

Хавфсизлик Кенгаши Руандада инсон ҳуқуқлари бузилишини текшириш учун экспертлар Комиссиясини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

*1994 йил 19 сентябрь*

Бош Ассамблея Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гватемалада инсон ҳуқуқлари бўйича Кенг қамровли битимда ифодаланган инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятларига риоя қилиниши

учун назорат бўйича Миссиясининг таъсис этилгани тўғрисида резолюция қабул қилди (МИНУГУА).

*1994 йил 23 сентябрь*

Хавфсизлик Кенгаши қабул қилган қарорда “этник тозалаш” халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг яққол бузилиши эканлиги яна бир бор таъкидланди.

*1994 йил 8 ноябрь*

Хавфсизлик Кенгаши Руанда учун Халқаро трибунални таъсис этиш тўғрисида 955 (1994) қарорини қабул қилди.

*1994 йил 21 ноябрь*

БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши одил судлов муаммолари бўйича сектори Неаполда уюшган трансмиллий жиноятчилик муаммолари бўйича Министрлар даражасида Бутунжаҳон конференциясини очди. Неаполь сиёсий декларацияси ва Кенг миқёсли ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

*1994 йил 23 декабрь*

Бош Ассамблея Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўн йиллик ташкил этилгани эълон қилингани тўғрисида 49/184 қарор қабул қилди.

*1995 йил 3 март*

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия туб жой (абориген) халқлари ҳуқуқлари тўғрисида декларация лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди (1995/32 қарорга).

*1995 йил 6-12 март*

Ижтимоий ривожланиш мақсадида олий даражадаги Бутунжаҳон учрашувида (Копенгаген) қашшоқликка қарши кураш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ишчи ўринларини яратиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

*1995 йил 5-15 май*

БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар

билан муомала қилиш бўйича Тўққизинчи Конгрессида (Қоҳира) халқаро жиноятчилик, терроризм, экология жиноятчилиги, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик, гиёвандлик моддалари билан ноқонуний муомала қилиш ва давлат мансабдор шахслари ўртасидаги коррупцияга қарши кураш бўйича янги чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

***1995 йил 4-15 сентябрь***

БМТнинг Хотин-қизлар шарт-шароитлари бўйича Бутунжаҳон Тўртинчи Конференциясида (Пекин) ҳаракатлар Платформаси қабул қилинди ва хотин-қизлар шарт-шароитларини яхшилаш бўйича 2001 йилгача бўлган устувор тадбирлар белгиланди. Бир вақтнинг ўзида Пекинда хотин-қизлар шарт-шароити-95 Форуми бўлиб ўтди.

***1998 йил 10 декабрь***

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг эллик йиллиги бўлиб ўтди.

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ИНСТИТУТЛАР

**Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар**

**Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар**

Инсон ҳуқуқларига тааллуқли қонунлар ва қоидаларнинг таъминланиши ва самарали қўлланилиши учун тузилади. Кўп комиссиялар бошқа давлат органларидан мустақил равишда фаолият кўрсатадилар, уларга қонунчилик органлари олдида мунтазам ҳисоб бериб туриш мажбурияти юкланган

**Омбудсман**

У алоҳида шахс ёки шахслар гуруҳи бўлиши мумкин. Қоидага кўра, омбудсман парламент томонидан ўзининг амалдаги конституциявий ваколатлари доираларида ёки махсус қонун асосида тайинланади. Бу институтнинг асосий вазифаси ўзларини давлат маъмурияти томонидан адолатсиз хатти-ҳаракат курбонлари деб ҳисобловчи алоҳида шахсларнинг ҳимоясидан иборат. Шунга мувофиқ, омбудсман тез-тез жабрланган шахс ва ҳукумат ўртасидаги холис воситачи сифатида ҳаракат қилади

**Ихтисослаштирилган муассасалар**

Ҳар бир мамлакатда аҳолининг тез-тез камситилишга учраган заиф қатлами мавжуд. Улар ҳаммадан аввал этник, тил ва динний озчиликка мансуб шахслар , туб аҳоли (аборигенлар), хорижликлар, кўчманчилар, кўчиб келганлар, қочоқлар, болалар, аёллар, шунингдек қашшоқлар ва ногиронлар ҳисобланади. Ихтисослаштирилган муассасаларга кўрсатилган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича турли кенгашлар, комитетлар ва комиссиялар киради

# БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МАРКАЗИ



# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО НАЗОРАТ ВОСИТАЛАРИ



# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАРТИБЛАРИ ВА НАЗОРАТ УСУЛЛАРИ

**Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро тартиблари ва назорат усуллари**

**СИЁСИЙ**

- Давлат сиёсий органларига тавсиялар бериш
- Халқаро ташкилотлардан чиқариш
- Бошқа сиёсий рухсатномалар бериш

**МАЪРУЗАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ**

- Давлат даврий равишда маърузаларни комитетларга тақдим этади
- Уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича БМТ Бош котибига йиллик маърузалар тайёрланади

**ШИКОЯТ ВА ХАБАРЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ**

сиёсий, маъмурий, квази суд ёки суд тартибида. Масалан, шикоят, хабарни олгач, КЧП уни давлатга етказади, давлат эса 6 ой давомида КЧПга ёзма тушунтириш тақдим этади. Кўриб чиқиш натижалари давлатга ва шикоятчига юборилади. Мазкур факт БМТ Бош котибининг йиллик маърузасига киритилиши мумкин.

**САМАРАДОРЛИК ШАРТЛАРИ**

- Ошкоралик
- Фактларни объектив аниқлаш
- Жамоатчиликнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясидаги иштироки

**АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

- Халқаро шартнома асос ҳисобланади.
- Халқаро органлар томонидан амалга оширилади.

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО ВОСИТАЛАРИ




Инсон ҳуқуқларига дахлдор кўплаб конвенцияларда бу ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг халқаро воситалари акс этган. Конвенциялар ҳуқуқлари бузилган фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилиш тартибини ва давлатларнинг мажбуриятларини белгилаб беради.

Бу жиҳатдан ЕХҲТ жараёни улкан ва муҳим аҳамият касб этади, у давлатларга, жумладан бизнинг мамлакатимизга ҳам ҳар бир инсон манфаатларини давлат органлари томонидан эътиборга олишни анча енгиллаштиради.

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ МАХСУС ҲИМОЯ ҚИЛИШ



## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚИНИ ХАЛҚАРО ҲИМОЯ ҚИЛИШ

***1945 йил*** –Эркаклар ва аёллар тенглиги принципларини тасдиқловчи биринчи халқаро ҳужжат – БМТ Устави қабул қилинди.

***1946 йил*** – Хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашга ёрдам бериш мақсадида аёлларнинг аҳволи бўйича комиссия тузилди.

***1949 йил*** – Бош Ассамблея Одамларни сотиш ва фоҳишабозликдан фойдаланишга қарши қураш тўғрисида конвенция қабул қилди.

***1951 йил*** – Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) Тенг Қийматдаги меҳнат учун эркак ва аёлларга тенг ҳақ тўлаш ҳақида конвенция қабул қилди.

***1952 йил*** – Бош Ассамблея – Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни – уларнинг сиёсий ҳуқуқларини, жумладан овоз бериш ҳуқуқининг жаҳон бўйича биринчи марта тасдиқловчи ҳужжатни қабул қилди.

***1957 йил*** – Ўз эрларининг ҳаракатларидан қатъи назар, хотин-қизларга фуқаролигини сақлаш ёки алмаштириш ҳуқуқини берувчи турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тўғрисида Конвенция қабул қилинди.

***1960 йил*** – Меҳнат ва бандлик соҳасида камситишни тугатиш тўғрисида Конвенция қабул қилинди.

***1962 йил*** – Бош Ассамблея Никоҳга киришга розилик, никоҳ ёши ва никоҳни рўйхатга олиш тўғрисида Конвенция қабул қилди.

***1967 йил*** – Хотин-қизларга нисбатан камситишни тугатиш тўғрисида Декларация қабул қилинди.

***1975 йил*** – Жаҳон конференцияси Халқаро хотин-қизлар йили доирасида (Мехико) биринчи жаҳон ҳаракат режасини қабул қилди. Хотин-қизлар биринчи Ўн йиллиги, тенглик, тараққиёт, тинчлик эълон қилинди.

***1976 йил*** – Бош Ассамблея Хотин-қизлар Ўн йиллиги учун ихтиёрий бадаллар жамғармасини (ЮНИФЕМ) ва хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш бўйича халқаро ўқув ва миллий тадқиқот институтини ташкил этди.

***1979 йил*** – Бош Ассамблея Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида Конвенция қабул қилди.

***1980 йил*** – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (Копенгаген) хотин-қизлар Ўн йиллиги доирасида Бутунжаҳон конференцияси ўн йил ичида эришилган тараққиётга баҳо берди.

***1985 йил*** – БМТнинг учинчи конференцияси хотин-қизларнинг аҳволига доир хотин-қизлар аҳволини яхшилаш соҳасида 2000 йилгача бўлган истиқбол стратегиясини қабул қилди. Хотин-қизлар Ўн йиллиги учун ихтиёрий бадаллар Фонди БМТнинг хотин-қизлар манфаатларини ривожлантириш учун БМТ ривожланиш дастури бўйича мухтор мақомга эга бўлган Фондга айлантирилди.

***1986 йил*** – Биринчи марта "Тараққиётда хотин-қизларнинг роли тўғрисидаги масалага доир дунё шарҳи" эълон қилинди.

***1991 йил*** – "Жаҳон хотин-қизлари: тамойиллар ва статистика" нашри чоп этила бошланди, уларда бутун дунё хотин-қизларининг аҳволи хусусидаги маълумотлар тўпланди.

***1992 йил*** – БМТнинг атроф-муҳит ва тараққиёт (Рио-де-Жанейро)га доир конференциясида барқарор тараққиёт жараёнида хотин-қизларнинг ҳал қилувчи роль ўйнаши тан олинди.

***1993 йил*** – Бош Ассамблеяда хотин-қизларга нисбатан зўравонликни тугатиш борасида Декларация қабул қилинди. Инсон

ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференциясида (Вена) хотин-қизларга нисбатан зўравонликка доир масалалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларига тааллуқли бошқа масалалар инсон ҳуқуқлари бўйича умумий кун тартибига киритилди.

***1994 йил*** – Ер юзи аҳолиси ва унинг ривожланишига оид тўртинчи Бутунжаҳон конференциясида (Қоҳира) биринчи марта хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш тараққиётнинг ажралмас қисми эканлиги қайд этилди.

***1995 йил*** – Хотин-қизлар аҳволига оид Тўртинчи Бутунжаҳон конференциясида (Пекин) жиддий муаммоли соҳалар кўриб чиқилди ва муҳокама этилиб, ҳаракат режалари белгиланди. Олий даражадаги жаҳон учрашувининг кун тартибида хотин-қизларга тааллуқли барча доирадаги муаммолар акс эттирилди; декларация лойиҳаси тенгликни таъминлаш мажбуриятини ўз ичига олган.

# 13-мавзу. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ

14—K-8612

**Халқаро иқтисодий ҳуқуқ** – Халқаро ҳуқуқнинг давлатлараро иқтисодий муносабатларини (ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари муносабатларини) тартибга солувчи тармоқлардан бири.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик (1975 йилги) Кенгашининг Якунловчи ҳужжатида ва ЕХҲКнинг бошқа якунловчи ҳужжатларида халқаро иқтисодий ҳуқуқ масалаларига асосий ўрин ажратилган. Халқаро иқтисодий хавфсизлик кенг қамровли халқаро хавфсизлик тизимининг қисми деб бежиз айтилгани йўқ.

Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳам, БМТ доирасида ҳам, минтақавий сиёсий ва иқтисодий ташкилотлар доирасида ҳам кўп сонли комитет ва комиссиялар ҳаракат қилади. Марказий ўринни Бош Ассамблея, ЭКОСОС, БМТнинг ихтисослаштирилган идоралари ва бошқа ҳукуматлараро ташкилотлар эгаллайди.

# ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ



# ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚНИНГ УМУМИЙ ВА МАХСУС ПРИНЦИПЛАРИ



# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР



# 14-мавзу. ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ

**Халқаро экология ҳуқуқи** – айрим давлатлар атроф-муҳити миллий тизими ва миллий юридик мақоми амал қилиш доирасидан ташқаридаги атроф-муҳитга турли хилдаги, ҳар хил манбалардан етказиладиган зарарнинг олдини олиш ва бартараф этишига доир давлатлар фаолиятини тартибга соладиган принциплар ва нормалар йиғиндиси.

Инсонни ўраб турган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш принципи ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий принципларидан бири ҳисобланади. Қоидага кўра, атроф-муҳит инсон томонидан ўрнатилган юридик чегараларни тан олмайди. Келажак авлодлар учун атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ғамхўрлик жаҳон ҳамжамиятининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу соҳадаги мураккаб ва қимматбаҳо дастурларни бажаришга фақат Бутунжаҳон давлатларининг бирлашган куч-ғайратлари билангина эришиш мумкин.

Ҳозирги вақтда денгиз, ҳаво ва космик муҳит ифлосланишининг олдини олиш соҳасида ўнлаб халқаро конвенциялар, Ер фаунаси ва флорасини сақлаш, ҳимоя қилиш ва ривожлантириш бўйича бир неча муҳим конвенциялар қабул қилинган ва амал қилмоқда.

БМТнинг атроф-муҳит бўйича Дастури (ЮНЕП) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлатлар ҳамкорлигини мувофиқлаштириш бўйича махсус механизм ҳисобланади.

# ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ – АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ОБЪЕКТЛАРИ



# ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ



## АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ОБЪЕКТЛАРИ

**Бутун Ер сайёрасининг ҳуқуқий муҳофаза остига олинадиган муҳити –**
дунё океани ва унинг табиий ресурслари, атмосфера ҳавоси, Ер атрофидаги космик бўшлиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг баъзи бир вакиллари, йирик табиий комплекслар, шунингдек, табиий бойликларнинг бир қисми, Ернинг генетик фонди

**МИЛЛИЙ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР**

Давлатларнинг юридик мақоми остида туради. Уларнинг ҳуқуқий тартибини аниқлашда ички ҳуқуқ нормалари асосий роль ўйнайди. Шу билан бирга, уларни муҳофаза қилишга тегишли халқаро шартномаларнинг сони ортиб боради

**ХАЛҚАРО ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР**

Миллий юридик таъсир чегарасидан четда туради ёки турли давлат ҳудудларида бўлади. Бу ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиби халқаро ҳуқуқ нормалари билан белгиланади

*Универсал,*
барча давлатларнинг умумий фойдаланишида (очиқ денгиз, космос, Антарктида – миллий юридик таъсир доирасидан ташқарида бўлади)

*Кўп миллатли,*
ёки икки ёхуд ундан ортиқ мамлакатларга тегишли ёки улар томонидан тақсимлаб фойдаланиладиган (масалан, дарёларнинг сув ресурслари, кўчманчи ҳайвонларнинг тарқалиши, чегараолди табиий комплекслари)

# ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ ПРИНЦИПЛАРИ



# ЭКОЛОГИЯ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАР

ТАБИИЙ МУҲИТГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ҲАРБИЙ ВА БОШҚА ҲАР ҚАНДАЙ ЗАРАРЛИ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАҚИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА 1977 ЙИЛГИ КОНВЕНЦИЯ ҚУЙИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ЮКЛАЙДИ:

- Ернинг ҳолатига, тузилишига, унинг биосфераси, литосфераси, гидросфераси, атмосфераси ёки космосни ҳам қамраб олган ҳолда табиий муҳит динамикасини аввалдан кўзда тутиб, ундан ҳарбий ёки бошқа ҳар қандай зарарли таъсир кўрсатиш йўлида фойдаланмаслик
- Халқаро конвенция субъектларини табиий муҳитга ҳарбий ёки бошқа зарарли таъсир кўрсатувчи воситалардан фойдаланишни амалга оширишга ёрдам кўрсатмаслик, рағбатлантирмаслик ва даъват этмаслик
- Табиий муҳитга таъсир кўрсатувчи воситалардан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва ҳ.к.
- Ушбу Конвенцияга зид бўлган ҳар қандай фаолиятни тақиқлаш ва бартараф этиш бўйича қонуний чоралар кўриш ва бошқалар

ҲАВОНИНГ УЗОҚ МАСОФА БЎЛИБ ЧЕГАРАЛАРАРО ИФЛОСЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА 1979 ЙИЛГИ КОНВЕНЦИЯ ҚУЙИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ЮКЛАЙДИ:

- Инсонни ва унинг атроф-муҳитини ҳавонинг ифлосланишидан муҳофаза қилиш, давлат ҳудудидаги манбалардан ҳавонинг ифлосланишини чеклаш, камайтириш ва бартараф этиш
- Ахборот алмашиш, маслаҳатлашиш, илмий тадқиқотлар ва мониторинг ёрдамида ҳавони ифлослантирувчи чиқиндилар билан курашиш стратегиясини ишлаб чиқиш
- Ҳаво сифатини тартибга солиш, унинг ифлосланишига қарши кураш чораларининг энг яхши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқалар

# БМТНИНГ АТРОФ-МУҲИТ ДАСТУРИ (ЮНЕП)



# РИО ПРИНЦИПЛАРИ

**Рио принциплари**
Атроф-муҳит ва тараққиёт бўйича 1992 йилги Рио-де-Жанейро Декларацияси

- АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ (5)
- ИНСОН ЖАМИЯТИНИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИ ПРИНЦИПЛАРИ (7)
- АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ (12)
- ТИНЧЛИК ВА ЭКОЛОГИЯ БАҲСЛАРИНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ҚИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ (3)

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – тараққиёт жараёнининг таркибий қисми

Давлатлар томонидан ООС соҳасида самарали қонунларнинг қабул қилиниши

Субъектларнинг атроф-муҳит ифлосланиши учун жавобгарлиги

Атроф-муҳитга, инсонга зарар етказадиган ифлосланишнинг бошқа давлатларга ўтиши фактларидан огоҳлантириш

Атроф-муҳит учун салбий чегаралараро оқибатларга эга тадбирлар тўғрисида ўзаро ахборот алмашиш

Давлатларнинг Ер экотизимини сақлаш мақсадидаги глобал шериклиги

Атроф-муҳит аҳволи ёмонлашуви муаммоларининг ўз вақтида ҳал қилиниши

Кўзда тутилган экология оқибатлари баҳоси

Атроф-муҳит аҳволи ёмонлашиши ҳолларининг олдини олиш ва ундан огоҳлантириш чораларини кўриш

Қуролли можаролар даврида халқаро ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш

# ҲАЙВОНОТ ВА ЎСИМЛИК ДУНЁСИНИНГ ХАЛҚАРО МУҲОФАЗАСИ

**Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини халқаро муҳофаза қилиш бир неча йўналишлар бўйича олиб борилади:**

- табиий минтақавий комплексларни қўриқлаш;
- Жаҳон океани жонли ресурсларини овлаш ва ўлжа олищдан қўриқлаш орқали тартибга солиш;
- ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг йўқолиб кетиш хавфи остида турган ноёб турларини қўриқлаш



## ДЕНГИЗ МУҲИТИНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ




## ҲАВО ВА КОСМИК МУҲИТНИНГ ХАЛҚАРО МУҲОФАЗАСИ



# 15-мавзу. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

# ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСИ**

**ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ БИТИМ**

| Универсал конвенциялар | Минтақавий конвенциялар | Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида икки-томонлама битимлар |
|---|---|---|

**ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ**

БМТ тизимида: жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашга оид адолат комиссияси ва унинг конгресслари, жиноятчиликнинг айрим турларига қарши кураш бўйича халқаро ва махсус комитетлар. Интерпол, МАУП, МКО, МСА ва бошқа ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари

***Қуйидагича жиноий жавобгарлик белгиланган***

**ХАЛҚАРО ЖИНОЯТЛАР УЧУН**

Тинчликка қарши: агрессия урушларини режалаштириш, тайёрлаш, бошлаб юбориш, олиб бориш ва бошқалар

Инсонийликка қарши: фуқаро аҳолига нисбатан сиёсий, тазйиқ, сургун қилиш, асоратга солиш, бошқа жабр-зулм, уларни таъқиб қилиш ва бошқалар

Ҳарбий жиноятлар урушнинг қонун ва удумларини бузиш, ҳарбий асирларни, гаровга олинганларни, парламентёрларни ўлдириш, аҳолини қулликка олиб кетиш, шаҳар ва қишлоқларни мантиқсизлик билан вайрон этиш ва бошқалар

Инсониятга қарши: геноцид, апартеид, экоцид, ирқчилик, мустамлакачилик ва бошқалар

**ХАЛҚАРО ОҒИР ЖИНОЯТЛАР УЧУН**

Халқаро муносабатлардаги барқарорликка қарши: терроризм, гаровга олиш, ёллаш ва бошқалар

Давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожига зарар етказадиган: қалбаки пул ишлаб чиқариш, контрабанда, атроф-муҳитга қарши кирдикорлар ва бошқалар

Инсоннинг шахсий ҳуқуқларига тажовуз қилувчи: қуллик, қул савдоси, порнографияни тарқатиш, қийноққа солиш ва бошқалар

Очиқ денгизда содир этиладиган: қароқчилик, кемаларнинг тўқнашуви, денгизда ёрдам кўрсатмаслик, денгизни зарарли моддалар билан ифлослантириш ва бошқалар

Ҳарбий ҳаракатлар ҳудудида қилинадиган: фуқаро аҳоли, ҳарбий асирлар, ярадорлар, беморлар, маданий ёдгорликларга нисбатан ва ҳоказо

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚБУЗАРЛИК




# ХАЛҚАРО ЖИНОЯТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАРИ

| **Фарқ қилувчи белгилари** | **Халқаро жиноят** | **Халқаро аҳамиятга эга бўлган** |
|---|---|---|
| Субъекти | Давлат механизмидан жиноий мақсадда фойдаланувчи давлатлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, оддий ижрочилар | Жисмоний шахслар |
| Объекти | Халқаро тинчлик ва хавфсизлик, бутун инсоният манфаатлари | Икки ёки бир неча давлатлар манфаатлари |
| Жавобгарлик | Халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида давлатнинг жавобгарлиги ва ижрочининг жиноий жавобгарлиги | Шахсий жиноий жавобгарлик |
| Юридик мақоми | Халқаро ёки ички давлат | Ички давлат |

# ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ЖИНОЯТЛАР



# ХОРИЖИЙ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРО ЭТИШ

**Ижрони талаб қилмайдиган қарорларни тан олиш**

Адлия муассасалари чиқарган ва қонуний кучга кирган ҳамда ўз хусусиятига кўра ижрони талб қилмайдиган қарорлар махсус ишлаб чиқишсиз шу шарт билан тан олинади, агар:

- талаб қилаётган томоннинг адлия муассасалари бу иш бўйича илгари қонуний кучга кирган қарорларни чиқармасалар
- ушбу томон адлия муассасасининг алоҳида ваколатига тааллуқли бўлмайди

**Қарорлар тан олиниши ва ижросининг рад этилиши асослари**

- Қарорлар, ҳудудида қарор чиқарилган томоннинг қонунчилигига мувофиқ, қонуний кучга киргунча ижро қилиниши лозим бўлган ҳоллардан ташқари қонуний кучга кирмайди ва ижро қилинмайди
- Жавобгар ёки унинг вакил қилинган кишисига ўз вақтида ва белгиланган тартибда судга чақирув қоғози топширилмаганлиги учун процессда иштирок этмаган
- Қарор тан олиниши ва ижро этилиши керак бўлган томон ҳудудида ўша томон ўртасидаги иш бўйича, ўша предмет ҳақида, ўша асос бўйича суд қарори қонуний кучга кирган ёки учинчи давлат судининг тан олинган қарори мавжуд ёки мазкур иш бўйича бу томон муассасаси тарафидан илгари иш қўзғатилган
- Иш суд қарори ҳудудида тан олиниши ва ижро этилиши керак бўлган давлат муассасасининг алоҳида ваколатига тааллуқли
- Томонларнинг судга оид шартнома иши бўйича келишувини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмас
- Суд ижро қилишга топширган томоннинг қонунчилиги бўйича мажбурий ижро муддати тугаган

# ХОРИЖИЙ ҲАКАМЛИК ҚАРОРЛАРИНИНГ ТАН ОЛИНИШИ ВА ИЖРОСИ



## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

**Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам** – давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан халқаро шартномалар қоидаларига мувофик хорижий давлатларнинг адлия идоралари расмий талаблари асосида амалга оширадиган процессуал ҳаракатлари

**Ҳуқуқий ёрдам ҳажми**

- Ҳужжатларни топшириш
- Манзилларни ва бошқа маълумотларни аниқлаш
- Жиноятчини таъқиб қилишни амалга ошириш
- Шахсларни қидириш (жавобгарликка тортиш, топширишни таъминлаш ёки ҳукмни ижро этиш учун)
- Топширишни таъминлаш учун шахсни ҳимоя остига олиш
- Ҳуқуқбузарни топшириш
- Тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, ҳибсга олиш
- Экспертиза қилиш
- Буюмларни бериш
- Гувоҳларни, жабрланувчиларни, экспертларни, процессга алоқаси бўлган бошқа шахсларни чақириш
- Айбланувчиларни, гувоҳларни, жабрланувчиларни, экспертларни, процессга алоқадор бошқа шахсларни чақириш
- Айблов ҳукмлари ва судлов тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш
- Ҳуқуқий масалалар бўйича ахборот алмашиш
- Озодликдан маҳрум қилинганларни улар фуқаролари ҳисобланадиган давлатларга жазони ўташлари учун топшириш
- Хорижий давлатлар судлари чиқарган ҳукмларнинг Ўзбекистонда тан олиниши

# ЖИНОЯТЧИЛАРНИ ТОПШИРИШ

**ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Халқаро оғир жиноятларнинг айрим турларига қарши кураш бўйича халқаро битимлар
Экстрадициялар ёки жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам курсатиш тўғрисида икки томонлама шартномалар
Миллий қонунчилик нормалари
Ўзаро ишонч принципи

**ТОПШИРИШ ШАРТИ**

Амалга оширилган хатти-ҳаракат топшириш тўғрисидаги шартномада кўзда тутилган
Хатти-ҳаракат икки давлат жиноят қонуни бўйича ҳам уч йилдан кўп бўлган моддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига лойиқ
Топшириладиган шахс фақат мазкур жиноят учун суд қилинади
Агар топшираётган давлат қонунларида кўзда тутилмаган булса, ўлим жазоси қўлланилмайди

**ТОПШИРИЛМАЙДИ**

Ўз фуқаролари
Шахсий айблов ёки сиёсий жиноят ишлари бўйича топшириш тўғрисида илтимос билан мурожаат килган давлатда жиноят содир этилганда
Бошпана ҳуқуқини олган ёки шу хатти-ҳаракати учун жиноий жазони аллақачон ўтаган ёки суд томонидан оқланган шахслар
Жиноий иш тўхтатилганда, муддати тугаганда, топшириладиган шахсга қийноқ қулланиши хавфи бўлганда ва ҳоказо ҳолларда

**ТОПШИРИШ ТАРТИБИ**

Топшириш тўғрисида талабнома йўллаш
Жиноятчини ҳимоя остига олиш
Топшириш тўғрисида дипломатия каналлари бўйича музокаралар
Белгиланган тартибда ва харажатларни қоплаш билан топширувчи мамлакатнинг ваколатли органлари ихтиёри бўйича топширишлар

**Топшириш турлари**

- Жиноий жавобгарликка тортиш учун топшириш
- Ҳукмни ижро этиш учун топшириш
- Вақтинча топшириш

# МАҲКУМЛАРНИ ТОПШИРИШ



# ХАЛҚАРО ЖИНОЯТ ПОЛИЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ (ИНТЕРПОЛ)



## ИНТЕРПОЛ БОШ КОТИБИЯТИНИНГ ТУЗИЛИШИ



## ИНТЕРПОЛ БОШ КОТИБИЯТИНИНГ ТУЗИЛИШИ (давоми)



# ИНТЕРПОЛНИНГ ХАЛҚАРО ҚИДИРУВИ

| | |
|---|---|
| ЖИНОЯТЧИЛАРНИ ҲИБСГА ОЛИШ ВА БЕРИШ УЧУН ҚИДИРУВ | **ОДАТДАГИ ҚИДИРУВ**<br>Интерполнинг барча аъзо-мамлакатларга қўлга олиш тўғрисидаги талаби «қизил циркуляр» |
| | **УЧ ОЙГАЧА ТЕЗКОР ҚИДИРУВ**<br>Қўлга олиш тўғрисидаги талаб ушбу минтақа мамлакатларига ёки бир неча давлатга радио, телеграф ва бошқа воситалар орқали берилади |
| ЖИНОЯТЧИЛАРНИНГ ВА ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАНЛАРНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИНИ КУЗАТИШ УЧУН ҚИДИРУВ | **ОДАТДАГИ ҚИДИРУВ**<br>Хатти-ҳаракатларни кузатиш ва ваколатли органларга хабар қилиш талаби «яшил циркуляр» |
| | **АРАЛАШ ҚИДИРУВ**<br>Бир мамлакатда қўлга олиш, бошқаларида кузатув остига олиш талаб билан бирга қўшилган «қизил ва яшил циркулярлар» |
| БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАРНИ ҚИДИРУВ | Интерпол аъзо-мамлакатларига қидирув тўғрисидаги талаб билан «кўк циркуляр» юборилади, бундан ташқари, бедарак йўқолган шахсларнинг картотекасидан фойдаланилади |
| | Интерпол аъзо-мамлакатларига мурдани фотосурати бўйича аниқлаш талаби билан «қора циркуляр» юборилади, бундан ташқари, номаълум мурдаларнинг картотекасидан фойдаланилади |
| ЎҒИРЛАНГАН ҚИММАТБАҲО БУЮМЛАРНИ ҚИДИРУВ | Ўғирланган буюмларнинг фотосуратлари билан махсус нашр этилган ахборотномадан, шунингдек, махсус карточкалар ва ЭҲМ маълумотлари банкидан фойдаланиш |

# ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ҚОНУНЛАШТИРИШ ХАЛҚАРО ЙЎЛЛАРИ



## АҚШ ВА ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИДА ПУЛНИ НОҚОНУНИЙ ЙЎЛЛАР БИЛАН "ЮВИШ" УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

| Ҳуқуқ нормалари диспозицияси | Санкция |
|---|---|
| 1 | 2 |
| **Италия:** 1978 йилги ЖКнинг, 1990 йилги "Умумий хавф туғдирувчи мафия типидаги ва бошқа қилмишларнинг олдини олиш тўғрисида янги қоидалари" Қонуни. | |
| Оғирлаштирувчи ҳолатлар орқали содир этилган талончилик ва таъмагирлик, таъмагирлик мақсади билан одам ўғирлаш, наркотик воситалар ва ақлдан оздирувчи моддалар ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ жиноят содир этиш натижасида топилган пул маблағлари ва бошқа мулкни қонунлаштириш | 4 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум этиш ва 2 млн. дан 20 млн. лиргача миқдорда жарима |
| **АҚШ:** Пулни "ювиб тозалаш" билан кураш тўғрисида 1986 йилги Қонун | |
| Ноқонуний даромад олишга мўлжалланган, молиявий келишувни амалга ошириш ёки амалга оширишга уриниш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятга била туриб ёрдам беришни давом эттириш, қуйидаги қилмишга тенг бўлади:<br>– ноқонуний молиявий битимлар тузиш йўли билан даромадлар манбаини қасддан яшириш;<br>– битимни рўйхатдан ўтказишни | 20 йилгача қамоқ жазоси ва (ёки) 500.000 доллар ёки жариманинг қайси суммаси кўпроқ бўлишига боғлиқ равишда битим бўйича мулк қийматининг икки бараварига тенг миқдорда жарима |

кўзда тутган федерал қонун ёки штат қонуни талабларини бажаришдан била туриб бош тортиш;

– пул мағлаблари ёки белгиланган мақсаддаги пул суммаларини АҚШ аҳоли пунктидан АҚШ ташқарисидаги аҳоли пунктига ёки у орқали ташиш ёки ташишга уриниш билан боғлиқ фаолиятни давом эттиришга била туриб ёрдам бериш;

– пул маблағларини ёки белгиланган мақсаддаги пул суммаларини қонуний ташиш, ташишга уриниш ёрдамида даромад манбаларини қасддан яшириш.

---

**Флорида штати:** Жиноятлар тўғрисида кодекс (96-модда) ва банклар ҳамда банк иши тўғрисида Қонун

Молиявий битимда фойдаланилаётган мулк ноқонуний даромаддан эканини билган шахс:

а) битимни амалга оширади;

б) жиноий фаолиятга била туриб ёрдам беради;

в) даромадларнинг асл характери, жойлашган ўрни, манбаини яширади ёки битимни рўйхатга олишни кўзда тутган штат қонуни талабларини бажаришдан бўйин товлайди.

Кредит-пул ҳужжати ёки бошқа пул маблағларини кўчирувчи шахс:

а) жиноий фаолиятга била туриб имконият яратади ёки

б) биладики, кўчирилаётган кредит-пул ҳужжати ёки бошқа пул маблағлари ноқонуний даромад ҳисобланади ва бундай кўчириш ноқонуний мо-

15 йилгача қамоқ жазоси ва 10.000 доллар ёки жариманинг қайси суммаси кўпроқ бўлишига боғлиқ равишда битимда фойдаланилган мулк қийматининг икки баравариға тенг миқдорда жарима

| | |
|---|---|
| лиявий маблағларнинг асл характерини, жойлашган ўрнини ва манбаини яшириш ёки ноқонуний даромадлар оладиган, бундай даромадлар устидан назоратдан ёки битимни рўйхатдан ўтказиш бўйича қонун талабларини бажаришдан бўйин товлайдиган эгасининг мулкини яширишга мўлжалланган. | |
| Банк ходими амалга оширган ҳисобот бериш тўғрисидаги талабни қасддан бузганлик – | 1 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки 10.000 долларгача жарима |
| Шундай хатти-ҳаракат такрор содир этилганда, – | 15 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки 10.000 доллар жарима |
| **Буюк Британия:** наркотиклар савдосига қарши кураш тўғрисида 1986 йилги Қонун, молиявий хизмат тўғрисида 1983 йилги Қонун | |
| Банк ёки бошқа молиявий муассаса ходимининг полицияга ўз мижозларининг ноқонуний операциялари ҳақида ахборот беришдан бош тортганлиги ўз ифодасини топган ҳаракати (ўз гумонлари тўғрисида полицияга хабар берганда жавобгарликдан озод қилинади)<br>Тергов органларини чалғитиш ёки ўтказилаётган текширувга ғов яратиш | 14 йил муддатгача озодликдан маҳрум этиш ва кўп миқдорда жарима |
| **Франция:** 1987 йилги Соғлиқни сақлаш кодекси, 1989 ва 1990 йиллардаги Божхона кодекси ва молия органларининг наркобизнесдан олинган | |

| | |
|---|---|
| пулларни “ювиш” билан курашда иштироки тўғрисидаги Қонун | |
| Наркотик моддалар билан алоқадор ноқонуний битимлардан даромадлар олишга, маблағни яширишга, жойлаштиришга уриниш ёки ёрдам бериш | 2 йипдан 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ва (ёки) 50.000 дан 500.000 франккача жарима |
| Психотроп моддалар билан боғлиқ халқаро молиявий операциялар натижасида олинган пулни олиб чиқиш, олиб кириш, кўчириш, шунингдек, шундай жиноят содир этиш натижасида олинган пулларнинг ўрнини тўлдириш – | 2 йилдан 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш, ноқонуний олинган маблағни мусодара қилиш |
| 5000 франк миқдоридаги нақд пул маблағини божхона декларациясига кўрсатмасдан чет элга олиб чиқиш – | Жиноят содир этиш натижасида олинган маблағнинг 5 баравари миқдорида жарима |
| **Бельгия:** 1990 йилги пулни “ювиш”га қарши кураш тўғрисидаги Қонун, Заҳарли, психотроп, наркотик, дезинфекция ва синтетик моддалар савдоси тўғрисидаги 1992 йилги қонун | |
| Пулни “ювиш” билан боғлиқ ҳаракатлар | 15 кундан 5 йилгача муддатга қамоқ жазоси ва (ёки) жиноий йўл билан топилган мулк ва даромадларни мусодара қилиш билан 1 миллион Бельгия франки миқдорида жарима |
| **Швейцария:** Жиноят кодекси (58,305-бис ва 305 тер. мод. ва бош- | |

| | |
|---|---|
| қалар), 1992 йилги банклар шартли профилактикаси ва капиталларни "ювиш"га қарши кураш бўйича федерал Комиссия Директивалари, молия секторида пулни "ювиш"га қарши кураш тўғрисидаги федерал қонун лойиҳаси | |
| Жиноий йўл билан олинган пул ёки бошқа даромадларни қонунлаштириш – | озодликдан маҳрум этиш, жарима, ноқонуний тўпланган мулкни мусодара қилиш |
| Мижоз тўғрисида маълумотларни текшириш пайтида банк ходимининг эҳтиёткорлик қилмаслиги | |
| Иқтисодий ҳуқуқ эгаси тўғрисида маълумотлар олиш билан боғлиқ молиявий операциялар ўтказиш пайтида банкир ёки молиячининг хушёрлик қилмаслиги | |
| **Россия:** Мутлақо ноқонуний йўл билан топилган пул маблағлари ёки бошқа мулк билан молиявий операцияларни ва бошқа битимларни амалга ошириш, тенг равишда кўрсатилган маблағ ёки бошқа мулкдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиш – | энг кам иш ҳақининг 500 дан 700 бараваригача миқдорда жарима ёки 5 ойдан 7 ойгача муддатга ҳукм қилинганнинг бошқа даромадидан ёхуд энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда жарима билан 4 ойгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки маҳкумнинг бир ойлик иш ҳақи ёки бошқа даромадидан жарима ундириш. |

| | |
|---|---|
| Шундай ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганда; такроран ёхуд ўз хизмат мавқеидан фойдаланган шахс томонидан содир этилганда, – | мол-мулкни мусодара қилиб ёки қилмасдан 4 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум этиш. |
| Юқорида кўрсатилган хатти-ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан ёки кўп микдорда амалга оширилганда, – | мол-мулкни мусодара қилиб ёки қилмасдан 7 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш. |

# БМТНИНГ МАҲБУСЛАР БИЛАН МУНОСАБАТ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

- Маҳбуслар билан муносабатнинг минимал стандарт қоидаси — 1955
- Барча шахсларни қийноқ ва бошқа аянчли, ноинсоний ёки инсон қадр-қимматини поймол этувчи муносабат турлари ва жазодан ҳимоя этиш тўғрисидаги декларация — 1975
- Ҳуқуқий тартибни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодекси — 1979
- Маҳбуслар ёки ушланганларнинг соғлиғини ҳимоя қилишда айниқса, шифокорлар ролига тааллуқли тиббиёт этикаси принциплари...
- Ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишни кафолатлайдиган чоралар — 1984
- Барча шахсларни қийноқ ва бошқа аянчли, ноинсоний ёки инсон қадр-қимматини поймол этувчи муносабат турлари ва жазодан ҳимоя этиш тўғрисида конвенция — 1984
- БМТнинг вояга етмаганларга муносиб жазо қўллашга жўнатишга дахлдор минимал стандарт қоидаси (Пекин қоидалари) — 1985
- Қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, ҳибсга олинган ёки озодликдан маҳкум этилган барча шахсларни ҳимоя қилиш принциплари тўплами — 1989
- БМТнинг озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларнинг ҳимоясига тегишли қоидаси — 1990
- БМТнинг вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун етакчи принциплари (Арриёд принциплари) — 1990
- БМТнинг қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари (Токио қоидаси) — 1991

# ХАЛҚАРО ПЕНИТЕНЦИАР ҲАМКОРЛИК ТАРИХИ

**1-серия халқаро қамоқ Конгресслари**

I. Франкфурт (1846 г.)
II. Брюссель (1947 г.)
III. Франкфурт (1857 г.)

**2-серия халқаро қамоқ Конгресслари**

I. Лондон (1872 г.)
II. Стокгольм (1978 г.)
III. Рим (1985 г.)
IV. Петербург (1890г.)
V. Париж (1895 г.)
VI. Брюссель (1900 г.)
VII. Будапешт (1905 г.)
VIII. Вашингтон (1910 г.)
IX. Лондон (1925 г.)
X. Прага (1930 г.)
XI. Берлин (1936 г.)
XII. Гаага (1950 г.)

**БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муносабат бўйича халқаро Конгресслари**

I. Женева (1955 г.)
II. Лондон (1960 г.)
III. Стокгольм (1965 г.)
IV. Киото (1970 г.)
V. Женева (1975 г.)
VI. Каракас (1980 г.)
VII. Милан (1985 г.)
VIII. Гавана (1990 г.)
IX. Қоҳира (1995 г.)

## ЖАЗОНИ ЎТАШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВАЗИФАЛАРИ



# ЖАЗОГА ҲУКМ ҚИЛИНГАН КИШИЛАР БИЛАН МУНОСАБАТ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ



# 16-мавзу. ХАЛҚАРО ДЕНГИЗ ҲУҚУҚИ

**Халқаро денгиз ҳуқуқи** – халқаро ҳуқуқнинг қадимий тармоғи – денгиз кенгликлари ҳуқуқий тартибини ва ундаги халқаро ҳуқуқ субъектлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳар томонлама фаолиятини тартибга солувчи умумий тан олинган ва махсус принциплар тизими.

Бутун юз йиллар давомида унинг халқаро одатлари амал қилди ва фақат XX асрда денгиз ҳуқуқи нормаларининг комплекс кодификацияси қабул қилинди.

БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича биринчи конференцияси 1958 йилда тўртта Женева конвенциясини қабул қилди, 1960 йилги иккинчи конференция натижасиз якунланди, 1982 йилги учинчи конференция БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенциясини имзолаш билан якунланди. Улардан ташқари денгиз муҳити ифлосланишининг олдини олишга тааллуқли ўндан зиёд конвенция амал қилмоқда.

## ДЕНГИЗ КЕНГЛИКЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ

**Денгиз кенгликлари**

ИЧКИ ДЕНГИЗ СУВЛАРИ – қирғоқдаги давлат суверенитетига тўлиқ бўйсунувчи давлат ҳудудининг таркибий қисмини ташкил қилувчи соҳил бўйи денгиз сувлари

ҲУДУДИЙ СУВЛАР – қирғоқдаги давлат ҳудуди таркибига кирадиган ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган нормалари ҳисоби билан унинг тўлиқ суверенитети остида турадиган, бошланғич чизиқдан 12 миль кенгликда бўлган денгиз тасмаси

ТУТАШ СУВЛАР – ҳудудий сувлар ташқи чегарасига туташ очиқ денгиз минтақаси, ҳудудий сувларда белгиланган қоидаларни бузишнинг олдини олиш мақсадида қирғоқ давлатни назорат қилиш учун ўрнатилади (БМТнинг 1982 йилги денгиз Конвенцияси, 8-модда)

ХАЛҚАРО БЎҒОЗЛАР – очиқ денгиз қисмлари ёки соф иқтисодий зонани боғловчи ва халқаро кемалар сузиши ва авиация қатнови учун фойдаланиладиган табиий торликлар (БМТнинг 1982 йилги денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенцияси, 8-модда)

МИЛЛИЙ ЮРИДИК МАҚОМДАН ТАШҚАРИДАГИ ДЕНГИЗ ТУБИ ВА ОСТИ ҲУДУДЛАРИ – қитъа шельфи ташқарисидаги денгиз ва океанлар тубини ҳамда уларнинг остини қамраб олувчи тушунча

ҚИТЪА ШЕЛЬФИ – денгиз қирғоғининг сув остида давом этиши, бошланғич чизиқдан 350 милдан узоқ бўлмаган материк сув ости қисмининг ташқи чегараси

ИҚТИСОДИЙ ЗОНА – фақат қирғоқ давлат алоҳида тартиб ўрнатиш ҳуқуқига эга бўлган очиқ денгизнинг 200 миллача кенгликдаги ҳудудий денгизга туташ тасмаси

ОЧИҚ ДЕНГИЗ – ҳудудий сувларга ҳам, бирор-бир давлатнинг архипелаг сувларига ҳам кирмайдиган денгиз кенглиги

ХАЛҚАРО КАНАЛЛАР – денгиз ва океанларни боғловчи ва халқаро кемалар қатнови учун фойдаланилувчи сунъий сув йўллари

## ИҚТИСОДИЙ ЗОНА

**Иқтисодий зона** – Аралаш ҳуқуқий тартибли кенглик: қирғоқ давлатнинг мақсадли суверенитети + ноқирғоқ давлатларнинг маълум ҳуқуқлари.

БМТнинг 1982 йилги денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенцияси:

– сувларда, денгиз тубида ва унинг остида табиий бойликларни қидириш, ишлаб чиқариш, уларни бошқариш, табиий ороллар, қурилмалар, иншоотлар қуриш ва фойдаланиш, денгиз илмий тадқиқотлари ўтказиш, денгиз муҳтини муҳофаза қилиш мақсадида қирғоқ давлатнинг суверен ҳуқуқлари;

– ноқирғоқ давлатларнинг ҳарбий денгиз қатнови, сув ости кабелларини ва қувурларини ўрнатишни ҳам қўшган ҳолда кемалар қатнови ва парвозларга доир ҳуқуқини мустаҳкамлаган.




Ҳ. С. – ҳудудий сувлар

– қитъа шельфи

# ҲУДУДИЙ ДЕНГИЗНИ САНАБ ЎЛЧАШ ТАРТИБЛАРИ (АСОСИЙ УСУЛЛАРИ)

1. Энг кўп орқага қайтиш чизиғидан.




2. Агар денгиз қирғоғи чуқур, нотекис ва қингир-қийшиқ бўлса, денгиз қирғоғида мавжуд нуқталарни бирлаштирувчи тўғри бошланғич чизиқдан.




3. Ички денгиз сувларидан.



## ҚИТЪА ШЕЛЬФИ

1958 йилги **қирғоқ шельфи** тўғрисидаги Женева конвенциясига мувофиқ – ҳудуд аралаш ҳуқуқий тартибли кенглик.

Шельф – ҳудудий денгизнинг ташқи чегарасидан чўзилган денгиз тубининг юзаси ва ости:

1) 200 метр қопловчи сув чуқурлигига;

2) ёки ундан нарига, қопловчи сув чуқурлиги шу ҳудуднинг табиий бойликларини ишлаб чиқаришга имкон берадиган жойгача.




Ҳ. С. – ҳудудий сувлар

– қитъа шельфи

17—K-8612



## ҲУДУДИЙ ВА ИЧКИ СУВЛАР



## ИЧКИ СУВЛАР


Ички сувлар
ИЧКИ СУВ ЙЎЛЛАРИ
ИЧКИ ДЕНГИЗ СУВЛАРИ
Ички ва чегара кўллар суви
Ички каналлар сувлари
Чегара ва халқаро дарёлар сувлари
Миллий (ички) дарёлар сувлари
Порт тизимининг таркибий қисми ҳисобланадиган, денгизда анча ажралиб турадиган порт иншоотлари орқали ўтказилган чизиққача бўлган миллий ва халқаро портлар сувлари
Агар у 24 милдан ошмаса қўлтиққа табиий чиқиш пунктлари ўртасидан ўтказилган чизиққача бўлган кўрфаз сувлари
«Тарихий» кўрфазларнинг шу кўрфазларга кириш кенглигидан тўғри бошланғич чизиққача ўтказилган сувлари
Ички денгизлар деб аталадиган, қуруқликка чуқур кириб борган ва битта давлат ҳудуди билан ўралган денгизлар сувлари
Қирғоқ билан тўғри бошланғич чизиқлар ўртасида жойлашган сувлар

## ТУТАШГАН ЗОНА

**Туташган зона –**
ҳудудий сувларда белгиланган қоидаларни бузишнинг олдини олиш мақсадида қирғоқ давлатни назорат қилиш учун ўрнатиладиган ҳудудий сувлар ташқи чегарасига туташ очиқ денгиз ҳудуди

ТУТАШ ЗОНАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

- Божхона зонаси
- Фискаль (солиқ) зонаси
- Санитария зонаси
- Жиноий ва фуқаровий юридик мақомдаги зона
- Хавфсизлик зонаси
- Бетараф зона
- Иммиграция зонаси
- Қалъа зона
- Денгиз назорати зонаси
- Консервация зонаси

## ҚИТЪА ШЕЛЬФИ




## ОЧИҚ ДЕНГИЗ

**Очиқ денгиз** – чегара давлатнинг иқтисодий зонасидан ташқаридаги денгиз кенглиги (БМТнинг 1982 йилги денгиз ҳуқуқи Конвенцияси бўйича).

Очиқ денгиз барча миллатлар учун очиқ ва ҳеч ким очиқ денгиз устидан суверенитетга эга бўла олмайди. Барча давлатлар бошқа давлатларнинг бу эркинликдан фойдаланишдан манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда очиқ денгиз эркинлигидан фойдаланишга ҳақли.



# ОЧИҚ ДЕНГИЗ ТАРТИБИ



## ДЕНГИЗ ТУБИНИНГ ХАЛҚАРО ҲУДУДИ



# ҲАРБИЙ КЕМА: ТУШУНЧАСИ, МАҚОМИ

**БМТНИНГ ДЕНГИЗ ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА 1982 ЙИЛГИ КОНВЕНЦИЯСИ**

«Ҳарбий кема» деганда бирор-бир давлатнинг қуролли кучларига тегишли, бундай кемаларни унинг миллийлигини билдирувчи ташқи белгилари ажратиб туради, мазкур мамлакат хизматида турувчи ва фамилияси ҳарбий хизматчиларнинг тегишли рўйхатига ёки унга тенглаштирилган ҳужжатга киритилган ва доимий ҳарбий интизомга бўйсунган экипажга эга офицер қўмондонлиги остида турган кема тушунилади. (29-модда)




Ҳарбий кема байроғи давлат номини билдиради. Кема фаолияти учун барча жавобгарликни давлат байроғи беради. Турли кемаларнинг байроқлари кеманинг катта-кичиклиги, унинг қуроллари ва бошқа тасвиридан қатъи назар, бир-бирига тенгдир

# ҲАРБИЙ КЕМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ

**Ҳарбий кеманинг ҳуқуқий тартиби**

- ИМТИЁЗЛАРИ ВА ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ
  - Чет давлат юридик мақомидан эркинлик
  - Иложсизлик ва мажбурлаш ҳаракатларидан эркинлик (қўлга олиш, ҳибсга олиш, тинтув ва шу кабилар)
  - Барча турдаги йиғимлардан озод қилиниши (айрим хизматлар учун йиғимлардан)
  - Санитария кўригидан озод қилиниши
  - Божхона текширувидан озод қилиниши ва бошқалар
- ҲУҚУҚИ
  - Очиқ денгизда эркин сузишдан фойдаланиш
  - Мажбурий кириш ҳолларида чет давлатлар портларига кириш
  - Чет эл кемасига мурожаат қилиш, ўзининг мансублигини хабар қилиш ҳуқуқи
  - Катта рангдаги кема кичик кеманинг саломини кутишга ҳақли
  - Кузатув ва алоқанинг истаган техник воситаларидан фойдаланиш
  - Чет эл кемаларини кузатишни амалга ошириш
  - Чет эл ноҳарбий кемаларини (айрим ҳолларда) кўрикдан ўтказиш ҳуқуқи
  - Чет эл ноҳарбий кемаларини таъқиб қилиш ҳуқуқи (аниқ ҳолларда)
- МАЖБУРИЯТЛАРИ
  - Денгиз қатнови масалалари бўйича халқаро битимлар ва миллий қонунчиликка риоя қилиш
  - Ҳудудий сувлар, халқаро бўғозлар ва каналлардан ўтиш қоидаларига риоя қилиш
  - Халқаро кемалар саломига жавоб бериш
  - Чет эл кемалари билан хавфли яқинлашишга йўл қўймаслик
  - Мамлакатнинг Халқаро денгиз ҳуқуқи бузилгани тўғрисида чет эл кемаларини огоҳлантириш

## ЧЕТ ЭЛ КЕМАСИ



## ЧЕТ ДАВЛАТЛАРНИНГ ҲУДУДИЙ СУВЛАРИДА ВА ПОРТЛАРИДА ҲАРБИЙ КЕМАЛАР УЧУН ТАҚИҚЛАНГАН ҲАРАКАТЛАР



# ХАЛҚАРО БЎҒОЗЛАР: ТУШУНЧАСИ ВА КЛАССИФИКАЦИЯСИ

**Халқаро бўғозлар –** очиқ денгиз қисмлари ёки соф иқтисодий зоналарни боғловчи ва халқаро кемалар сузиши ва авиация қатнови учун фойдаланиладиган табиий бўғозлар

БЎҒОЗЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

- Очиқ денгизларни қўшувчи ва дунё сув йўллари аҳамиятига эга, очиқ денгиз тартиби қўлланиладиган бўғозлар
  - Гибралтар, Магеллан, Ла-Манш ва бошқалар
- Очиқ денгизни ёпиғи билан қўшувчи бўғозлар. Улар фойдаланишга дахлдор битимлар билан тартибга солинади
  - Қора денгиз, Болтиқ денгизи, Сингапур денгизи ва бошқалар
- Давлатнинг ички сувлари ва улардан фойдаланиш тартиби мазкур давлат ҳисобланадиган давлат томонидан белгиланадиган бўғозлар
  - Керчь, Оқ денгиз бўғози, Норвегия бўғозлари ва бошқалар

# СУВАЙШ КАНАЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ



## 17-мавзу. ХАЛҚАРО ҲАВО ҲУҚУҚИ



**Халқаро ҳаво ҳуқуқи** – коинотдан фойдаланиш натижасида халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солувчи принциплар ва нормалар тизими.

Халқаро ҳаво ҳуқуқининг асослари Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида 1944 йилги Конвенция (1962, 1971, 1973 ва 1984 йиллардаги барча тузатишлар билан), 1929 йилги Халқаро ҳаво юк ташувига тааллуқли баъзи қоидаларни унификациялаш конвенцияси, учинчи шахсларнинг ҳорижий ҳаво кемалари туфайли келтирилган зарарлари тўғрисида 1952 йилги конвенциялардан ташкил топади.

Фуқаро авиацияси масалалари билан маҳсус (ихтисослашган) Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ФАХТ) шуғулланади.

# ҲАВО ҲУДУДИНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТИ



## ХАЛҚАРО ҲАВО ҲУҚУҚИ ПРИНЦИПЛАРИ



18—K-8612



# ҲАВО ЭРКИНЛИГИ

**Ҳаво эркинлиги бўйича 1944 йилги Чикаго конвенцияси**

- Хорижий давлатлар ҳудуди орқали қўнмайдиган транзит парвозларини бажариш ҳуқуқи
- Кемада байроғи бўлган мамлакатга хорижий ҳудуддан йўловчи, юк ва почта олиб келиш ҳуқуқи
- Тижорат мақсади билан хорижий ҳудудларга қўниш ҳуқуқи (йўловчи, юк, почта олиш ёки тушириш ҳуқуқисиз)
- Хорижий ҳудуддан бортга олинган йўловчи, юк, почтани ҳар қандай учинчи мамлакатга ташиб келтириш ёки уларни шу ҳудуддан бошқа ҳар қандай мамлакатга ташиб кетиш
- Кемада байроғи бўлган мамлакатдан улар ҳудудига бортда йўловчи, юк, почта ташиб келтириш ҳуқуқи

# ХАЛҚАРО ҲАВО ҲУҚУҚИНИНГ АСОСИЙ ШАРТНОМАЛАРИ

**Чикаго тизими шартномалари**

• Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция (Чикаго, 1944 йил)

• Фуқаро авиацияси Халқаро ташкилоти Низоми (Чикаго, 1944 йил)

• Халқаро ҳаво линиялари бўйича транзит тўғрисида битим ("Ҳавонинг икки ёқлама эркинлиги" ҳақида, Чикаго, 1944 йил)

• 1992 йилдаги очиқ осмон шартномаси

**Варшава тизими шартномалари**

• Халқаро ҳаво юк ташувига тааллуқли баъзи қоидаларни унификациялаш учун конвенция (Варшава, 1929 йил), 1955 йилдаги Гаага баённомаси

• Халқаро линияда самолётда юк ташувчининг жавобгарлиги тўғрисида конвенция (Варшава, 1929 йил)

**Рим тизими шартномалари**

• Юқоридан хорижий ҳаво кемаси ёки учинчи шахслар томонидан келтирилган зарар тўғрисида конвенция (Рим, 1952 йил)

• 1952 йилги конвенцияга Қўшимча баённома (Рим, 1978 йил)

**Фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашиш тўғрисидаги шартномалар**

• Ҳаво кемаси бортида жиноятчилик ва бошқа ҳаракатлар тўғрисида Конвенция (Токио, 1963 йил)

• Ҳаво кемасини ноқонуний эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисида Конвенция (Гаага, 1970 йил)

• Фуқаро авиацияси хавфсизлигига раҳна солувчи ноқонуний хатти-ҳаракатларга қарши кураш тўғрисида конвенция (Монреаль, 1971 йил) ва унга 1988 йилги Қўшимча баённома.

# 18-мавзу. ХАЛҚАРО КОСМОС ҲУҚУҚИ

**Халқаро космос ҳуқуқи** – космик ҳудуд, Ой ва бошқа осмон жисмларининг ҳуқуқий тартибини белгилайдиган ва космик ҳудудни тинч мақсадда тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишда халқаро ҳуқуқ субъектларининг ҳамкорлигини тартибга соладиган принциплар ва нормалар тизими.

Халқаро космос ҳуқуқи қатор халқаро конвенцияларни ўз ичига олиб, улар ичида 1967 йилдаги Космик бўшлиқлар, Ой ва бошқа осмон жисмларидан фойдаланиш ва тадқиқ қилиш бўйича давлатларнинг фаолият тамойиллари тўғрисидаги шартнома, 1968 йилдаги Космик бўшлиққа ўтказиб юборилган объект ва космонавтларни қайтариш, космонавтларни қутқариш тўғрисидаги битим, 1975 йилдаги Космик бўшлиққа ўтказиб юборилган объектларни қайд этиш тўғрисидаги конвенция, 1972 йилдаги Космик объектлар туфайли келтирилган зарар учун Халқаро жавобгарлик тўғрисидаги конвенция ва бошқалар асосий ўрин эгаллайди

# КОСМИК БЎШЛИҚНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ



# ХАЛҚАРО КОСМОС ҲУҚУҚИ МАНБАЛАРИ



# ХАЛҚАРО КОСМОС ҲУҚУҚИ ПРИНЦИПЛАРИ



# ДАВЛАТЛАР КОСМИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



# 19-мавзу. ХАЛҚАРО НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИ

**Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг халқаро ҳуқуқий воситалари** – халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро ҳуқуқ ва адолат асосий принципларига кўра давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишнинг тарихан юзага келган институтлари тизими.

Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш – ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий принципларидан бири. Бу принцип БМТ Устави ва 1975 йилги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши Якунловчи акти билан мустаҳкамланган.

# ХАЛҚАРО НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИ ТУРЛАРИ

**Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг халқаро ҳуқуқий воситалари турлари**

ТУРЛАРИ

- *Бевосита музокаралар* – турли масалаларда битимга келиш учун низолашаётган (келишмаётган) давлатлар ўртасида фикр алмашиш ва алоқа ўрнатиш
- *Хайрли хизматлар* – низоларни тинч йўл билан ҳал этиш учун томонлар ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни ўрнатувчи, мазкур келишмовчиликка алоқаси бўлмаган давлатлар ёки халқаро ташкилотларнинг ҳаракати мажмуи
- *Воситачилик* – низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида мазкур низога алоқаси бўлмаган давлат ёки халқаро ташкилотларнинг кўмаги
- *Халқаро тергов тадбирлари (текширув)* – халқаро ташкилот томонидан давлатлараро келишмовчиликка асос бўлаётган аниқ ҳолатлар ва доимий маълумотларни текшириб кўриш
- *Халқаро келиштирув тадбирлари* – томонлар ўртасида вужудга келган келишмовчиликларнинг битим лойиҳасини тайёрлаш мақсадида нуфузли идоралар томонидан текшириб кўриш
- *Халқаро ҳакамлик (бетараф вакиллар суди)* – низолашган томонларнинг битимда белгиланадиган таркиби ва фаолият тартиби, шунингдек ҳуқуқий нормалари
- *Халқаро суд* – халқаро шартнома асосида тузилган ва халқаро низоларни суд йўли билан ҳал этувчи доимий орган
- Низоларни халқаро ташкилотларда ҳал этиш
- Низоларни бошқа воситалар билан ҳал этиш

# ИХТИЛОФЛАР ВА УЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ ВОСИТАЛАРИ



## ХАЛҚАРО ЗИДДИЯТЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ МАНБАЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ



# БЕВОСИТА ДИПЛОМАТИК МУЗОКАРАЛАР



# УРУШНИ ТЎХТАТИШ ВА ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИ



# ХАЛҚАРО БЕТАРАФ ВАКИЛЛАР (ҲАКАМЛАР) МУҲОКАМАСИ

**Халқаро ҳакамлар ёки бетараф вакиллар суди** – бу низолашаётган томонларнинг баҳсларини учинчи давлат ҳал этиш (тергов ва келиштирувчи комиссиялардан фарқли равишда) зарурлиги туфайли бетараф вакиллар томонидан ихтиёрий ташкил этилган муҳокама

БЕТАРАФ ВАКИЛЛАР (АРБИТРАЖ) МУҲОКАМАСИ ТУРЛАРИ

*Ҳимояланган*

Муайян низони ҳал этиш учун келиша олмаётган томоннинг розилиги билан ташкил этилади

*Институцион ёки мажбурий*

Манфаатдор бўлмаган бетараф томоннинг давлатлар ўртасида кейинчалик келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиши учун илгаридан мажбурият оладиган махсус келишув

*Доимий*

Бетараф вакиллар судининг Доимий Палатаси Гаагада жойлашган

# ЯДРО УРУШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИ

**ЯДРО УРУШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИ**

СССР ва АҚШ ўртасида ядро урушини бартараф этиш тўғрисида 1973 йилги битимда қуйидагилар баён қилинади:

Ядро уруши чиқиши имкониятини йўқотиш учун улар ўртасида кескинлаштирувчи ҳолатни йўқотиш, ҳарбий қарама-қаршиликдан воз кечиш (1-модда).

Куч билан таҳдид қилишдан ёки унинг бир томондан иккинчи томонга ёхуд бошқа мамлакатларга қўлланиши халқаро тинчлик ва хавфсизликка хавф туғдириши ҳолатларида ундан сақланиш (2-модда).

Ядро хавфига оид қалтис вазиятлар келиб чиққанда бир-бирлари билан дарҳол бамаслаҳат иш кўришлари (4-модда). Унинг натижалари хусусида БМТ Хавфсизлик Кенгашига, БМТ Бош котибига, иттифоқдош ва бошқа мамлакатларга хабар беришлари

СССР ва Буюк Британия ўртасида тўсатдан ядро уруши келиб чиқишини бартараф этиш чораларини кўриш учун қабул қилинган битимда қуйидаги мажбуриятлар келтирилади:

Ядро қуролини эълон қилмаган ҳолда тўсатдан қўлланилишининг олдини олиш, бартараф этишнинг техник чораларини такомиллаштириш.

Ядро билан боғлиқ эълон қилинмаган ҳар қандай ишлар юзасидан ўз вақтида бир-бирлари билан ахборот алмашиш.

Сўровлар жараёнида бевосита алоқа тармоғидан фойдаланиш ва ҳоказолар.

СССР ва Франция ўртасида тўсатдан ёки эълон қилинмаган ҳолда ядро қуролини ишлатишни бартараф этишга доир 1976 йилги хат-хабар алмашишда шундай тасвиялар берилади:

Ядро қуролини тўсатдан қўлланишга оид ташкилий ва техник чора-тадбирлар қабул қилиш.

Бевосита алоқа тармоғидан фойдаланиб, ядро билан боғлиқ ишлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қилиш ва бошқалар.

# БМТ ВА НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ



# ЕХХК ДОИРАСИДА НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**ЕХХК ДОИРАСИДА НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАДБИРЛАРИ. ВАЛЕТТА, 1991 ЙИЛ**

Давлатнинг бир томонлама мурожаатидан сўнг шу давлатга низолар юзасидан маслаҳат ёки тавсиялар берувчи махсус «ЕХХК низоларни ҳал этиш механизми» яратилган

**МУРОСАГА КЕЛТИРИШ ВА ҲАКАМЛИК БЎЙИЧА КОНВЕНЦИЯ. СТОКГОЛЬМ, 1992 ЙИЛ**

Давлатлардаги низоларни ҳал этишнинг икки босқичли тизими кўзда тутилган: томонларнинг икки ёқлама келишуви ёки давлатнинг бир ёқлама сўрови билан тузиладиган муроса комиссияси ва ҳакамлик трибунали

**ЕХХКнинг МУРОСАГА КЕЛТИРИШ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИ ҚАРОРИ**

Давлатларнинг илгаридан келишуви ва ўзаро алоқадорлиги шароитида муросага келтириш бўйича комиссиянинг аралашиш имкониятлари кўриб чиқилади. Унинг қарори томонлар учун мажбурий деб тан олинади

**ДИРЕКТИВ МУРОСАГА КЕЛТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР. СТОКГОЛЬМ, 1992Й.**

ЕХХК Вазирлар Кенгаши ва катта мансабдор шахс Комитети низоли томонларни муросага келтириши ёки низони ЕХХК муросага келтириш комиссиясига кўриб чиқиш учун буюриши белгиланган

## ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИ ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ



# ТИНЧЛИК ЗОНАСИ



# ҲУДУДНИ ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИШ ВА НЕЙТРАЛЛАШТИРИШ

**Ҳудудни қуролсизлантириш ва нейтраллаштириш**

| ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИШ | НЕЙТРАЛЛАШТИРИШ |
| --- | --- |
| Халқаро шартнома асосида муайян ҳудуддаги ҳарбий иншоотларни бартараф қилиш, шунингдек уларда ҳарбий база ва қўшинлар, қурол-аслаҳалар сақлашни тақиқлаш | Халқаро шартномада кўзда тутилганидек, ҳар қандай ҳудудни уруш ҳаракатлари саҳнасига айлантиришни тақиқлаш |
| Антарктида, Аланд архипелаги, Мальта ороли, Ой, бошқа осмон жисмлари ва бошқаларни тўла қуролсизлантириш | Сувайш ва Панама каналлари, Магеллан бўғози, Шпицберген архипелаги ва бошқалар |
| Урушдан кейинги қуролсизлантиришдан сўнг Германия, Японияни қисман қуролсизлантириш | Ҳудудни нейтраллаштириш уларни қуролсизлантиришнинг давомчиси бўлиши мумкин (Шпицберген) |

# 20-мавзу. ҚУРОЛЛИ МОЖАРОЛАР ДАВРИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ
## (халқаро гуманитар ҳуқуқ)



**Қуролли можаролар даврида халқаро ҳуқуқ** – халқаро ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, кўплаб конвенциялар унга асос қилиб олинган. Улар жумласига: 1907 йилги уруш қонунлари ва удумлари тўғрисидаги 13-Гаага конвенцияси; Урушда кимёвий ва бактериологик қуроллардан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги 1925 йилги Женева баённомаси; "Сайланмайдиган қурол-яроғни тақиқлаш тўғрисида"ги 1980 йилги Конвенция ва бошқалар киради.

Гарчи ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи урушни тақиқласа ҳам, бироқ урушларнинг халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланмаган айрим турлари мавжуд. Улар:

- БМТ Уставининг 51-моддасига мувофиқ агрессиядан ўзини мудофаа қилиш тартибидаги уруш;
- миллий-озодлик уруши; – агрессия юз берган тақдирда ўзаро ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномага кўра олиб бориладиган уруш;
- БМТ Уставининг 42-моддасига мувофиқ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарори қабул қилинган тақдирда урушга киришишдан иборат.

Барча ҳолларда ҳам урушувчи томонлар халқаро ҳуқуқнинг уруш олиб бориш воситалари ва усулларига ҳамда урушдан жабрланганларни ҳимоя қилишга доир барча амалдаги нормаларга қатъий риоя қилишлари керак.

"Уруш – одамлар ўртасидаги эмас, балки давлатлар ўртасидаги муносабатдир; одамлар инсоний мавжудот ва ҳатто фуқаро сифатида эмас, балки аскар сифатида; ўз мамлакатида яшовчи сифатида эмас, балки унинг ҳимоячиси сифатида тасодифан душманга айланадилар...

Агар урушнинг мақсади душман давлатни йўқ қилиш бўлса, у ҳолда иккинчи томон унинг ҳимоячиларини, улар қўлида қурол ушлаб турар экан, йўқ қилишга ҳақлидир, бироқ улар қуролни ташлаб таслим бўлсалар, душман қўлида восита бўлишдан тўхтайдилар ва яна шахсни ҳаётдан жудо қилиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган оддий одамларга айланадилар".

*Жан-Жак Руссо.*
*"Жамоат шартномаси тўғрисида",*
*1762 й.*

# УРУШ БОШЛАНИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ



# ҚУРОЛЛИ МОЖАРОЛАР ҚАТНАШЧИЛАРИ



# УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИ



# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР



## ДЕНГИЗ УРУШИДА КОМБАТАНТЛАР



# ФУҚАРО ШАХСЛАР ВА КОМБАТАНТ МАҚОМИНИНГ НИСБАТИ

| Фуқаро шахс | Комбатант |
|---|---|
| | ***Хатти-ҳаракати*** |
| Жанговар ҳаракатларда қатнашмайди | Жанговар ҳаракатларда қатнашади |
| | ***Ҳуқуқи*** |
| Қўлига қурол олишга ва уни душманга қарши қўллашга ҳақли эмас | Душманнинг жонли кучи, техникаси ва бошқа объектларини йўқ қилиш ҳуқуқига эга (ХГҲ доирасида) |
| | ***Жавобгарлиги*** |
| Фақат қўлига қурол олганлиги учун таъқиб қилиниши ва жазоланиши мумкин | Жанговар ҳаракатларда қатнашганлиги ва куч ишлатганлиги учун таъқиб қилиниши мумкин эмас |
| | ***Ҳужумдан ҳимояланиш*** |
| Унга ҳужум қилиш тақиқланади | Унга ҳужум қилишга руҳсат берилади, у ҳарбий мақсад ҳисобланади |
| | ***Душманнинг муносабати қандай бўлиши керак?*** |
| Халқаро гуманитар ҳуқуқ уни ҳурмат қилишни ва ҳар қандай вазиятда унга инсонпарварларча муносабатда бўлишни талаб қилади | Душман томонидан асир қилиб олинганда ҳуқуқлардан фойдаланади ва ҳарбий асир мажбуриятларини бажаради |

## УРУШ ОЛИБ БОРИШ ВОСИТАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ



# УРУШ ОЛИБ БОРИШНИНГ ТАҚИҚЛАНГАН УСУЛЛАРИ

**Уруш олиб боришнинг тақиқланган усуллари**

- Душман қўшинларига тегишли шахсларнинг хиёнаткорона ўлдирилиши ёки ярадор қилиниши
- Миллий ва халқаро эмблемалар, сигналлар ва байроқлардан уларнинг вазифасига номувофиқ фойдаланиш
- Маълумот олиш учун калтаклаш, маҳкорлик ишлатиш, геноцид, апартеид, гаровга олиш
- Парламентёр ва унга ҳамроҳлик қилган шахсларни (карнайчи, сурнайчи, барабанчини) ўлдириш
- Шаҳар ёки аҳоли яшайдиган жойни талашга йўл қўйиш, маҳаллий аҳолига нисбатан террор ўтказиш, аҳоли орасидаги очликдан фойдаланиш
- Санитария муассасалари, госпитал кемалар, госпитал ходимларининг транспортлари, самолётига ҳужум қилиш, бомбардимон қилиш ёки йўқ қилиш
- Душманнинг куролни ташлаган ёки ҳимояланиш воситасига эга бўлмай асирга тушган шахсларини ўлдириш ёки ярадор қилиш
- Қарши томон шахсларининг ўз мамлакатига қарши ҳарбий ҳаракатларда қатнашишга мажбур қилиниши
- Сафдан чиққан шахсларга, шунингдек ҳалокатга учраган учувчи аппаратни тарк этаётган шахсларга ҳужум қилиш (Ҳарбий Ҳаво десанти қўшинларига тегишли шахслар бундан мустасно)
- Ҳарбий зарурият тақозо этмасада, душман мол-мулкини қириш ёки босиб олиш
- Қирғоқ балиқчилиги ёки маҳаллий денгиз кемаларини, госпитал кемаларини, илмий ёки диний функцияларни бажарувчи бошқа кемаларни босиб олиш
- Ҳарбий мақсадларда фойдаланилмайдиган ҳимоясиз шаҳарлар, портлар, қишлоқлар, тарихий ёдгорликлар, қасрлар, госпиталларни бомбардимон қилиш
- Ҳеч кимни тирик қолдирмаслик ҳақида буйруқ бериш, бу билан қўрқитиш ёки ушбу асосда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш
- Маданий бойликлар, тарихий ва бошқа ёдгорликлар, ибодат қилинадиган жойларнинг йўқ қилиниши ёки ҳарбий ҳаракатларда муваффақиятни таъминлаш учун улардан фойдаланиш ва бошқалар

# УРУШДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРГА НИСБАТАН ТАҚИҚЛАНГАН ҲАРАКАТЛАР

**Урушдан жабрланганларга нисбатан тақиқланган ҳаракатлар**

Ҳаётга ва жисмоний дахлсизликка тажовуз: ўлдириш, майиб қилиш, зулм ўтказиш, калтаклаш, қийнаш

Коллектив равишда жазолаш, тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказиш

Инсон қадр-қимматига тажовуз қилиш, жумладан, таҳқирловчи ва камситувчи муносабат

Цивилизациялашган миллатлар томонидан эътироф этилган суд кафолатлари мавжуд бўлган тақдирда зарур тартибда таъсис этилган суд томонидан олдиндан чиқарилган суд қарорисиз жазонинг қўлланилиши

Тинч аҳоли ёки айрим шахсларнинг ҳужум объектига айлантирилиши

Ҳужум қилиш одамларнинг кўплаб нобуд бўлишига, тинч аҳоли орасида ярадорлар борлигига ёки хўжалик объектларига зарар етказилишига сабаб бўлганлиги маълум бўлсада, тинч аҳоли ёки хўжалик объектларига дахл қилувчи бетартиб тусдаги ҳужум

Одамларнинг кўплаб нобуд бўлишига, тинч аҳолининг ярадор бўлишига сабаб бўладиган ёки хўжалик объектларига зарар етказиши маълум бўлган хавфли кучга эга бўлган қурилма ёки иншоотга ҳужум қилиш

20—К-8612

# УРУШ ОЛИБ БОРИШНИНГ ТАҚИҚЛАНГАН ВОСИТАЛАРИ

**Уруш олиб боришнинг тақиқланган воситалари**

- Инсон танасида енгил айланадиган ёки шаклини ўзгартирадиган ўқлар
- Бўғувчи ёки зарарли газларни тарқатиш бирдан-бир вазифаси бўлган снарядлар
- Портловчи зарба берадиган ёки таркибида ёнувчи модда бўлган камида 400 грамм оғирликдаги снарядлар
- Заҳарлар, заҳарланган қурол, бўғувчи, заҳарли ва бошқа шунга ўхшаш газлар, бактериологик (биологик) ва кимёвий қурол
- Кенг ёки узоқ муддатли жиддий оқибатларга олиб келадиган табиий муҳитга таъсир кўрсатиш воситалари
- Ҳаддан ташқари азоб берадиган ёки қийнайдиган танада билинмайдиган снаряд парчалари, тузоқ-миналар, ёндирувчи қурол ва бетартиб ҳаракат қиладиган оддий қуролларнинг бошқа турлари

## УРУШНИНГ ТАМОМ БЎЛИШИ



## ҲАРБИЙ ОККУПАЦИЯ ТАРТИБИ

### Уруш вақтида тинч аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1949 йилги Женева конвенцияси бўйича

**Ҳарбий оккупация** – ҳарбий-ҳуқуқий тартиб бўлиб, унда:

Бир давлат қуролли кучлари душман давлатнинг ҳудудини вақтинча эгаллаб олади ва қўлида тутиб туради

Босқинчи янги ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш йўли билан ҳарбий назорат ва фуқаролик бошқаруви функцияларини амалга оширади

Босиб олинган ва босиб олган давлатлар ўртасида уруш ҳолати давом этади

Босиб олинган ҳудудга нисбатан суверенитет босқинчига ўтмайди ва у ҳуқуқнинг илгариги тизимини тўлиқ тугатишга ҳаққи бўлмайди

Босиб олинган ҳудуддаги давлатлараро муносабатлар халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади

Уруш тамом бўлгандан кейин босиб олишга нисбатан муносабат шартнома тартибида тугатилиши керак

## УРУШДА БЕТАРАФЛИК




Халқаро ҳуқуқда ва давлатларнинг халқаро амалиётида "хайрихоҳ", "тўлиқ", "мутлақ" бетарафлик, шунингдек, бетараф давлатни урушаётган давлат билан, урушдаги бетарафликни бетараф сиёсат билан тенглаштириш мумкин эмас.

**Урушда жабр кўрганларни ҳимоя қилиш** – конвенциянинг барча урушаётган томонлар бажариши мажбурий бўлган талаби.

Урушда жабр кўрганлар – урушда қатнашмаётган ёки муайян вақтдан бўён бунда қатнашишни тўхтатган ярадорлар ва касаллар, ҳарбий асирлар, тинч аҳоли ва бошқа шахслар.

Урушда жабр кўрганларни ҳимоя қилишга урушда жабр кўрганларни ҳимоя қилиш тўғрисида 1949 йилги тўртта Женева конвенцияси, унга 1977 йилги иккита Қўшимча баённома бағишланган. Конвенция ва Баённомалар Ўзбекистон Республикаси учун ҳам амал қилади.

Урушда жабр кўрганларни ҳимоя қилишда ҳомий давлат (бетараф томон) ва Штаб-квартираси Швецияда жойлашган Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро Қўмитаси (ҚХХҚ) катта роль ўйнайди.

Урушда жабр кўрганларни ҳимоя қилишга доир халқаро нормаларга риоя қилмаслик халқаро жиноят ҳисобланади.

## ЯРАДОРЛАР ВА БЕМОРЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ




Армияларнинг санитария хизматлари фарқланувчи эмблемага (ёрлиққа) эга. Швейцарияга ҳурмат билдирилган ҳолда федерал рангларнинг тескари жойлашиши йўли билан ҳосил бўладиган оқ отдаги қизил хочнинг геральдик белгиси армия санитар хизмати эмблемаси ва фарқланувчи белгиси сифатида сақланиб қолади (қизил хоч ўрнига қизил ярим ой ёки қизил шердан ва оқ матодаги қуёшдан фойдаланиш мумкин).

Бундай эмблемалар тиббиёт-санитария ходимларининг чап енгида, бош кийимида; санитария кемалари ва санитария учувчи аппаратлари ва санитария транспортларида, машиналар, кемалар ва учувчи аппаратларнинг бортларида бўлиши мумкин.

Тиббиёт-санитария ходимларига ва санитария транспортларига, машиналар, кемалар ва учувчи аппаратларга ҳужум қилиш ҳарбий жиноят ҳисобланади.

## ҲАРБИЙ АСИРЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ




Ҳарбий асир – қуролсизлантирилган душман, бироқ жиноятчи эмас.

Ҳарбий асир асирга тушганда душманга ўз исми, фамилиясини, туғилган йили ва ҳарбий унвонини, шунингдек жетон ёки медальон рақамини айтиши керак.

# ФУҚАРО (ТИНЧ) АҲОЛИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ




Уруш вақтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш Уруш вақтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида 1949 йилги тўртинчи Женева конвенцияси ва 1977 йилги I ва II Қўшимча баённома доирасида амалга оширилади.

Хотин-қизлар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, шунингдек, болалар ва кексалар алоҳида ҳимоя қилинади.

Фуқаро аҳолига нисбатан конвенция нормаларининг бузилиши ҳарбий жиноят ва инсониятга қарши жиноят ҳисобланади (ҚХХТ Уставининг 6-моддаси).

# УРУШДА ЖАБР КЎРГАНЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАРИ




Урушда жабр кўрганларни халқаро ҳимоя қилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Қизил Хоч Халқаро Кўмитаси ва бетараф давлатлар (ҳомий давлатлар) доирасида амалга оширилади.

Ҳарбий асирлар ишлари бўйича марказий маълумот бюроси урушаётган томонларнинг ярадорлари, беморлари, ҳарбий асирлари ҳисобини юритади, рўйхатларни манфаатдор давлатларга беради. Ҳарбий асирларнинг бетараф мамлакатда ва ҚХХҚда сақланиши учун товон пули тўланиши зарур.

Ўт очиш тўхтатилгандан кейин дастлабки ҳаракатлар ва тинч муносабатлар ўрнатилиши – ҳарбий асирларни айирбошлаш, бетараф давлат томонидан ушлаб турилган ва кўчирилган шахсларнинг қайтарилиши, ҳалок бўлганлар ва дафн этилганларни аниқлаш лозим. Барча маълумотлар ҳалок бўлганларни идентификациялаш ва уларнинг шахсини аниқлаш.

# АГРЕССИЯ

**Агрессия** деб, бир давлатнинг бошқа давлатнинг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши қуролли зўравонлик билан ёки БМТнинг Уставига (БМТ Бош Ассамблеясининг 1974 йил 11 декабрда қабул қилган 3314/XXXIX Резолюциясига) зид бўлган бошқа ҳар қандай тарздаги тажовузига айтилади.

Бунинг учун давлатлар сиёсий ва моддий жавобгарликка тортиладилар, агрессияни келтириб чиқаришда ва агрессия уруши олиб боришда айбдор бўлган жисмоний шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Агрессия учун давлатлар ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги ҳозирги даврнинг хос белгиси ҳисобланади.

Бу жиҳатдан Халқаро Ҳарбий Трибунал Уставига, ҳарбий жиноятларга ва инсониятга қарши жиноятларга нисбатан муддатнинг ўтишини қўлламаслик тўғрисидаги Конвенцияга, давлатлар амалиётига муҳим эътибор берилади.

Ашаддий немис ва япон ҳарбий жиноятчиларини суд қилган Нюрнберг ва Токио трибуналларининг қарорлари бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшди, унинг ҳужжатлари эса келгусида рўй бериши мумкин бўлган процесслар учун асос бўлувчи ҳужжат сифатида тарихда қолди.

# АГРЕССИЯ СИФАТИДА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИНАДИГАН ҲАРАКАТЛАР

**АГРЕССИЯ СИФАТИДА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИНАДИГАН ҲАРАКАТЛАР:**

Давлат томонидан биринчи бўлиб Уставни бузган ҳолда қуролли куч ишлатилиши агрессия ҳаракатига далолат prima facie бўлиб ҳисобланади.

Уруш эълон қилинишидан қатъи назар, қуйидаги ҳаракатларнинг ҳар қайсиси агрессия сифатида квалификация қилинади:

- Бир давлат қуролли кучларининг бошқа давлат ҳудудига бостириб кириши ёки ҳужуми ёхуд бундай бостириб кириш ёки ҳужум натижаси бўлган ҳамда, қанчалик вақтинчалик хусусият касб этишидан қатъи назар, ҳар қандай ҳарбий оккупация ёки бошқа давлат ҳудудида куч ишлатиш билан қилинган ҳар қандай аннексия
- Бир давлат қуролли кучларининг бошқа давлат ҳудудини бомбардимон қилиши ёки бир давлат томонидан бошқа давлатга ёки унинг бир қисмига қарши ҳар қандай қуролли ҳаракат
- Бир давлат қуролли кучлари томонидан бошқа давлат портлари ва қирғоқлари қамал қилиниши
- Бир давлат қуролли кучлари томонидан бошқа давлатнинг қуруқликдаги, денгиздаги ёки ҳаво кучларига ёхуд денгиз ва ҳаво қўшинларига ҳужум қилиниши
- Бошқа давлат ҳудудида турган бир давлат қуролли кучларини уни қабул қилган давлат билан келишув битимида назарда тутилган шартларни бузган ҳолда қўлланилиши ёки битимнинг амал қилиши тўхтагандан кейин ҳам уларни бундай ҳудудда бўлишларининг давом этиши
- Ўз ҳудудини бошқа давлат ихтиёрига берган давлатнинг бошқа давлат томонидан учинчи давлатга нисбатан агрессия ҳаракатини содир этиш учун фойдаланиш ҳаракати
- Давлат томонидан ёки давлат номидан қуролли тўдалар, гуруҳлар ёки мунтазам кучлар ёки ёлланганларнинг юборилиши, уларнинг бошқа давлатга қарши юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаракатга тенг равишда жиддий қуролли куч ишлатиши

# АГРЕССИЯ УЧУН ДАВЛАТЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ



# АГРЕССИЯ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ. ДАЪВО МУДДАТИ




Биринчи жаҳон урушидан кейин ғолиб мамлакатлар жаҳон уруши бошлаб юборилганлиги учун Кайзер Вильгельмни жиноий жавобгарликка тортишга уриниб кўрдилар. Бироқ ушбу уринишлар муваффақият қозонмади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ашаддий немис ва япон ҳарбий жиноятчилари жиноий жавобгарликка тортилди (ва қатл этилди). НСДАП, СС ва СД жиноятчи деб эълон қилинди ва тақиқланди. Германияда антимиллатчилик тадбири ўтказилди, яъни НСДАПнинг давлат ва жамоат ташкилотларида ўрнашиб олган энг фаол партиявий бошлиқлари раҳбарлик лавозимларидан ҳайдалди.

# 21-мавзу. ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ҲУҚУҚИ

**Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи** – халқаро ҳуқуқнинг ўз махсус принциплари ва нормалари бўлган янги соҳаларидан биридир. Ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқнинг ушбу соҳаси блоклар тизимининг барбод бўлиши, "социалистик лагер"нинг тугатилиши, умуминсоний қадриятларнинг биринчи ўринга чиқиши ва БМТ ва унинг асосий органларининг роли ошиши билан боғлиқ жаҳон ҳамжамиятидаги сифат ўзгаришларига учрамоқда.

Қуролланиш пойгасини чеклаш ва қуролсизланиш, демилитаризация ва нейтрализация, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари, марказий бўғини БМТ Бош Ассамблеяси ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳисобланган коллектив хавфсизлик тизими халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг таркибий қисмлари ҳисобланади.

# ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ҲУҚУҚИ

**Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи**

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИГА МУВОФИҚ БЎЛГАН, ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ВА ДАВЛАТЛАР ТОМОНИДАН АГРЕССИЯ ҲАРАКАТИГА ВА ХАЛҚЛАРНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИГА ХАВФ СОЛУВЧИ ВАЗИЯТЛАРГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРНИ ҚЎЛЛАШГА ҚАРАТИЛГАН КОЛЛЕКТИВ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚА УСУЛЛАР ЙИҒИНДИСИ**

*ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИ:*

- низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари
- коллектив хавфсизлик (ялпи ва минтақавий)
- қуролланиш
- қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва халқаро кескинликни юмшатиш чора-тадбирлари
- ядро урушининг олдини олиш чора-тадбирлари
- қўшилмаслик ва бетарафлик
- агрессия ҳаракатларига қарши кураш чоралари, ўзини ўзи мудофаа қилиш
- халқаро ташкилотларнинг ҳаракати
- айрим ҳудудларни бетарафлаштириш ва қуролсизлантириш, чет эл ҳарбий базаларини тугатиш
- ер шарининг турли зоналарида тинчлик зоналари ташкил этиш
- давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ва бошқалар

## ХАВФСИЗЛИК МУАММОСИ



# КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ




СССРнинг парчаланиб кетиши муносабати билан "жаҳон социалистик тизими"нинг барбод бўлиши, Варшава Шартномаси Ташкилотининг ва блокларга бўлинган қарама-қаршиликнинг тугатилиши коллектив хавфсизликда янги сифат ўзгариши касб этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва давлатларнинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши доирасидаги келишилган хатти-ҳаракатлари тинчликни ва халқаро хавфсизликни таъминлашда биринчи ўринга чиқди.

ЕХҲТнинг роли ва фаолияти кучайди, жамиятни демократиялаштиришга ва ҳуқуқий давлат қуришга киришган мустақил давлатларнинг роли кучайди. Тинчликка ва халқаро хавфсизликка бўлган ишончи ошди.

Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш уларни ҳал этишнинг асосий усулига айланиши керак.

# КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

**Коллектив хавфсизлик тушунчаси ва турлари**

КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК – ТИНЧЛИККА ХАВФ СОЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ҲАМДА АГРЕССИЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ БОСТИРИШ УЧУН БУТУНЖАҲОН ЁКИ МУАЙЯН МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИНИНГ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТИЗИМИ

**БМТ – КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИКНИНГ УНИВЕРСАЛ ТАШКИЛОТИ**

- БМТ Уставида назарда тутилган коллектив чора-тадбирлар тизими;
- Давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч билан таҳдид қилиш ёки унинг қўлланилишини тақиқлаш чора-тадбирлари (БМТ Уставининг 2-моддаси 4-банди);
- Қуролсизланиш чора-тадбирлари (11, 26, 47-моддалар);
- Хавфсизликнинг минтақавий ташкилотларидан фойдаланиш чора-тадбирлари (VIII боб);
- Ўтиш даврида хавфсизликни таъминлаш чоралари (X, VII боблар);
- Тинчликнинг бузилишига барҳам бериш бўйича вақтинчалик чоралар (40-модда);
- Хавфсизликнинг қуролли кучлардан фойдаланилмайдиган мажбурий чоралари (41- модда);
- Қуролли кучлардан фойдаланиладиган мажбурий чоралар (42- модда)

**МИНТАҚАВИЙ АСОСДАГИ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК**

- Уларга бир жўғрофий ҳудуд давлатлари қатнашиши мумкин бўлган битимлар ва хавфсизлик ташкилотлари
- Ушбу битимларнинг кучга кириши ушбу ҳудуддан ташқарига чиқиши мумкин эмас;
- Ушбу ҳаракатлар БМТ ҳаракатларига зид бўлмаслиги ва унинг Устави мақсадлари ва принципларига мос бўлиши керак

**КОЛЛЕКТИВ ЧОРА-ТАДБИРЛАР: НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ҚИЛИШ**

Қуролли кучларни қўллаган ҳолда мажбурлаш чораларига БМТ Уставининг 51-моддаси асосида йўл қўйилади, яъни мажбурлаш чоралари Хавфсизлик Кенгаши раҳбарлиги остида қўлланилади (шу жумладан минтақавий органларнинг таклифлари бўйича)

# ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИНИ ЧЕКЛАШ ВА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ



# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ФАНИ БЎЙИЧА НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ



## ЎЗИНИ-ЎЗИ ТЕКШИРИШ УЧУН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Халқаро ҳуқуқ соҳаси қандай пайдо бўлган?
2. Халқаро ҳуқуқ моҳиятини кўрсатинг.
3. Халқаро ва миллий қонунчилик қандай алоқадорликда?
4. Халқаро оммавий ва халқаро хусусий ҳуқуқ орасидаги алоқадорлик қай даражада?
5. Халқаро ҳуқуқда нормаларни яратиш қандай амалга оширилади?
6. Халқаро ҳуқуқ тизимини таърифлаб беринг.
7. Халқаро ҳуқуқ нормасини тушунтириб беринг.
8. Халқаро ҳуқуқ нормаларини таснифлаб беринг.
9. Халқаро ҳуқуқ манбалари нималардан иборат?
10. Халқаро ҳуқуқ кодификацияси деганда нима тушунилади?
11. Халқаро ҳуқуқ принципларини таърифлаб беринг.
12. Уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
13. Давлатларнинг суверен тенглиги принципи нимани англатади?
14. Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик принципи нимани англатади?
15. Давлат чегараларининг дахлсизлиги принципи нимани англатади?
16. Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги принципи нимани англатади?
17. Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципи нимани англатади?
18. Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципи нимани билдиради?
19. Инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш принципи нимани билдиради?
20. Халқларнинг ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи нимани англатади?
21. Халқаро ҳамкорлик принципи нимани англатади?
22. Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш принципи нимани англатади?

23.Халқаро субъектнинг тушунчаси нимани англатади?

24.Оддий ва мураккаб давлатлар деганда нимани тушунамиз? Уларнинг бирлашуви деганда нимани тушунамиз?

25.Оддий ва мураккаб давлатлар халқаро ҳуқуқнинг субъекти б?ла оладими?

26.Халқлар ва миллатлар халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўла оладими?

27.Давлатларга хос бўлган бирлашмалар халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўла оладими?

28.Халқаро муассасалар халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўла оладими?

29.Халқаро ҳуқуқий тан олиш деганда нимани тушунамиз?

30.Халқаро ҳуқуқий тан олишнинг қандай шакллари мавжуд?

31.Халқаро ҳуқукда ҳудуд тушунчаси.

32.Халқаро ҳуқукда ҳududнинг турланиши.

33.Давлат ҳудуди таркибига нималар киради?

34.Давлат ҳудудининг ҳуқуқий мақоми қандай?

35.Давлат чегараси деганда нима тушунилади?

36.Давлат чегараларининг қандай турлари мавжуд?

37.Давлат чегарасини ўзгартириш мумкинми?

38.Қандай ҳолатларда ҳудудий низолар келиб чиқиши мумкин?

39.Халқаро ҳуқукда аҳоли тушунчаси.

40.Халқаро ҳуқукда фуқаролик масаласи.

41.Фуқароликнинг қабул қилиниши ва унинг тугатилиши сабаблари.

42.Иккита фуқароликка эга бўлиш мумкинми?

43.Фуқароликка эга бўлмаган шахслар деганда нимани тушунамиз?

44.Қандай ҳужжатлар фуқаролик борлигини ёки йўқлигини тасдиқлайди?

45.Қочоқлар қоидаси деганда нимани тушунасиз?

46.Кўчирилган шахслар деганда нимани тушунасиз?

47.“Чет элликлар” тушунчаси нима?

48.Чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати.

49.“Чет элликлар”нинг яшаётган давлати ва ўз она юрти ўртасидаги муносабатлар.

50.Давлатга кириш ва чиқиш тартибини белгилаш йўллари.

51.Сиёсий бошпана тушунчаси.

52.Сиёсий бошпанага эга бўлиш асослари.

53.Сиёсий бошпана берилиши натижасида қандай халқаро ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкин?

54.Халқаро шартнома тушунчаси ва унинг манбалари.

55.Халқаро шартнома тушунчаси ва унинг юридик мазмуни.

56.Халқаро шартнома объекти ва мақсадлари.

57.Халқаро шартномаларнинг турланиши.

58.Шартномаларнинг қандай шакл, таркиб ва номлари мавжуд?

59.Халқаро шартномаларнинг кучга кириши ва амалда бўлишининг ҳуқуқий тартиби.

60.Халқаро шартноманинг амалда бўлиши тартиб қоидалари.

61.Дипломатик ҳуқуқ тушунчаси, тизими ва манбалари.

62.Ташқи алоқаларни амалга оширувчи органларнинг қандай турлари мавжуд?

63.Дипломатик ваколатхонанинг тизими ва вазифалари.

64.Дипломатик корпус тушунчаси.

65.Дипломатик ваколатхона ва унинг манбалари.

66.Консуллик ҳуқуқи тушунчаси ва унинг манбалари.

67.Консулларнинг турлари ва консуллик муассасаларида қандай таркиб иш олиб боради?

68.Консуллик муассасалари ҳамда уларнинг қандай дахлсизликлари ва имтиёзлари мавжуд?

69.Халқаро ташкилотлар тушунчаси ва уларнинг таснифланиши.

70.Халқаро ташкилотларнинг юридик мазмуни.

71.Халқаро ташкилотларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари.

72.Халқаро ташкилотларнинг қандай органлари мавжуд?

73.Халқаро ташкилотларда қарорлар қабул қилишнинг қандай тартиби мавжуд?

74.БМТ тушунчаси.

75.Уни қайси органлар ташкил этади?

76.БМТнинг махсус муассасалари ўзида нимани акс эттиради?

77.Минтақавий халқаро ташкилотларнинг тушунчаси.

78.Ҳозирги вақтда қандай халқаро ташкилотлар фаолият олиб бормоқда?

79.Халқаро коференциялар тушунчаси ва улар қандай турларга бўлинади?

80.Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси.

81.Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик институтининг манбалари мавжудлиги.

82.Кимлар халқаро ҳуқуқий жавобгарлик субъекти ҳисобланади?

83.Халқаро ҳуқуқий жавобгарликнинг шакли ва турлари тушунчаси.

84.Халқаро ҳуқуқий жавобгарликнинг вужудга келиши асослари.

85.Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик фаолияти.

86.Халқаро жиноятлар тушунчаси.

87.Халқаро жиноятлар содир этган шахсларнинг жавобгарлиги.

88.Халқаро жиноятлар содир этган халқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги.

89.Халқаро низо тушунчаси.

90.Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципининг ҳуқуқий мазмуни.

91.Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш деганда нимани тушунамиз?

92.Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишда халқаро ташкилотларнинг роли.

93.Халқаро инсонийлик ҳуқуқининг тизими.

94.Халқаро ҳуқукда инсон ҳуқуқининг ҳолати.

95.Инсон ҳуқуқлари фаолиятида давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг универсал концепцияси тушунчаси.

96.Халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларининг тавсияномаси.

97.Инсон ҳуқуқлари фаолиятида халқаро ҳужжатларнинг тавсияномаси.

98.Инсон ҳуқуқларини қандай тарзда таснифлаш мумкин?

99.Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлатлараро алоқаларнинг ривожланиш босқичларини кўрсатинг.

100. Инсон ҳуқуқлари фаолиятида давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик механизмлари.

101. "Халқаро хавфсизликка бўлган умумий ёндашиш" нимани англатади?

102. Хавфсизликни таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий воситалари деганда нимани тушунасиз?

103. Жамоатчилик муҳофазаси тушунчаси.

104. Жамоатчилик муҳофазаси турлари.

105. Ҳозирги замонда ядровий урушнинг олдини олиш ва давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш борасида қандай чора-тадбирлар мавжуд?

106. Қўшилмаслик ҳаракати тушунчаси.

107. Уруш олиб боришни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг зарурияти.

108. Қандай халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар уруш олиб боришни тартибга солади?

109. Урушнинг бошланиш акти нима дегани ва унинг ҳуқуқий оқибатларини кўрсатинг.

110.Кимлар ҳарбий ҳаракатларнинг иштирокчилари деб ҳисобланади?

111. Уруш олиб бориш усулларини белгиловчи халқаро ҳуқуқий актларда урушда жафо чекканлар ва маданий ёдгорликларни халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида нима ёзилган?

112. Қандай ҳуқуқий ҳужжатларда урушда жафо чекканлар ва маданий бойликларни халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида гап боради?

113. Уруш вақтида маълум бир давлат бетараф бўлиши мумкинми?

114. Бетараф давлатларнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солиб турувчи ҳужжатларни кўрсатинг.

115. Урушнинг тугатилиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида тушунча беринг.

116. Жиноятчиликка қарши курашда давлатлар ўртасида ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик.

117. Жиноятчиликка қарши курашда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари.

118. Халқаро жиноятчиликка қарши курашда жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам қандай амалга оширилади?

119. Ҳуқуқбузарлар билан мулоқотда бўлишнинг халқаро стандартлари қандай?

120. Халқаро жиноятчиликка қарши қандай ташкилотлар кураш олиб боради?

121. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ соҳаси нимани билдиради?

122. Халқаро ҳуқуқни белгилаб берувчи иқтисодий муносабатлар асосан нимани ташкил этади?

123. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг соҳани йўналтиришда қандай шакллари мавжуд?

124. Халқаро ташкилотлар давлатлараро иқтисодий муносабатлар соҳасида қандай усулда иштирок этадилар?

125. "Халқаро денгиз ҳуқуқи" нима?

126. Ички денгиз суви нимани билдиради?

127.Ички сувларда савдо кемаларига нисбатан қайси давлатнинг юридик мақоми (ваколатлари) қўлланади?

128. " Денгиз ҳудуди" нима?

129. "Ёндашган ҳудуд" нима?

130. "Очиқ денгиз" нима?

131. Очиқ денгизнинг ҳуқуқий тартиби нимани билдиради?

132. Алоҳида (истисноли) иқтисодий ҳудуд деганда нимани тушунасиз?

133. Ёнма-ён давлатларнинг алоҳида иқтисодий ҳудудида қандай ҳуқуқлар қўлланилади?

134 Халқаро денгиз кемаларининг ҳуқуқий тартибини йўналтириш учун қандай ҳужжатлар ишлатилади?

135. Халқаро каналларнинг ҳуқуқий тизими қандай халқаро ҳужжатлар билан бошқарилади?

136. Ҳозирги пайтда қандай халқаро каналлар мавжуд?

137. Континенталь шельф деганда нимани тушунасиз?

138. Халқаро денгиз тубининг ҳуқуқий тартиби қандай?

139. Кайси халқаро ҳужжатларга асосан тинч денгиз баҳслашувлари амалга оширилади?

140. Ҳозирги пайтда қандай халқаро денгиз ташкилотлари мавжуд?

141. Халкаро денгиз ташкилотларининг вазифалари нималардан иборат?

142. Халқаро атроф-муҳитни ҳуқуқий ҳимоя қилиш нимани билдиради?

143. Халқаро атроф-мухитнинг ҳуқуқий манбалари ва принципларига нималар тегишли?

144. Қайси халқаро ташкилотлар ҳозирги пайтда атроф-муҳит муҳофазасига доир иш олиб бормокда?

145. Уларга қандай вазифалар юклатилган?

146. Денгиз муҳитни муҳофаза қилиш қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб амалга оширилади?

147. Атмосфера ва ерга яқин бўлган коинот ҳудудини қўриқлашни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш нимага асосланиб амалга оширилади?

148. Атроф-муҳитини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш қандай амалга оширилади?

149. Халқаро ҳаво ҳуқуқи нимани англатади?

150. Халқаро ҳаво ҳуқуқи қандай халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинади?

151. Халқаро ҳаво транспорти тижорат ҳуқуқини қандай тушунасиз?

152. Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти ФАХТ(ИКАО) нимани билдиради? У қандай мақсадларни кўзлайди?

153. Халқаро космос ҳуқуқи нимани белгилаб беради? Унинг манбалари.

154. Космик муҳитдан ҳарбий мақсадларда фойдаланишда қандай чекловлар мавжуд?

155. Халқаро космос ҳуқуқида жавобгарлик институтини қайси ҳужжатлар белгилаб беради?

156. Космик ҳудуд ва осмон жисмларининг ҳуқуқий мақоми.

157. Коинотни тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш борасидаги халқаро ҳамкорликнинг амалга оширилиши.

158. Космик объект нима? Унинг ҳуқуқий тартиби.

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ФАНИДАН ТЕСТЛАР

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Халқаро ҳуқуқ:**

а) давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи тизим;

б) халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси;

в) дипломатия ва халқаро муносабатлар йиғиндиси;

г) давлатнинг ташқи сиёсатини амалга оширувчи воситалардан бири.

**2. Халқаро ҳуқуқнинг манбалари:**

а) халқаро ҳуқукда нормаларнинг мавжуд бўлган шакллари;

б) халқаро ҳуқуқнинг принциплари тизими;

в) умумий тан олинган халқаро ҳуқуқ нормалари асосида қоидалар мажмуасини мувофиқлашган тизимда тартибга солиш;

г) халқаро ҳуқуқ субъектлари ўзаро муносабатларида тайинланган асосий ғоялар.

**3. Агреман:**

а) дипломатик ваколатхонанинг бошлиғига бериладиган ҳужжат;

б) муайян шахсни бошқа давлат дипломатик ваколатхонаси бошлиғи сифатида қабул қилиш учун розилик берилиши;

в) чет эл сафарига боришда шахсият, фуқаролик ва хизмат мақомини кўрсатадиган ҳужжат;

г) консул идорасига ўз ишини ва вазифасини ижро этиш учун чет давлат томонидан бериладиган рухсат.

**4. Агрессия:**

а) халқаро низода ҳарбий ҳаракатлар жараёнида мухолиф ҳудудни қуролли кучлар томонидан эгаллаб олиш;

б) халқаро муносабатларда ғайриқонуний куч ишлатиш;

в) давлатларнинг нормал дипломатик фаолиятларни бузувчи ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларнинг халқаро миқёсдаги мажмуи;

г) давлат чегарасини бузиш.

**5. Аннексия:**

а) бирор миллат, элат ҳудудининг бошқа давлат томонидан мажбурий эгаллаб олиниши;

б) бир давлатнинг иккинчи давлат ҳукуматига қатъий талаб қўйиши;

в) бир давлатдан иккинчи давлатга ҳудуд аҳолисини кўчириш;

г) уруш тугагандан сўнг мағлуб давлатнинг ғолиб давлатга пул маблағини тўлаши.

**6. Аутентик матн:**

а) дипломатик ҳужжат бўлиб, унда бирор халқаро масаланинг фактик томони баён этилиши;

б) давлатнинг нуқтаи назари асослаб бериладиган ҳужжат;

в) ташқи ишлар вазирлигини ҳорижий дипломатик ваколатхоналар билан ёзишмалари;

г) тарафлар томонидан ишлаб чиқарилган ва мувофиқлаштирилган ҳалқаро шартнома матни.

**7. Қочоқлар:**

а) уруш жараёнида забт этилган ҳудудлардан турли ишларда фойдаланиш учун мажбурий олиб чиқилган шахслар;

б) икки ёки ундан кўп фуқароликка эга бўлган шахслар;

в) таъқиб, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа фавқулодда вазиятларда ўз мамлакатларини ташлаб кетган шахслар;

г) ҳарбий ҳолатда ўз хизмат жойларини ўзбошимчалик билан ташлаб кетган ҳарбий хизматчилар.

**8. Бипатрид:**

а) давлат худудида мавжуд бўлган хорижий фуқаролар;

б) фуқароликка эга бўлмаган шахслар;

в) икки фуқароликка эга бўлган шахслар;

г) бошқа мамлакат билан ҳарбий тўқнашув жараёнида қўлга олинган жанг қилаётган ўзга томоннинг қуролли кучлари таркибидаги шахслар.

**9. Ишонч ёрлиғи:**

а) элчи ва вакилларнинг ваколати хусусиятлари ва аккредитация ҳамда қайд этилишини хорижий давлатда шаҳодатловчи ҳужжат;

б) бирор давлат бошлиғининг иккинчи давлат раҳбарига ўз вакилини эгаллаб турган лавозимидан чақириб олиш учун юборган расмий мактуби;

в) хорижий шахсларга мамлакатнинг божхона ва чегара идоралари томонидан ёрдам бериши учун берилган ҳужжат;

г) ТИВнинг дипломатик хусусиятга эга бўлган жорий масалалар баён этилган расмий мактуби.

**10. Геноцид:**

а) аҳолини ирқий белгиларга асосланиб ажратишга қаратилган сиёсат;

б) айнан бирор миллат, этник, ирқий ёки диний гуруҳни бутунлай ёки қисман қириб юбориш ниятида амалга ошириладиган ҳаракатлар;

в) миллий белгиларга қараб инсон ҳуқуқининг поймол этилиши;

г) бошқа мамлакатлар ва халқлар устидан ҳукмронлик қилишга бўлган интилишларни намоён этувчи ҳаракат.

**11. Дезавуирлаш:**

а) дипломатик вакилнинг олдин берган ваъдасидан ва амалга оширилган фаолиятидан воз кечиши;

б) бирор давлат идорасининг фавқулодда бошқа органдан чиқиши;

в) ҳукумат ёки бошқа ваколатли давлат идоралари томонидан ўз дипломатик вакили ҳаракатларини бекор қилиш;

г) дипломатик вакилнинг ўзига берилган ваколатларга риоя қилмаслик ҳаракатлари.

**12. Халқаро деликт:**

а) халқаро ҳуқуқ субъекти томонидан амалга ошириладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) бўлиб, халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлар бузилишини намоён этади;

б) икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг халқаро муносабатлар содир бўладиган қонунбузарликка қарши кураш олиб бориш бўйича тузган шартномалари;

в) халқаро хусусиятларга эга бўлган жиноятлар;

г) битим мажбуриятларининг жисмоний ёки юридик шахслар томонидан бузилиши.

**13. Чегара демилитацияси:**

а) бирор давлат ҳудудининг бир қисмини бошқа давлат ёки давлатларнинг қуруқлик ҳудудлари билан чегаралаб олиниши;

б) давлат чегараси чизиғининг харитага мувофиқ шартнома асосида белгиланиши;

в) муайян жойларда давлат чегараси чизиғининг аниқланиши ва белгиланиши;

г) шартнома асосида давлат чегараси чизиғини ўзгартириш.

**14. Депозитарий:**

а) халқаро шартноманинг асл матнини сақловчи шахс;

б) халқаро конференция ўтказилган давлат;

в) иштирокчилар ваколатларини текширувчи халқаро конференция органи;

г) кўп қиррали халқаро шартномага киришган давлат.

**15. Депортация:**

а) турли сабабларга кўра бошқа давлат ҳудудига ўтиб қолган шахсларнинг ўз мамлакатига қайтарилиши;

б) элат, миллат ёки шахсни ўзининг она юртидан мажбурий тарзда бошқа давлатга бадарға қилиш;

в) ҳарбий келишмовчиликлар ҳукм сураётган бошқа давлат ҳудудидан ўз фуқароларининг давлат томонидан олиб чиқиб кетилиши;

г) ҳарбий можаро минтақасидан ҳарбий асирларнинг олиб кетилиши.

**16. Дипломатия:**

а) тегишли шартномаларга кўра доимий равишда давлатлар бирлашувини барпо этиш;

б) халқаро ишларда давлатнинг умумий йўналиши;

в) давлат ташқи сиёсатининг халқаро ҳудудда белгиланган метод ва усуллар воситасида амалга оширилиши;

г) давлатлар тинчлигига таҳдид солинишининг олдини олишга қаратилган жамоа тадбирлари йиғиндиси.

**17.Дипломатик корпус:**

а) давлатнинг муносабатларини доимий сақлаб туриш мақсадида бошқа давлат ҳудудида жойлашган ташқи алоқалар органи;

б) давлатлар ўртасида дипломатик алоқаларни ривожлантириш мақсадида фаолият кўрсатадиган халқаро сиёсий ташкилот;

в) мазкур давлатда жойлашган чет эл дипломатик ваколатхоналари бошлиқларининг уюшмаси.

**18.Дуайен:**

а) дипломатик миссия бошлиғи;

б) алоҳида топшириқли элчи;

в) дипломатик корпус бошлиғи;

г) халқаро конференцияларда раислик қилувчи шахс.

**19.Дипломатик ҳимоя:**

а) чет элда ҳуқуқлари поймол қилинган шахсларнинг давлат томонидан амалга ошириладиган дипломатик ҳимояси;

б) хорижий давлат норозилик нотасига ТИВ томонидан бериладиган расмий жавоб;

в) халқаро суд органларида халқаро мунозараларни кўриб чиқиш вақтида жавобгар давлат томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар йиғиндиси;

г) дипломатнинг ўзи турган давлатда фуқаролик, жиноий ва маъмурий ишларга бўлган иммунитет.

**20.Халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги принципи:**

а) томонларнинг келишувига биноан халқаро ҳуқуқ талабларига ихтиёрий риоя қилиниши;

б) халқаро ҳуқуқнинг ички қонунчиликдан устунлиги;

в) ички қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқдан устунлиги;

г) халқаро оммавий ҳуқуқнинг эътироф этилган принципи.

**21.Инсурекция:**

а) дипломатнинг “персона нон грата” деб эълон қилиниши;

б) дипломатнинг хусусий шахс деб эълон қилиниши;

в) дипломатнинг у ёки бу сабабга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортиши;

г) дипломатик ваколатхона бошлиғининг ўз вазифасини бажаришга киришиши.

**22.Казус Белли:**

а) уруш бошланиши муносабати билан дипломатик муносабатларнинг узилиши;

б) давлатлар ўртасида уруш ҳолатини келтириб чиқариш учун бевосита расмий сабаб;

в) халқаро ҳуқуқ субъектининг халқаро ҳуқуқ нормаларини бузишдаги ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ;

г) халқаро шартномада белгиланган маълум бир ҳаракатларнинг амалга оширилиши.

**23.Клаузула:**

а) халқаро шартномада белгиланган алоҳида қоида;

б) овруполикларнинг ўтмишда шарқ давлатларидаги махсус мақоми;

в) халқаро органнинг қарорини қабул қилиш учун зарур қатнашувчилар сони;

г) очиқ денгизда жанг қилаётган мамлакатлар қуролланган савдо кемаларининг зўравонлик ҳаракатлари.

**24.Комбатантлар:**

а) асир олинган аскарлар;

б) ярадор аскарлар;

в) нейтрал давлатлар;

г) қуролли кучлар таркибида жанг қилувчи шахслар.

**25.Коммюнике:**

а) давлат бошлиғининг амалга эга бўлиши тўғрисида бошқа давлат раҳбарларига юборилган маълумотнома;

б) турли характердаги жорий масалалар баён қилинган дипломатик ёзишмалар шакли;

в) халқаро аҳамиятга эга воқеа тўғрисида расмий маълумот;

г) халқаро шартноманинг бир тури.

**26.Консул:**

а) халқаро муносабатларда зиммасига маъмурий вазифа юклатилган олий даражадаги мансабдор шахс;

б) чет давлатнинг алоҳида ҳудудларидаги ўз давлатининг, унинг шахслари ва фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайинланган мансабдор шахс;

в) протокол бўйича кичик дипломатик ваколатхона бошлиғи;

г) кичик дипломатик лавозимларнинг бири.

**27.Консул экзекватураси:**

а) консул округида фаолият кўрсатишга давлат томонидан берилган рухсатнома;

б) консуллик муассасаси бошлиғи лавозимига тайинланиш ва маълум ваколатларга эга бўлиш ҳақидаги ҳужжат;

в) консуллик ваколатхоналарининг ташкил этилиши ва ишлашини тартибга солувчи қоида;

г) давлатлар ўртасида тузиладиган консуллик ҳуқуқи нормаларини ифодалайдиган битим.

**28.Концессия шартномаси:**

а) халқаро оммавий ҳуқуқнинг манбаи;

б) сабабларнинг тубдан ўзгариши;

в) давлат томонидан табиат бойликларини, корхоналарни, ер участкаларини чет эл корхоналарига муайян шартлар билан фойдаланиш учун бериш шартномаси;

г) халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида тузилган шартнома.

**29.Мораторий:**

а) давлат билан муносабатни тўлиқ ёки қисман тўхтатишдан иборат бўлган сиёсий ёки иқтисодий кураш воситаси;

б) халқаро ҳуқуқ субъектининг маълум бир ҳаракатлардан ўзини тийиши ёки уни орқага суриши;

в) халқаро ҳуқуқ субъекти томонидан ўз халқаро мажбуриятларини бузганидан кейин пайдо бўладиган ҳуқуқий оқибатлар;

г) халқаро ҳуқуқни таъминлаш воситаси.

**30. Нейтраллаштириш:**

а) халқаро шартномага кўра маълум бир ҳududнинг ядро қуролидан тозаланиши;

б) маълум бир ҳудудда ҳарбий ҳаракатлар олиб борилишининг ман этилиши;

в) ҳарбий истеҳкомлар ва иншоотларнинг айрим ҳудудларда йўқ қилиниши;

г) давлатнинг ҳарбий ҳаракатларда қатнашмаслик ва урушаётган томонга бевосита ёрдам кўрсатмаслигига оид ҳуқуқий низом.

**31.Халқаро шартноманинг новацияси:**

а) халқаро шартнома муддатини узайтириш;

б) халқаро шартнома муддатининг тугаши;

в) халқаро шартнома талабларини янгилаш;

г) халқаро шартнома матнини тасдиқлаш билан давлатда унинг юридик кучга эга бўлиши.

**32.Нотификация**

а) халқаро шартномани янгилаш;

б) халқаро суд органининг ҳуқуқий баҳсларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга оид ваколатлари йиғиндиси;

в) ТИВнинг дипломатик (консуллик) ваколатхонасига бирор-бир халқаро масала бўйича давлатнинг нуқтаи назари баён қилинган ҳужжат жўнатиш йўли билан баён қилган расмий маълумотномаси;

г) дипломатик ёзишмаларга оид ҳужжат.

**33.Халқаро-ҳуқуқий одат:**

а) айрим халқлар ва миллатларнинг ҳуқуқий одатлари мажмуаси;

б) халқаро муносабатларнинг айрим томонларининг сиёсий ёки иқтисодий воситалар асосида ҳал этилиши;

в) халқаро муносабатларда мажбурий характерга эга бўлиб, одатга кириб қолган нормалар мажмуи;

г) халқаро муносабатларнинг айрим томонларини тартибга солиб турувчи нормалар.

**34.Оптация:**

а) фуқароликни танлаш;

б) манфаатдор шахснинг бошқа бир давлат фуқаролигини танлаш тартиби;

в) фуқароликдан воз кечиш;

г) иккинчи фуқароликка эга бўлиш.

**35.Халқаро шартноманинг парафирлаштирилиши:**

а) халқаро шартномани қабул қилиш тартиби;

б) шартноманинг аутентик матнини томонлар учун тушунарли ва мажбурий бўлганлиги ҳақидаги баёнот;

в) томонларнинг шартномага қўшилиш тартиби;

г) халқаро шартномани имзолаган давлатларнинг ушбу шартномани бир томонлама ўзгартириш тўғрисидаги баёноти.

**36.Вакил:**

а) дипломатик ваколатхонанинг протокол бўйича энг юқори мансабга эга бўлган раҳбари;

б) дипломатик миссияни бошқариб турувчи раҳбар;

в) алоҳида вазифалар бўйича элчи;

г) дипломатик почтани етказиб бериш топширилган алоҳида лавозим.

**37.Халқаро шартномани бекор қилувчи ички шартлар қуйидагилар:**

а) халқаро шартномани бир томонлама рад этиш;

б) халқаро шартнома шартларини бекор деб тан олиш;

в) халқаро шартнома муддатининг узайтирилиши;

г) халқаро шартнома талабларини бекор қилишга сабаб бўлувчи шартлар.

**38.Халқаро ҳуқуқда давлатлар ворислиги:**

а) халқаро ҳуқуқ талабларига кўра ворис бўлиш тартиби;

б) халқаро ҳуқуқда маълум бир ҳудудга эга бўлганлик тўғрисидаги маълумот;

в) халқаро ҳуқуқ талабларига кўра ёки ин қилоб, янги давлат пайдо бўлганда айрим давлатларнинг ҳуқуқ ва бурчларининг меросхўр давлатларга ўтиши;

г) давлатнинг юридик ваколатига ўтишини белгилаб жавоб берадиган тартиб.

**39.Преференциялар:**

а) халқаро ҳуқуқда преференцлар ваколатини тасдиқловчи ва мажбурий кучга эга бўлган ҳужжат;

б) давлатнинг бошқа давлатга бериладиган савдодаги имтиёзлари;

в) дипломатик ваколатхоналарнинг ходимларига бериладиган махсус имтиёзлар мажмуи;

г) чет эл фуқароларига хорижий давлатда худди ўша давлат жисмоний ва юридик шахсларига бериладиган айрим имтиёзлар.

**40.Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик турлари:**
а) солидар ва диспозитар;
б) моддий ва ахлоқий;
в) моддий ва фактик;
г) сиёсий ва моддий.

**41.Ратификация:**
а) давлатнинг олий ҳокимият органи томонидан халқаро шартномани тан олиш тўғрисидаги қарори;
б) давлатнинг марказий бошқарув органи томонидан халқаро шартнома талабларини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори;
в) халқаро ҳуқуқ талабларига кўра айрим давлатлар ҳуқуқ ва бурчларининг меросхўр давлатларга ўтиши;
г) халқаро шартнома талабларини бекор қилишга сабаб бўлувчи шартлар.

**42.Халқаро шартноманинг ревизияси:**
а) халқаро шартнома талабларини қайтадан кўриб чиқиш;
б) халқаро шартноманинг муддати тамом бўлиши сабабли узайтирилиши;
в) халқаро шартнома талабларини бир томонлама ўзгартириш;
г) халқаро шартнома талабларини бажара олмаслик тўғрисида бирор-бир давлатнинг баённомаси.

**43.Чегаранинг редемаркацияси**
а) халқаро шартнома талабларига кўра давлат чегарасини харита асосида белгилаш;
б) халқаро шартномалар асосида давлат чегарасининг маълум бир ҳудудини ўзгартириш;
в) ўзгарган давлат чегарасини халқаро шартномалар асосида тиклаш;
г) халқаро шартномалар талабларига кўра давлат чегарасини жойида белгилаш.

**44.Репарациялар:**
а) уруш тамом бўлиши натижасида мағлубиятга учраган давлатнинг ғолиб давлатга моддий зарарни қоплаш мажбурияти;

б) ҳарбий ҳаракатлар вақтида маълум бир мол-мулкнинг мажбурий мусодара қилиниши;

в) агрессияга учраган давлатга етказилган зарарни қоплаш мақсадида агрессор давлатга қўлланадиган жазо чораси;

г) ҳарбий ҳаракатлар натижасида маълум бир давлат ҳудудини қўшиб олиш.

**45.Реституция:**

а) агрессияга учраган давлатга етказилган зарарни қоплаш мақсадида агрессор давлатга қўлланадиган жазо чораси;

б) ҳарбий ҳаракатлар натижасида маълум бир давлат ҳудудидан ноқонуний тартибда олиб кетилган мулкни қоплаш мажбурияти;

в) ҳарбий ҳаракатлар натижасида маълум бир давлат ҳудудини қўшиб олиш;

г) ҳарбий ҳаракатлар натижасида зарар кўрган давлатга натура ёки пул билан зарарни қоплаб бериш.

**46.Реторсия:**

а) агрессияга учраган давлатга етказилган зарарни қоплаш мақсадида агрессор давлатга қўлланадиган жазо чораси;

б) ноқонуний ҳаракатлар натижасида етказилган моддий зарарни пул билан, мол-мулк ёки хизмат кўрсатиш ёрдамида қоплаш;

в) бир давлатнинг бошқа давлатнинг душманлик ҳаракатига жавобан унга нисбатан қонунан мажбурий ҳаракати;

г) ҳарбий ҳаракатлар натижасида маълум бир давлат ҳудудини қўшиб олиш.

**47.Сатисфакция:**

а) ҳарбий ҳаракатлар натижасида маълум бир давлат ҳудудидан ноқонуний тартибда олиб кетилган мулкни қоплаш мажбурияти;

б) халқаро ҳуқуқда жавобгарликнинг бир тури, унга кўра зарар етказган томон зарарни қоплаши зарур;

в) агрессияга учраган давлатга етказилган зарарни қоплаш мақсадида агрессор давлатга қўлланадиган жазо чораси;

г) халқаро шартномалар талабларига кўра давлат чегарасини жойида белгилаш.

**48.Факультатив протокол:**

а) норасмий шартноманинг алоҳида олинган тури;

б) шартноманинг кучга кириши, ўзгариши ва тугатилиши тўғрисидаги шартлар;

в) халқаро шартномага қўшимча сифатида ҳамда мустақил равишда қабул қилинадиган ҳужжат;

г) дипломатларнинг алоҳида ваколатларини белгиловчи факультатив кучга эга ҳужжат.

**49.Цессия:**

а) халқаро ҳуқуқда қарздор давлатнинг шартнома асосида алмаштирилиб, ўзгариши;

б) халқаро ҳуқуқда жавобгарликнинг бир тури, унга кўра зарар етказган томон зарарни қоплаши зарур;

в) агрессияга учраган давлатга етказилган зарарни қоплаш мақсадида агрессор давлатга қўлланадиган жазо чораси;

г) халқаро шартномалар талабларига кўра давлат чегарасини жойида белгилаш.

**50.Алоҳида иқтисодий ҳудуд:**

а) соҳилдан 200 денгиз милига тенг масофада жойлашган ва тегишли давлат ўз ҳуқуқларини амалга оширадиган иқтисодий ҳудуд;

б) давлат чегарасидан 200 миль узоқликкача жойлашган континентал шельф ҳудуди;

в) соҳилдан 24 денгиз милига тенг масофада жойлашган ҳудуд;

г) ҳудудий сувларнинг ёнидаги 200 денгиз милига тенг масофада жойлашган иқтисодий ҳудуд.

**51.Пролонгация:**

а) халқаро шартнома талабларини қайтадан кўриб чиқиш;

б) халқаро шартнома муддати тамом бўлиши сабабли узайтирилиши;

в) халқаро шартнома талабларини бир томонлама ўзгартириш;

г) халқаро шартнома талабларини бажара олмаслик тўғрисида бирор-бир давлатнинг баённомаси.

**52.Бошпана турлари:**

а) дипломатик ва консуллик;

б) ҳудудий ва дипломатик;

в) ҳудудий ва консуллик;

г) сиёсий ва дипломатик.

**53.Туғилиш натижасида фукароликка эга булишнинг принциплари:**

а) фуқаролик ва ворислик;

б) туғилиш жойига кўра ва фуқаролик бўйича;

в) ҳудуд ва қон ҳуқуқи бўйича;г) ҳудудий ва фуқароликка асосан.

**54.Халқаро савдо арбитражи турлари.**

а) доимий ва ҳудудий;б) фуқаролик ва доимий;

в) доимий ва ad hoc;

г) ad hoc ва ҳудудий.

**55.Халқаро шартноманинг денонсацияси:**

а) норасмий шартноманинг алоҳида тури;

б) шартноманинг кучга кириши, ўзгариши ва тугатилиши тўғрисидаги шартлар;

в) халқаро шартномадан қонуний тартибда бир томонлама чиқиш;

г) дипломатларнинг алоҳида ваколатларини белгиловчи факультатив кучга эга бўлган ҳужжат.

**56.Плебисцит:**

а) агрессияга учраган давлатга етказилган зарарни қоплаш мақсадида агрессор давлатга қўлланадиган жазо чораси;

б) аҳолининг давлат аҳамиятига эга масала бўйича муносабатини билиш мақсадида сўров ўтказиш;

в) агрессияга учраган давлатга етказилган зарарни қоплаш мақсадида агрессор давлатга қўлланадиган махсус жазо чораси;

г) ҳарбий ҳаракатлар натижасида маълум бир давлат ҳудудини қўшиб олиш.

**57.Экстрадиция:**

а) халқаро шартномада белгиланган алоҳида сабаб;

б) овруполикларнинг шарқ давлатларидаги махсус мақоми;

в) халқаро органнинг қарорини қабул қилиш учун зарур қатнашувчилар сони;

г) бир давлатнинг бошқа давлатга ўз фуқароси ёки хорижлик шахсни бериши.

**58.Форс мажор:**

а) чет элда ҳуқуқи поймол қилинган шахсларнинг давлат томонидан амалга ошириладиган дипломатик ҳимояси;

б) хорижий давлат норозилик нотасига ташқи ишлар вазирлиги томонидан бериладиган расмий жавоб;

в) халқаро судлар қарорларига биноан давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар;

г) халқаро шартномада белгиланган енгилмас куч.

**59.Репатриация:**

а) уруш тамом бўлиши натижасида мағлубиятга учраган давлатнинг моддий зарарни қоплаш мажбурияти;

б) ҳарбий ҳаракатлар пайтида маълум бир мол-мулкнинг мажбурий мусодара қилиниши;

в) аҳолини ёки маълум бир шахснинг ўз тарихий ватанига қайтарилиши;

г) ҳарбий ҳаракатлар натижасида маълум бир давлат ҳудудини қўшиб олиш.

**60.Халқаро-ҳуқуқий нормалар имплементацияси:**

а) халқаро ҳуқуқ талабларига кўра ворис бўлиш тартиби;

б) халқаро ҳуқуқда маълум бир ҳудудга эга бўлганлик тўғрисидаги маълумот;

в) халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички қонунчиликка тадбиқ этилиши;

г) давлатнинг юридик ваколатга эгалигини белгилаб берувчи махсус шаклда тузилган ва халқаро ҳуқуқ талабларига жавоб берадиган тартиб.

## МУНДАРИЖА

Кириш ........................................................................ 3

УМУМИЙ ҚИСМ
**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА ИНСТИТУТЛАРИ** ........................................ 8

1-*мавзу*. Халқаро ҳуқуқ тушунчаси. Моҳияти ва аҳамияти ........................................ 9
2-*мавзу*. Халқаро ҳуқуқ тарихи ........................................ 27
3-*мавзу*. Халқаро ҳуқуқ манбалари ........................................ 31
4-*мавзу*. Халқаро ҳуқуқ субъектлари ........................................ 37
5-*мавзу*. Халқаро ҳуқуқ принциплари ........................................ 47
6-*мавзу*. Халқаро ҳуқуқда худуд ва бошқа маконлар ... 53
7-*мавзу*. Халқаро ҳуқуқда аҳоли ........................................ 65
8-*мавзу*. Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик ........................................ 69

МАХСУС ҚИСМ
**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИ** ......... 80

9-*мавзу*. Халқаро шартномалар ҳуқуқи ........................................ 81
10-*мавзу*. Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи ........................................ 95
11-*мавзу*. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи ........................................ 119
12-*мавзу*. Халқаро гуманитар ҳуқуқ ........................................ 171
13-*мавзу*. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ ........................................ 209
14-*мавзу*. Халқаро экология ҳуқуқи ........................................ 215
15-*мавзу*. Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик ........................................ 227
16-*мавзу*. Халқаро денгиз ҳуқуқи ........................................ 251
17-*мавзу*. Халқаро ҳаво ҳуқуқи ........................................ 269
18-*мавзу*. Халқаро космос ҳуқуқи ........................................ 275
19-*мавзу*. Халқаро низоларни ҳал қилишнинг халқаро-ҳуқуқий воситалари ........................................ 281
20-*мавзу*. Қуролли можаролар даврида халқаро ҳуқуқ (халқаро гуманитар ҳуқуқ) ........................................ 295
21-*мавзу*. Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи ........................................ 319

**Халқаро ҳуқуқ фани бўйича назорат саволлари** ... 327
**Халқаро ҳуқуқ фанидан тестлар** ........................................ 335

**Акмал Холматович САИДОВ**

юридик фанлари доктори,
профессор

# ҲАЛҚАРО ҲУҚУҚ

*(Чизмалар ва таърифлар)*

Ўқув қўлланма

| | |
|---|---|
| Муҳаррир | И.Э.Ҳувайтов |
| Нашриёт муҳаррири | Ҳ.Жалолов |
| Рассом | З.Абдурасулов |
| Техн.муҳаррир | М.Мирилёсова |

Босишга 2001 йил 1 мартда рухсат этилди. Қоғоз бичими $84x108^{1/32}$. Босма табоғи 11,0. Нашр босма табоғи 17,9.
К-8612 -сонли буюртма
Адади 3000 нусха. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Адолат" нашриёти. Тошкент шаҳри, Муҳиддинов кўчаси, 26-уй.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68-уй.

Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.